

## Соғлом оила асоси

Муассислар:  
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси,  
“Kamolot” ёшлар ижтимоий ҳаракати**

1982 йилдан чиқа бошлаган.

Жамоатчилик кенгаши раиси:  
**Абдулла ОРИПОВ**

Жамоатчилик кенгаши:  
**Нажмиддин ЖИЯНОВ  
Азамат УМАРОВ  
Феруза МУҲАММАДЖОНОВА  
Аҳмад ОТАБОЕВ  
Шухрат СИРОЖИДДИНОВ  
Аҳмад УСМОНОВ**

Бош муҳаррир:  
**Нодир ЖОНУЗОҚ**

Бош муҳаррир ўринбосари в.б.:  
**Нурилла ЧОРИ**

Масъул котиб:  
**Ориф ТОЛИБ**

Масъул муҳаррир:  
**Элёр МУРОД**

Таҳрир ҳайъати:  
**Муҳаммад АЛИ  
Иқбол МИРЗО  
Сирожиддин САЙИД  
Ўрозбой АБДУРАҲМОНОВ  
Фаррух ЖАББОРОВ**

Бадий муҳаррирлар:  
**Акбарали МАМАСОЛИЕВ  
Раҳматжон ЮНУСОВ**

Саҳифаловчи:  
**Гиёсиддин ЎНАРОВ**

Фотограф:  
**Рустам НАЗАРМАТ**

**Манзилмиз:**  
Тошкент шаҳри,  
Ўзбекистон шохқўчаси, 16-“а” уй.  
E-mail: yoshlik-jurnali@umail.uz  
Тел/факс: (0371) 227-0-227,  
245-5-793, 245-0-552

Навбатчи муҳаррир: Э. Муродов  
Босишга 16.12.2015 йилда рухсат берилди.  
Қоғоз формати 60x84 1/8.  
Наширёт ҳисоб тобоғи 8,7. Индекс 822.  
ISSN 0207-9137. Журнал 2007 йил 4 майда  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги  
томонидан № 0253 рақами билан рўйхатга олинган.  
Журналдан кўчириб босилганда  
“YOSHLIK” дан олинди” деб изоҳланиши шарт.  
“SILVER STAR PRINT” МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.  
Буюртма № 69. Адади 2700 дона.  
Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 22-мавзе, 17-уй.

Машҳур қизиқчимиз айтганидек, бола пайтимиз инжиқлансак, ота-онамиз: “Ҳозир дўхтирга олиб бораман, укол қилади!” деб қўрқитарди. Шифокор билан юзма-юз бўлиш биз учун гўё энг оғир жазодай эди. Нима учун? Чунки оқ либосли мутахассисларни фақат жонимиз оғриб турган, оғриқли муолажа пайтидагина кўрар эдик.

Бугун эса мамлакатимизда туғилаётган гўдаклар туғруқхонадан олиб чиқилиб, уйга келтирилиши биланоқ оилавий поликлиника шифокорлари ғамхўрлигидан баҳраманд бўлмоқда. Тиббиёт ходимлари болаларимиздан тоби қочганида эмас, соғ пайти ҳам мунтазам хабар олиб турибди. Одамларимизнинг дунёқараши ўзгарди, оилада соғлом турмуш тарзига алоҳида эътибор берадиган бўлишди.


Бу ниманинг натижаси? Албатта, мустақиллик йилларида соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида кўрилаётган чора-тадбирлар самарасидир. Президентимиз Ислам Каримов таклифи билан 2016 йил “Соғлом она ва бола йили” деб аталгани ҳам айни муддао бўлди: бу борада қилинаётган ишлар изчил давом эттирилиб, янги сифат босқичига кўтарилди.

Юртбошимиз таъкидлаганидек: **“Соғлом бола соғлом ва аҳил оиланинг меваси бўлиб, фақатгина соғлом онадан соғлом бола туғилади”**. Бу ерда бежиз АҲИЛ ОИЛАга алоҳида урғу берилмаяпти. Негаки, оиламизда муҳит соғлом бўлсагина, бир-биримизнинг саломатлигимиз, умумий бахтимиз йўлида чинакамига қайғурамыз.

Умумий бахт ҳақида гап кетганда бир ривоят ёдга тушади. Бехосдан бир хонадон эшиги тақиллабди. Уй соҳиби чиқиб қараса, остонада Соғлик, Бойлик ва Аҳиллик турган экан. Мезбон меҳмонларни ичкарига таклиф қилса, улар фақат биттамызни танла, дейишибди қатъий оҳангда. Эркак уйга кириб, аёли ва қизи билан маслаҳатлашибди. “Бойликни таклиф қилайлик, фаровон яшаймиз”, дебди хотини. “Соғликни чақирсак-чи, ҳаммамиз саломат бўламиз”, дебди эр. “Йўқ, – дея эътироз билдирибди қизи, – Аҳилликни чақирайлик, доим бир-биримизни яхши кўриб яшашимизни хоҳлайман”. Ота-онаси унинг таклифига кўнибди. Уй соҳиби ташқарига чиқиб, Аҳилликни уйга таклиф қилибди. Қараса, унинг изидан Соғлик ва Бойлик эргашибди. “Ия, – ҳайрон бўлибди у, – уйга фақат биттамыз киришимиз мумкин, деган эдингиз-ку!”. “Тўғри, – дебди Бойлик, – агар сиз мени ёки Соғликни танлаганингизда эди, ёлғиз биримиз ичкарига кирардик. Сиз эса Аҳилликни танладингиз: у қаерда бўлса, Бойлик ҳам, Соғлик ҳам ўша ерда бўлади”.

Қиссадан ҳисса шуки, Соғлом она ва бола йилида кўзланган эзгу режаларнинг самарасидан баҳраманд бўлишни истасак, энг аввало, оиламизда аҳилликни, тотувликни устувор қилишимиз лозим. Шубҳасиз, аҳил оилада она ва бола саломатлиги ҳам кафолатланган бўлади. Табиийки, бундай оилада тарбия топаётган соғлом болаларни шифокор билан чўчитишга ҳеч қандай ҳожат қолмайди...

# МУНДАРИЖА



27

51



35



**ТАҚВИМ**

**Шоирлар**

- Ақашар Шоай (1841-1901), 575 йил, Ўзбекистон
- Жан де Лабрюйер (1621-1695), 374 йил, Франция
- Ушайи Ёлманов (1721-1759), 298 йил, Андорра
- Насриддин (1791-1842), 225 йил, Ўзбекистон
- Карен Арманд-Зейн (1811-1870), 259 йил, Чехия
- Шарль Бюффер (1821-1867), 195 йил, Франция
- Николай Некрасов (1821-1878), 197 йил, Россия
- Абдурауф Фират (1896-1958), 120 йил, Ўзбекистон
- Мари Терезия (1751-1797), 105 йил, Италия
- Норелия Рашид (1916-2002), 100 йил, Ўзбекистон
- Бонифи Капелларо (1916), 100 йил, Ўзбекистон
- Андре Мале (1871-1950), 147 йил, Франция
- Мирзо Абдурашад (1876-1916), 140 йил, Ўзбекистон

**Ёзувчилар**

- Вальтер Скотт (1771-1832), 243 йил, Англия
- Тейфилд Олвер (1811-1872), 201 йил, Франция
- Шарлотта Бронте (1816-1855), 140 йил, Англия
- Кристи Фолбер (1821-1892), 169 йил, Франция
- Федор Достоевский (1821-1881), 190 йил, Россия
- Херберт Уэлс (1866-1946), 180 йил, Англия
- Марселл Пруст (1871-1922), 145 йил, Франция
- Павел Дубинин (1871-1940), 149 йил, Россия
- Мари-Френс (1911-1991), 105 йил, Швейцария
- Стефан Цвейг (1881-1942), 151 йил, Австрия
- Михаил Булгаков (1891-1940), 125 йил, Россия

**Асрларни қаритган адиблар**



9

26



№ 12 (295), 2015 й.

- 6** **ГУРУР**  
Муродхон ЭРГАШЕВ  
Жаҳон харитасида менинг Ватаним
- 9** **ДАДИЛ ҚАДАМЛАР**  
Бахтиёр ЁҚУБОВ  
Асқар тоғни кўзлаб...
- 12** **БОБОСЎЗ**  
Юзига қарама, фазилатига қара.  
“Девону луғотит турк” мақолларидан
- 13** **НАЗМ**  
Вафо ФАЙЗУЛЛОҲ  
Ишқ аталур оламларнинг меҳвари...
- 40** **Азизбек АНВАР**  
Севгидан яралган қақнус юрагим
- НАСР**  
**16** Луқмон БЎРИХОН  
Болтабойнинг боласи.
- 20** Овчи қисмати
- 47** Фаррух ЖАББОРОВ. Қаватма-қават
- 26** **ТАҚВИМ**  
Асрларни қаритган адиблар
- 27** **НИГОҲ**  
Пиримқул Қодиров довони
- 30** **ШУКУҲ**  
ОЙДИННИСО. Янги йил орзуси
- 31** **ИЖОД УСТАХОНАСИДАН**  
Асқад МУХТОР.  
Ёш ёзувчи бўлиш қийин
- 37** **ҲИКОЯ**  
Боборавшан ҲОЗИДДИНОВ. Сув
- 42** **ТАДҚИҚОТ**  
Севинчой ЁҚУБОВА. Ёниқ кўнгил дафтари
- 44** **ҚЎЛЁЗМА**  
Ҳамза ИМОМБЕРДИЕВ. Қорбобо
- 45** **ҚАЛДИРҒОЧ**  
Ёғар эди оппоқ қор
- 46** **ТАВСИЯ**  
Лев Толстой қондалари
- 51** **САРҲИСОБ**  
Адабий мукофотлар  
2015 йили кимларга насиб этди?
- 53** **ЖАҲОН ҲИКОЯСИ**  
Редьярд КИПЛИНГ. Тоғ қизи
- 57** **ҲАНГОМА**  
Азим БАҲОДИР. СМС
- 61** **ЙИЛ МУНДАРИЖАСИ**

# Ишончни мустаҳкамлаган ИШОНЧ




“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг марказий кенгаши қарорига биноан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 23 йиллиги муносабати билан турли соҳаларда фаолият юритаётган ёшлардан бир гуруҳи “Ўзбекистон белгиси” кўкрак нишони билан тақдирланди.

2003 йилдан буён ўз эгаларига топшириб келинаётган ушбу нишон ватанпарварлик, фидойилик ва меҳнатсеварлик фазилатларини ўзида мужассамлаштирган, Ватанимиз шарафини юксалтиришга, халқаро нуфузини оширишга ҳисса қўшаётган, ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштирок этиб, тенгдошларига намуна бўлаётган ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Президентимиз фармони билан таъсис этилган.



Ушбу кўкрак нишонга эгалик қилиш иштиёқидаги ёшлар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бу йил танлов комиссиясига 970

нафар номзоднинг ҳужжатлари келиб тушган бўлса, улардан 22 нафари совриндорга айланди. Ҳозирга қадар ушбу мукофотга жами 435 нафар йигит-қиз сазовор бўлган.




**Омонулла Файзиёв,**  
“Халқ сўзи” газетаси ходими:

– Бугун мамлакатимизга ташриф буюраётган хорижлик меҳмонларнинг юртимиз ҳақидаги таасуротлари билан қизиқиб қолсангиз, Ўзбекистон бой маданий меросга эгаллиги билан бир қаторда ёшлар мамлакати эканлигини ҳам алоҳида эътироф этишадди. Мен ана шу таърифга икки оғиз қўшимча қилсам.

Меҳнат фаолиятим бевосита республикамызда ёшларга оид давлат сиёсатини ёритиш билан боғлиқ. Табиийки, иш жараёнида ўнлаб, юзлаб тенгдошларим билан мулоқот қиламан. Уларнинг интилишлари, орзу ва мақсадларини газетамиз саҳифаларида ёритаман. Айтиш мумкинки, Ўзбекистон ёшлар мамлакати бўлганида ҳам, оддий эмас, илмга чанқоқ, изланувчан, зеҳни ўткир ёшларни тарбиялаётган диёрдир.


“Ўзбекистон белгиси” кўкрак-нишонини топшириш маросимида айна шу жиҳатлар яна бир қарра ёрқин намоён бўлди, десам янглишмайман. Боиси, мукофотланган ёшларнинг ҳар бири ўз соҳасида юртимиз тараққиётига ҳисса қўшиб, халқимиз доврўғини дунёга ёйишга интилиб келаётган навқирон авлод вакиллари дидир.



**Заринахон Эгамбердиева,**  
“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг  
марказий кенгаши бўлим мудирини:

“Ўзбекистон белгиси” кўкрак нишони мен қўлга киритган биринчи мукофот. Камтарона меҳнатимни юқори баҳолашгани учун миннатдорлик билдираман.

Соғ танда – соғлом ақл, дейди доно халқимиз. “Камолот” ЁИХ тизимида 300 дан ортиқ кўнгилидан иборат тарғиботчилар гуруҳи шакллантирилиб, соғлом турмуш тарзига қаратилган лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бунда юртимиздаги барча туман ва шаҳарлар қамраб олинади. Ана шундай фахрли ва масъулиятли лойиҳаларда қатнашаётганимдан, унга ўз ҳиссамни қўшаётганимдан жуда хурсандман.



**Муҳаммадсиддиқ  
Абдумуталов,**

Наманган муҳандислик-технология  
институти қошидаги 2-академик  
лицей ўқувчиси:

– Дадам ҳам ёшлик  
чоғларида спорт билан жид-  
дий шуғулланган экан. Лекин  
ҳозиргидек шарт-шароитлар  
бўлмагани боис чемпион-  
лик орзуси амалга ошмаган.  
Мана, орадан йиллар ўтиб,  
дадамнинг орзуларини мен  
амалга оширдим.

Кўкрак нишони билан  
тақдирланишим мен учун  
кутилмаган совға бўлди. Бу  
рағбат менга янада куч ва  
ишонч бағишлайди.

Халқаро ва жаҳон миқё-  
сидаги мусобақаларда  
Ватанимиз байроғи кўкларга  
кўтарилганда, мадҳиямиз  
баралла янграганда ҳар  
сафар кўнглим ғурур ва иф-  
тихорга тўлади. Бу – Ватан  
туйғуси. Бу туйғуни сўз бил-  
лан таърифлаб бера олмай-  
ман. Мен билан бир қаторда  
тақдирланган барча умидли  
ёшларни табриклайман.



**Барно Мирзаева,**

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти талабаси:

– Тақдирлаш маросимида қаттиқ ҳаяжонландим,  
хурсандлигимдан йиғлаб юбордим. Биринчи бор жаҳон  
чемпионатида қатнашганимда ҳам шундай ҳолга туш-  
гандим. Нишонни олиб, саҳнадан пастга тушгач, хаёл  
суриб қолибман. Мендан кейин кимлар тақдирланга-  
нини ҳам англолмадим. Кўз олдимдан ушбу мукофот-  
ни олишимга сабабчи бўлган инсонлар бир-бир ўтди.  
Чуқур нафас олдим, вужудим кучга тўлгандай бўлди.  
Ўз-ўзимга: “Мен бу билан тўхтаб қолмайман, шуғулла-  
нишни кучайтираман ва билдирилган ишончга лойиқ  
эканимни исботлайман!” дедим.

Нишоннинг номидаёқ чуқур маъно-мазмун мужассам.  
“Белги бўлса йўлдан адашмас, ақл бўлса сўздан адашмас”,  
дейди доно халқимиз. Демак, ушбу юксак мукофот эгаларига  
Ўзбекистоннинг юзи, эртанги кунини ҳал қилувчи кучи деб  
қаралади. Мамлакатимизда биз, ёшларга кўрсатилган юксак  
эътибор ҳамиша ўз ақл-заковатимиз, билим-тафаккуримиз,  
ғайрат-шижоатимиз билан маррани баланд олиб яшашга  
ундайди.

**Ғиёсиддин ЎНАРОВ** тайёрлади.



# Жаҳон харитасида менинг Ватаним



**Муродхон ЭРГАШЕВ**

1960 йили туғилган.  
Самарқанд давлат  
университетини тугатган.  
“Салом, бу – мен”  
шеърый тўплами чоп  
этилган. “Proverbes et  
dictons d’Ouzbékistan”  
 (“Ўзбекистоннинг мақол ва  
маталлари”), “Alisher Navoiy.  
Gazels” (“Алишер Навоий.  
Ғазаллар”) номи таржима  
китоблари Парижда, “Un  
jour Nasreddine” (“Бир  
куни Насриддин”) китоби  
Тошкентда француз тилида  
нашр этилган.  
“Дўстлик” ордени билан  
тақдирланган.

Бугунги ёшларга – овоз ва мустақил Ватанда туғилиб, дунёнинг ҳеч бир мамлақатида топилмайдиган ва балки айримлари ҳали ўзлари ҳам охиригача англаб етмаган имконият ва имтиёзлар давлатида яшаётган ёшларимизга жуда ҳавасим келади.

Бизнинг ёшлигимиз бошқа даврга тўғри келди. У даврда бизнинг “бизники” бўлмаган Ватанимиз менинг қишлоғимдан бошланиб, аслида бизники бўлмаган пойтахтнинг қизил рангли майдонидан ўтиб, Сибир деб аталмиш кенгликларга туташиб кетарди. Уни “бепоён ўлка” деб куйлашарди. У ҳамманики эди ва айна пайтда ҳеч кимники ҳам эмас эди. Зотан, ўша замондаги тушунчамиз бўйича, “ҳамманики” сўзи “ҳеч кимники” деган маънони берарди-да... Тўғри, бу “салтанат”нинг эгалари бор эди, аммо улар биз эмас эдик...

Хуллас, у даврда “меники” дейиш шубҳали туюларди. Масалан, “менинг республикам” деб айтиш учун ҳам жасорат керак эди, назаримда. Негаки, бунинг ортидан “миллатчилик” деган хавfli айбловга дуч келиш ҳеч гап эмас эди. Шунга қарамасдан, ўтюррак шоирларимиз “Ўзбегим”, “Ўзбекистон – Ватаним маним!” дея ҳайқириб, миллий ғуруримизни озиқлантирган эди.

Талабалик давримизда Спитамен, Темур Малик, Жалолиддин Мангуберди сингари қаҳрамонларимизнинг номини фахр билан тилга олардик. “Ўғлимнинг исмини Темурмалик қўяман, Жалолиддин қўяман”, дея талашардик. Жаҳон чемпионатларида нега футбол терма жамоасига ўзбекларни олишмайди, ҳамма тенг бўлган давлатда ҳар бир республикадан ўйинчи олиниши шарт, деб жиғибийрон бўлардик.

Нега бир ойлик тил амалиёти пайтида биз, чет тилларининг бўлажак мутахассислари мулоқотда бўлган хорижликлар Ўзбекистонни билмаслигидан, бизни “мустамлака” ўлка дейишларидан ажабланардик.

Хуллас, бизга “нимадир” етишмаётганлиги улғайганимиз сайин янада кўпроқ билина бошларди...

## Асрий музларнинг кўчиши

Ўтган асрнинг саксонинчи йилларининг охирларига келиб, биздаги оғриқли саволларни рўйи-рост катта минбарларда айта оладиган сиёсий арбоб тарих саҳнасида пайдо бўлди. Бу ҳайрон қоларли вазият эди. Илк марта маҳаллий раҳбарнинг сиёсати “марказ” сиёсатидан фарқ қила бошлаган ҳайратли замонлар келди. Отамнинг уруш ва меҳнат фахрийси сифатида муаллим ўғлига, яъни менга уй-жой олиб бериш учун қилган барча ҳаракатлари зое кетиб турган, “раис бобо”лар “Сизга уй-жой бериб, бошим кетсинми?!” деб қақшаб турган бир пайтда қандайдир мўъжиза юз берди. Ҳеч кутилмаганда қишлоғимиздаги барча ер сўраб юрганларга катта пахта даласини уй-жой учун тақсимлаб беришди! “Марказ” деб аталмиш бир “дев” йилдан-йилга пахта ҳосилини кўпайтиришни талаб қилиб турган бир пайтда, боғлар кесилиб, пахтазорларга айлантирилаётган, пахтазорлар дарёларимиз қирғоғига етиб борган бир замонда пахтазорларнинг бундай тақсимланиши ишониш жуда қийин бўлган фавқуллодда бир ҳол эди! Сиё-

*Бу ҳайрон қоларли вазият эди. Илк марта маҳаллий раҳбарнинг сиёсати “марказ” сиёсатидан фарқ қила бошлаган ҳайратли замонлар келди.*

сатда “нимадир” ўзгараётгани аниқ эди... Кейин англасам, ер бериш воқеаси бизнинг турғунлик даврига мослашиб қолган онгимизни остин-устун қилиб юборган воқеаларнинг ибтидоси экан, холос. Кўп ўтмай, ўзбек тилимизга давлат тили мақоми берилди. Бу воқеалардан ҳайратимиз совимай туриб, Ўзбекистон Республикаси суверенитети тўғрисидаги декларация эълон қилинди, Президентлик лавозими таъсис этилди! Айтаётганларим ўша давр учун ниҳоятда жасоратли қадамлар эди.

## Дунё ҳавасда

Қолган воқеаларнинг қандай кечгани тарих дарсликларидан яхши ёритилган. 1991 йилнинг 31 августида оламшумул сиёсий воқеа юз берди. Президентимиз Ислам Каримовнинг сиёсий жасорати сабабли дунё харитасида “ЎЗБЕКИСТОН” номли янги ва мутлақо мустақил давлат пайдо бўлди. Бугун менинг давлатимни дунё таниди, дунё тан олди. Юздан ортиқ давлатлар билан алоқаларимиз бор. Халқаро сиёсий майдонда ўз

ўрнимиз, ўз сўзимиз бор. Тараққиёт даражамизга бошқалар ҳавас билан қарашмоқда. Юртимиздаги тинчлигимиз ва барқарорлигимизни ўзларида ҳам кўришни орзу қиладиган халқлар кўп. Дарвоқе, бундан бир неча кун аввал Франциянинг Анже шаҳридан Андре Аллар хоним кўнғироқ қилиб қолди. Париждаги хунрезликлардан гапираётиб, “Бизлар кўчага чиқишга қўрқиб қолдик. Сен яхшимисан?” деб сўради. Мен эса “Ҳар доимгидек тўйдаман. Қишлоғимга тўйга келганман, мусиқа овозини эшитаяпсанми?” дедим. Хоним “Ҳа, роса ҳавасим келаяпти сизларга”, деб жавоб берди. Дарвоқе, Аллар хоним 84 ёшида Ўзбекистонимни мен билан кашф этган. Бунгача хоним дунёнинг элликдан ортиқ мамлакатидан бўлган экан. Биласизми, у менга нима деган эди? Бу сафари охирига саёҳатга чиқиши экани ҳамда саёҳатини шундай гўзал ва бетакрор юрт билан яқунлаётганидан жуда ҳам бахтиёрлигини айтган эди. Мен унга ишондим. Чунки қарийб йигирма йиллик таржимонлик фаолиятимда бундай тўлқинланиб айтиладиган, юракнинг туб-тубидан чиқадиган самимий эътирофларни ва юртимизга аталган мақтовларни минглаб сайёҳлардан эшитганман. Шунча одамга ишонмай бўладими, ахир?!

## Фахр ва масъулият

Биласизми, французларда “Le Larousse” номли қомусий луғат бор. Уни биринчи марта қўлга олганимда, шошилганча зарварағини очиб, дунё давлатлари байроқлари орасидан миллий байроғимизни излаганман.



Топганман. Мени ҳайронликда кузатиб турган французга “Бор экан!” деб ҳайқирганим эсимда. У мендан “Нима бор экан?” деб ажабланиб сўрагани ҳам ёдимда. “Байроқ!” дедим ҳаяжонланиб. Албатта, мен учун муқаддас бу сўзни унинг тилида аниқ талаффуз билан айтдим. Бироқ, у мени, тўғрироғи, менинг ҳаяжонимни тушунмади... Тангадеккина жойни эгаллаган мустақил юрт байроғи суратини хорижда чиққан китобда кўриш бахти нима эканлигини у қаердан билсин?!

Танаси бошқа дард билмас, у мен яшаган даврни, балки ўзим ҳам ишониб-ишонмай кутганим ОЗОДЛИКнинг мен учун қанчалик қадрли эканини қандай англасин? Ахир, у озод юртда туғилган эди.

Бизларнинг ҳам фарзандларимиз ўзиники бўлган юртда, озод мамлакатда туғилаётгани эса тенгсиз бахтдир.

---

*“Бизлар кўчага  
чиқишга кўрқиб  
қолдик. Сен  
яхшимисан?” деб  
сўради. Мен эса  
“Ҳар доимгидек  
тўйдаман.  
Қишлоғимга  
тўйга келганман,  
муסיқа овозини  
эшитаяпсанми?”  
дедим. Хоним  
“Ҳа, роса ҳавасим  
келаяпти сизларга”,  
деб жавоб берди.*

---

Энди фахр туйғуси ҳақида мухтасар бир фикр билдирсам. Мен касбим тақозоси билан, ҳар йили юртимизга сайёҳ сифатида келадиган французлар ва бошқа мамлакатларнинг француз тилида сўзловчи фуқароларига юртимизни таништираман, уларга нафақат тарихий обидаларимиз, балки юртимиз тарихи, қадриятларимиз, урф-одатларимиз ва анъаналаримиз ҳақида маърузалар қиламан. Мана шу жараёнда уларнинг кўзларидаги ҳайратни кўриб, шундай юртда яшаётганимдан фахр туяман.

Юртбошимиз Ислом Каримовнинг 2014 йил Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган Жаҳон сайёҳлик ташкилоти ижроия кенгаши 99-сессиясининг очилиш маросимида сўзлаган нутқида мамлакатимизга бир йилда дунёнинг етмишдан ортиқ давлатидан икки миллиондан ортиқ сайёҳ келгани таъкидланган эди. Буни мен ҳар йили Ўзбекистон ҳақида икки миллиондан ортиқ ҳайрат дунёга ёйилади, деб тушунаман. Бунда менинг ҳам озгина бўлса-да ҳиссам борлигидан беҳад ғурурланаман.

Шу ўринда, нокамтарлик бўлса-да, сайёҳлар кўп бора такрорлайдиган миннатдорлик сўзларини баён қилсам: “Бизга Ватанингни севдирганинг учун раҳмат!”. Бу менга фарзанди туфайли мақтов эшитадиган ота-оналарнинг ғурурини эслатади. Фақат, бу ўринда озгина фарқ бор – мен Она Ватаним туфайли шунчалар мақтов олаяпман.

Бугун “Менинг Ватаним, менинг халқим, менинг пойтахтим!” дея фахр билан сўзлаш БАХТига сазоворман. Бу сўз юртим учун, унинг келажаги учун мен ҳам масъул эканлигимни доимо эслатиб туради.



# Асқар ТОҒНИ кўзлаб...



Чинакам режиссёр давр ва томошабин талабига мос келадиган асарлар саҳналаштириши, бутун жамоани ўз ортидан эргаштира олиши зарур. Ўзбек Миллий академик драма театрида фаолият юритаётган Асқар Холмўминов ана шундай камсонли ёш режиссёрлар сирасига киради. “Ёш режиссёр” жумласи, табиийки, ушбу соҳа кишининг ёшидан келиб чиқиб белгиланмайди. Актёр учун ўттиз ёш етуклик босқичи, энг гуллаган пайт бўлиши мумкин. Бироқ режиссёр бу ёшда соҳага энди кириб келади. Чунки маълум тажрибага эга бўлмай, ҳаётнинг паст-баландини кўрмай туриб яхши спектакл саҳналаштириш амримаҳол. Қаҳрамонимиз режиссёрлик соҳасига кириб келишдан олдин тайёргарлик даврини ўтади. Институтга ўқишга киргунига қадар бир неча йил давомида Республика Ёш томошабинлар театрида актёр сифатида фаолият олиб борди. Ўша пайтларда театрнинг бадий раҳбари бўлган Олимжон Салимов қўлида тарбия топди. Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг драматик театр режиссёрлиги йўналиши талабаси бўлганида ҳам шу кишининг курсида ўқиди. Устоз энди унга режиссёр сифатида сабоқ бера бошлади. Шогирд устозининг ижодий ишларидан таъсирланса-да, ўз йўлини, ўз “мен”ини топишга интиларди. Шу боис Асқар ўзини қизиқтирган мавзулар, ғоялар ҳақида, уларни рўёбга чиқариш ҳақида бош қотира бошлади.

Устоз шогирдларига Навоий асарларини қунт билан ўқишни уқтирар, Навоийни билмай туриб режиссёр бўлиш ҳақида ўйлаш уят эканини бот-бот таъкидларди. Асқар эса Навоий асарларини қайта-қайта ўқиса-да, уларнинг саҳна кўринишлари қандай бўлиши мумкинлигини тасаввур қилолмай боши қотарди. Ниҳоят, уни топгандай бўлди...



**Бахтиёр ЁҚУБОВ**

1986 йили туғилган.  
2009 йили Ўзбекистон давлат санъат институтини тугатган. Кино ва театр санъатига бағишланган илмий-таҳлилий мақолалари, тақризлари чоп этилган.



### *“Хамса”га юзланиб...*

Таътиллarda қишлоққа бориб, деҳқончилик ишлари билан банд бўлди. Иссиқдан ҳориб, салқинда дам оларкан, ногоҳон кўзи Ҳазрат Навоийнинг таваллуди муносабати билан чоп этилган китобчага тушди. Уни варақлаб спектакль қилмоқчи бўлиб юргани “Садди Искандарий” достонининг сахнавий вариантини топгандай бўлди. Табиийки, дoston сахнага тўғридан-тўғри кўчирилмайди. Бундан ташқари, бу асар асосида олдин ҳам сахна асарлари яратилган, улар “панжасига панжа урмоқ”нинг ўзи мушкул иш.

Асқар қалбидаги қўрқуву иштибоҳларни енгиб, ишга киришди. Бу ишда унга мумтоз адабиётни, айниқса, Навоий ижодини яхши билувчи тенгқур бир ҳамфикр керак эди. Шундай киши ҳам топилди. Баҳодир Бозоров билан ҳамкорликда достоннинг сахнавий вариантини яратиш ишлари бошланди. “Садди Искандарий”нинг олдинги сахна кўринишларидан фарқли равишда янгиси моноспектакль услубида ишланди. Яъни режиссёр спектакль воқеаларини, улар асосидаги фикр, ғояни фақат биргина актёр ижроси орқали етказиб беришга интилди.

Асқар Холмўминовнинг “Искандар” спектакли сахнага

Дарвешнинг кириб келиши билан бошланади. Саҳна тўридан, қоронғилик қаъридан чиқиб келган Дарвеш хикоят айтиб беради... Дарвеш, Файлақус, Искандар бўлиб гавдаланаётган актёр юз ифодаси, хатти-ҳаракатлари орқали бир қиёфадан бошқа қиёфага ўтиб туради. Театрнинг шартлилик хусусиятига кўра, актёрнинг турли образларда бир хил либосда бўлиши табиий ҳол. Гарчи спектакль бир актёр ижросига асосланса-да, томошанинг муҳим икки омили – характер ва конфликт масаласига алоҳида эътибор қаратилгани сезилади.

Спектаклдаги асосий конфликт инсоннинг ўз-ўзи билан

---

*Устоз шогирдларига  
Навоий асарларини  
қунт билан ўқишни  
уқтирар, Навоийни  
билмай туриб  
режиссёр бўлиш  
ҳақида ўйлаш уят  
эканини бот-бот  
таъкидларди.*

---

ички кураши сифатида акс этади. Сўнгги сахнада Дарвеш томошабинларга қарата хулоса чиқаради: яшашдан мақсад – яхшилик қилиш, яхши ном чиқариш. Бу қайсидир маънода Навоий айтмоқчи бўлган фикр. Зеро, ҳар бир банда бу ёруғ оламда яшар экан, ўз ҳаётининг моҳияти нимадан иборат эканини англашга, ўзлигини англашга интилади. Ҳар нарса ўткинчи бўлган дунёда инсон ўзидан кейин қоладиган яхши ном билангина асрлар оша яшаш мумкин.

Асқар Холмўминовнинг “Искандар” спектакли аввал институт сахнасида томошабинларга намойиш этилди. Устозларнинг йўл-йўриқлари билан янада такомиллашди. 2012 йили “Дебют” анъанавий ёш режиссёрлар фестивалида қатнашди ва ғолиб бўлди, томошабинлар эътибори ва эътирофини қозонди. 2012 йили Қозоғистоннинг Олмаота шаҳрида бўлиб ўтган Марказий Осиё мамлакатларининг IV Халқаро театр фестивалида “Энг яхши дебют” номинациясида биринчи ўринни қўлга киритди.

Дастлабки спектаклдан кейин анчагина танилган Асқар Холмўминов тўхтаб қолмаслиги шарт эди. Унинг олдида битирув малакавий иши учун спектакль топшириш вазифаси турарди. У биринчи иши баҳонасида Навоий “Хамса”сини ўқиб чиққан ва иккинчи иш учун ҳам тахминий режалар тузган эди. Уни олдиндан қизиқтириб келган, мутолаа жараёнида янада ўзига тортган дoston “Лайли ва Мажнун” бўлди.

Ушбу дoston асосида ҳам ўзбек театрининг устоз намоёндалари спектакль яратган. Бутун дунёда ҳам бу асар асосида кўглаб фильмлар, спектакллар ишланган эди. Асқар Холмўминов сахналаштирган спектаклнинг ғоявий асоси инсоннинг

ички гўзаллигини, кўнгилнинг бетакрорлигини улуғлашга қаратилди. Бу асар ҳам эътирофга сазовор бўлди.

## *Яхши спектаклнинг асоси*

### *– яхши асар*

Асқар Холмўминовнинг ижодий ишлари жамоатчиликнинг эътиборини тортгач, унга катта имкониятлар эшиги очилди. Ўзбек Миллий академик драма театрига ишга қабул қилинди.

Асқар Холмўминов биринчи ўринда ўзини таъсирлантирган асарларни сахналаштиришга ҳаракат қиларди. Чунки спек-

*Асқар Холмўминов биринчи ўринда ўзини таъсирлантирган асарларни сахналаштиришга ҳаракат қиларди. Чунки спектакль аввало ўзингга ҳузур, завқ бағишлаши керак, деб ҳисоблайди у.*

такль аввало ўзингга ҳузур, завқ бағишлаши керак, деб ҳисоблайди у. Худди мана шу йўлда, пьесалар, насрий асарларни тинимсиз мутолаа қилди. Ҳадеганда унга ёқадиган асар топилавермади. Ниҳоят у театрдаги дастлабки ишини Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим қаламига мансуб “Тонг отган тарафларда” пьесаси асосида сахналашгирди. Ушбу асар халқ оғзаки ижоди мотивларига асосланади. Унда “Алпомиш” достонида учрайдиган Шакаман мерган билан боғлиқ оригинал воқеа тасвирланади. Спектаклда орият бош ғоя бўлиб қалқиб чиқади. Инсоннинг, миллатнинг, халқнинг ғурури доим устувор бўлиши керак!

Спектакль Белораснинг Минск шаҳрида бўлиб ўтган II Ёшлар театр форумида ориги-


нал драматургияси, ўзига хос декорацияси билан йиғилганларнинг эътиборини тортди. Спектакль 2014 йили “Дебют” фестивалида “Энг яхши спектакль” номинациясида ғолиб деб топилди.

Асқар Холмўминовдан асар танлашда нималарга эътибор беришини сўраганимда у: “Асарни ўқигач, уни сахналаштираманми-йўқми, бундан қатъи назар, унинг талқин шаклини, бадий ифода воситаларини қидираман. Матн ҳолидаги асарни қайси воситалар орқали театрга кўчираман, воқеага айлантираман, худди мана шу нарса мен учун муҳим бўлади”, деб жавоб берди. Унинг таъкидлашича, “Бу борада асосий омил бош қахрамон ва унга мутаносиб образни топишдан иборат бўлади. Мисол учун, “Искандар”да бош қахрамонга параллел арқонлар фикр ташийди ва улар ўзаро гўё бир фикрни ифода этишга хизмат қилади. “Тонг отган тарафларда” спектаклида эса Она билан бирга кўкка туташган оқ мато; “Кузги мактублар”да Муаллиф ва дарахлар ўртасида руҳий яқинлик мавжуд...”

### *Янги изланишлар*

Шу кунларда премьераси бўлган “Кузги мактублар” спектакли мана шундай изланишларининг самарасидир. Ўлмас Умарбековнинг қарийб ўттиз беш

йил муқаддам сахналаштирилган “Кузнинг биринчи куни” пьесаси ва “Қизимга мактублар” асари асосида ёш драматург Мафтуна Муҳаммадаминова сахна асари тайёрлади. Гарчи икки асарнинг бу тахлит бирлашуви бироз сунъийдек таассурот уйғотса-да, спектаклнинг умумий руҳияти томошабинни ўзига тортади. Ўсмирларнинг беғамлик, охирини ўйламаслик натижасида содир этган жиноятларига ота-оналарнинг жавоб бериши сахнаси эса огоҳликка чақирувчи кўнғироққа ўхшайди. Зеро, бугун безовта қалқиб турган Курраи Заминнинг келажаги ёшларга боғлиқ бўлиб қолмоқда. Ёш режиссёр театрнинг ижтимоий вазифаларини ҳам унутмайди. Томошабинларга ойна тутаяди, уларни огоҳликка чақиради. Ушбу спектакль борасида, унинг келажаги ҳақида гапиришга ҳали эрта. Албатта, асарнинг тақдирини томошабинлар, вақт белгилайди...



**Азгулукни сув азақинда кемиш ба-шинда тила** – Халққа яхшилик қил, уни сув тагига ташласанг-да, сув устида кўрасан. Бошқа маъноси – овқат-нонни дарё тагига ташласанг ҳам, устида топасан.

## Юзига қарама, фазилатига қара “Девону луғотит турк” мақолларидан

**Бариф ўтру тутса, йўққа санмас** – Дастур-хонга борингни қўйсанг, меҳмон йўққа санамас.

**Тилин тугмишни тишин язмас** – Тил билан тугилганни тиш билан ечиб бўлмайди.

**Сўкушуб урушур, ўрта тўн титишур** – Сўкишдан уришни бошла-нади. Ўртада тўн йирти-лади.

**Икки буғра икашур, ўтра кўгакун янчи-лур** – Икки айғир олишади, орала-рида сўна ҳалок бўлади.

**Куч алдин кирса, тўру тунглюктан чиқар** – Зулм эшикдан кирса, инсоф туйнук-дан чиқади.

**Эвлик тўйғурса, кўзи йўлқа бўлур** – Уй эгаси меҳмонни тўйдирса, меҳмон кетишга отланиб, кўзи йўлда бўлади.

**Кичикда қатиғланса, улғазу севнур** – Ёшликда тиришиб ҳаракат қилган одам улғайгач севинади.

**Бир қарға бирла қиш келмас** – Бир қарға билан қиш келмайди.

**Тутушма-гинча тузул-мас, тубирма-гинча ачилмас**

– Урушмагунча, қар-шилашмагунча яраш бўл-майди, шамол кўзголмагун-ча ҳаво очилмайди.

**Элик тутгинча ўт тут** – Кафил бўлгандан оловни ушлаган яхшидир. Чунки кафил бўлган киши сўнг аттанг қилади.

**Куз келиги язин бел-кўрар** – Кузнинг келиши ёзда маълум бўлади.

**Кўкка сағурса, йузга тушур** – Осмонга тупурса, юзга тушар.

**Тағ тағқа қавушмас, киши кишига қавушур** – Тоғ тоғ билан учрашмайди, одам одам билан учрашади.

**Муш яқриқа тегиш-мас, айур: “Киши ненги ярашмас”** – Мушук михга осилган ёгга етолмай: “Биров-нинг моли ярашмайди”, дейди.

**Тевей силкинса, эшакка йўк чиқар** – Туя силкинса, ундан бир эшак-нинг юки чиқади.

**Эвак эвга тегмас** – Шошган киши уйига ета олмайди.

**Эрдамсиздан қут чертилир** – Одобсиз ки-шидан бахт ва давлат кетади.

**Тайган йугурганни тилку севмас** – Югурик тозини тулки севмайди.

**Эвак сингак сутка тушур** – Шошқалоқ паишша сутка тушади.

**Югурқанда ортуқ аяқ кусулса ушийур** – Одам оёгини кўрпасидан ортиқ узатса, оёги увиша-ди, совуқ қотади.

**Тикмагинча унмас, тиламагинча бўлмас** – Экилма-гунча ҳосил унмайди, мақсад эса кетидан юриб исталмагунча қўлга кирмайди.

**Йузга кўрма, эрдам тила** – Юзига қарама, фазилатига қара.

# Ишқ аталур оламларнинг меҳвари...



**Вафо ФАЙЗУЛЛОҲ**

1963 йили туғилган  
Ўзбекистон Ёзувчилар  
уюшмаси аъзоси.  
“Хут”, “Хабарсиз севинч”,  
“Мангу лаҳза”, “Жон йўли”,  
“Азалий гусса” каби шеъррий  
китоблар, “Чақмоқ ёруғи”  
адабий-танқидий мақолалар  
тўплами муаллифи.  
Ф. Кафканинг “Жараён”  
романини, “Отамга хат”  
эссесини, М.Митерлинкнинг  
“Сўқирлар” драмасини,  
Х.Борхес, К.Ҳамсун,  
Р.Акутагава ҳикояларини,  
Ш.Бодлер, П.Верлен, А.Рембо,  
И.Бродский ва М.Цветаева  
шеърларини таржима қилган.

## Каккужон

Наво қилдинг қайлардандир бир замон,  
Кўнгилгинам бўлиб кетди чарогон!  
Тилсимларга тўлиб-кетди қаҳқашон.  
Мен бир гўдак, овозингга қул бўлдим.  
Сени излаб ўрмонларга югурдим,  
Тополмасдан гунчаларга термулдим,  
Йиғлаб-йиғлаб дилсизларга дил бердим...  
Сенсиз ўзни гариб кўрдим, тул кўрдим...  
Қайлардасан, қайлардасан, каккужон?  
Наво қилдинг қайлардандир қай замон...

Кимга саъва, кимга тўрғай, зог ҳабиб...  
Кимга чумчуқ, кимга турна, андалиб.  
Тоққа чиқдим, горга кирдим сарғариб,  
Наҳот йўқми кўнгил учун бир табиб?  
Шундай эзиб ўтадимми бир армон,  
Қайлардасан, қайлардасан, каккужон?

Тушунмадим шамолларнинг куйини,  
Кўзларимни очирмади куюни...  
Ҳаром билдим тулкиларнинг тўйини,  
Шод қилмади йўлбарсларнинг ўйини...  
Бир мард суруд-тарона-ку мулки жон,  
Қайлардасан, қайлардасан, каккужон?

Ишқ аталур оламларнинг меҳвари,  
Одамми қуш, қушми одам сарвари?  
Бу оламдан тополмаган дилбарим,  
Равзаларга елажакман сарсари...  
Қайлардасан, қайлардасан, каккужон?  
Наво қилдинг қайлардандир қай замон...

\* \* \*

Шудгорланган дала, тупроқ ҳидида  
Мени маст қилади ёмғир ёғиши.  
Шудгорланган дала қолди четида,  
Болалигим чопган поклик товуши.

Кетмонида ойнинг шуъласи ёнган,  
Деҳқон отам елкалаган хиргойи.  
Шудгорланган дала, ёмғирли тонгдан  
Ҳамон эшитилар, ҳамондир қойим.

Шудгорланган дала, энди четида,  
Отам қабри чўккан саволчан, гампўш...  
Мардлик таронаси устувор юртда  
Тополмайман битта ҳамдарду дилхуш.

Шудгорланган дала, тупроқ ҳидида  
Мени маст қилади ёмғир ёғиши.  
Мени маст қилади хаёл кентида  
Шомга яқин палла, куннинг оғиши...

\*\*\*

Энтикиб қарайсан  
йиллар ўтса ҳам,  
Гўё севгинг муштоқ  
кутиб турибди.  
Ортингда саргайди  
неча бир кўклам,  
Набиранг қўлингдан  
тутиб турибди.

Эй инсон, ҳеч қачон  
кўнглинг қаримас,  
Хаёлинг ёритар  
маъсум нодира.  
Арзимас ташвишлар  
бир дам аримас,  
Чақмоқ ёруглиги  
экан хотира.

\*\*\*

Қоратогда оппоқ бургут кўчган кун Сени дедим,  
Оқ дарёдан тилло балиқ кечган кун Сени дедим.

Йўлларингда ўнқир-чўнқир харсанг менга дўст топди,  
Гулларингга ўзин урган ниначилар шоирмикин, сўз топди.

Қабо ўраб водийларни айланганда қари моҳ,  
Чўқморингдан кўнглим қонаб, тортдим қанча-қанча оҳ.

Боравердим, қува-қува сотилар деб, сотди дунё,  
Қотил бўлар номардларнинг ўртасига отди дунё.

Сотилмасман, тўпигимга келмас асли найранглари,  
Қайтаролмас чангалзордан йили қабон яланглари.

Бу очунда келдикми тун, даҳри дунинграган чоҳ,  
Қулар деб ҳам тоққа бошла, пулисирот олов нигоҳ.

Бир мардона, ҳам девона орзулар-ла тоғдан ошай,  
Ой булоқдан қониб-қониб симиргач сўнг қуёш ошай.

Қора тоғда қирғовулар кечган кун Сени дедим,  
Оқ дарёдан тилло балиқ кечган кун Сени дедим.

\*\*\*

Бедилу гумроҳ бўлиб тутдим Кўлингдан,  
Кушиночу юлғич бўлиб, кетдим йўлингдан.

Бекасу бемуродман қилганча ханда,  
Нафсим-эй гулшандадир, кўнглим гулханда...

Орифлар даврасидан торикдим, сўлдим,  
Майхўрлар қадаҳида ёруғлик кўрдим...

Оҳулар гуноҳ сочди, кўнглимни очди,  
Бўрилар гул кўтариб, кўнглини очди...

Нотавон телба эмас, ичимдаги сас,  
Эвриллар япроқчага кўлимдаги хас.

Уйгондим. Тавба бериб, ювдинг дилимни,  
Янгориб, иймон кулиб, кўргин қулингни...

Йиғлайман, ишқим тошиб бемажол танда,  
Сийратим нишондадир, суратим банда...



## Талаб

Бир мискин деб ўзни хокисор яша,  
 Еру осмонларга жон нисор яша!  
 Чўққидан ҳатлаб ўтар одимлар ташла...  
 Тўхтаб қолган барча эзгуликларни  
 Қайтадан бошла, ҳей! Қайтадан бошла!

Ғалат олами бу – Исонинг шами,  
 Банда ҳар дам банда, мавлуд – байрами.  
 Махлуқнинг Холиқдан бор қанча ками...  
 Билмоқ маърифатдир, маърифат дами (н) –  
 Қайтадан бошла, ҳей! Қайтадан бошла!

Сариқ япроқларга боқма саргайиб,  
 Дарахтлар омон-ку, ўйлама ғариб,  
 Ғамларни қаргама, дўстдай жилмайиб,  
 Кўклам бўлмоқликни кеч куз улгайиб,  
 Қайтадан бошла, ҳей! Қайтадан бошла!

Елканга асру минган, беҳадик илган  
 Бошгинангни дорга, ақлингни шилган,  
 Ўйларингга тўсиқ, тилингни тилган  
 Иблисни итқитгунча таратиб жаранг,  
 Қайтадан яша, ҳей! Қайтадан яша!

Тамага боғландинг-ку минг бора гирён,  
 Тақвога ҳам кўнгил боғлагин бир он,  
 Нафсинг сенга ултон, кўнглинг ўлгай хон.  
 Иймон шафағида танламоқни ранг  
 Қайтадан бошла, ҳей! Қайтадан бошла!

Қайтариб бўлмайди ўтган умрни!  
 Изласанг асл нурни – тотли ҳузурни,  
 Кўнглини кўргайсан моҳитоб ҳурни,  
 Ишонгин, топгайсан ҳақиқий дурни,  
 Қайтадан изла, ҳей! Қайтадан изла!

Ҳаёт деганлари анланган палла,  
 Қолгани тузалмас, тиз суқиқ яра...  
 Шижоатли кимдир? Вақт ила жўра –  
 Дунёни тузатмоқни шижоат ила  
 Қайтадан бошла, ҳей! Қайтадан бошла!

Бахт тутгин, кечиргин, сен ҳабиб бўлгин,  
 Меҳр изҳор қилгин, ҳам табиб бўлгин,  
 Соф, ёниқ кўнгилга андалиб бўлгин,  
 Анкабут бўлмагин, ўл устида чанг,  
 Андалиб бўлмоқни қайтадан бошла!

Тераклар тепасида қолмади япроқ,  
 Ҳижрон бунча узун, васл кўп йироқ,  
 Дунёни ҳеч қачон олмагай фироқ!  
 Ҳақ барқарор ахир, ҳақиқат муштоқ,  
 Қайтадан яша, ҳей! Қайтадан яша!

Душман сени енгди, сен ҳам енгмоқни,  
 Дўстни кулдирмоқни, Ёрни севмоқни,  
 Тоғларга чиқмоқни, боғ яратмоқни,  
 Мард, ҳалол, покиза Одам бўлмоқни  
 Қайтадан бошла, ҳей! Қайтадан бошла!..





**Луқмон БЎРИХОН**

1965 йили туғилган.  
Ўзбекистон Миллий  
университетини  
тамомлаган. “Жазирадаги  
одамлар”, “Темирйўл”, “Тун  
қаъридаги шуъла” каби  
китоблар муаллифи.  
Ўзбекистонда хизмат  
кўрсатган маданият ходими.

# Болтабойнинг боласи

## Ҳикоя

Теваракдан аллақандай дори-дармонларнинг ачимсиқ иси анқийди.

Елкасига елвагай ташланган оппоқ халат тугмасини асабий ўйнаган кўйи шифохона йўлагига бетоқат юриниб турган Қаям Очилович Идрисов қаршисидаги ойнабанд эшикка тез-тез умидвор кўз ташлаб кўярди. У ён-бу ён сассиз, шарпасиз ўтиб қайтаётган ҳамширалар, хизматчилар сийрак сочларига қуюқ оқ оралаган, пўрим уст-бошли, амалдорнусха бу кишига беихтиёр бош ирғаб салом беришади. Хаёллари паришон Қаям ака эса уларни деярли пайқамайди.



Бир пайт ойнабанд эшик оҳиста очилиб, кўйиш либосли, ялпоқ юз, қийиқ кўз шифокор ҳорғин чиқиб келди.

– Қалай, янгангиз яхшими? – деб сўради Қаюм Очилович унга юзланиб.

Шифокор хомуш бош чайқаган кўйи эшигига “Бош врач” деб ёзилган хона томон юрди. Қаюм Очилович хавотир билан унга эргашди.

– Ҳозирча зарур муолажаларни қилдик, ака, – деди шифокор баланд суюнчиқли стулига ўйчан ўтираркан, – лекин янгамни Тошкентга олиб боришингиз керак. Зудлик билан. Биласиз, пойтахтда имкониятлар кенг, машҳур мутахассислар бор.

– Масалан, сиз кимни тавсия қилишингиз мумкин?

Бош шифокор ўша ўйчан қиёфада стол устидаги қоғоз тахламларини нари-бери сурди.

– Масалан...академик Восиловни, ёки... ўзимиздан чиққан профессор Мойлиевни...

– Мойлиевни?! – Қаюм Очилович ўтирган жойида бир сапчиб тушди. – Анови Болтабойнинг боласини айтаяпсизми?

Бош шифокор мамнун бош ирғаганича жилмайди.

– Ҳа ўшани. Адашмасам, у киши сизга ҳамқишлоқ...

– Ҳамқишлоқмас, – Қаюм Очилович ғижинганнамо қўл силтади, – қизилқоқлик, биздан нарида.

– Ҳа, энди-и... барибир сизга ҳам, бизга ҳам ҳамқишлоқ саналади-да, ҳаммамизнинг фахримиз, ёш бўлса ҳам республикада кўзга кўринган кардиологлардан.

– Масалан, менинг фахрим эмас, сохта бир профессорча-да у! Ҳаммани лақиллатиб юрибди. Бор-йўғи бир боғбоннинг боласи, нонини аранг тоғиб еб юрганлардан, бунақалардан илмдор врач чиқишига, масалан, мен ишонмайман.

Бош шифокорнинг юз-кўзида олис пойтахтдаги ҳамжасбига эъзоз-эҳтиром балқиб турган бўлса-да, аммо қаршисидаги амалдордан кўрқиб ортиқча тортишувга ботина олмади.

– Бу менинг фикрим, – деб минғирлабгина кўйди.

– Масалан, бизнинг фикримиз бошқача, – дея қад керди Қаюм Очилович, – янгангизни бирор бир чет мамлакатда даволатиш ниятидаман, масалан... Германиядами, Исроилдами, бунга сиз сиз нима дейсиз, масалан?

– Ихтиёрингиз, лекин хорижда даволатиш осонмас, серхаражат, серташвиш иш.

– Бу ёғини ўзимга кўйиб бераверинг.

– Биладан, балки сиздай мартабали кишига қийин бўлмаслиги мумкин, лекин ўзимизда зўр мутахассислар турганда, бошқа мамлакатни кўзлаш, менимча, оқилона ечим эмас.

Қаюм Очилович яна тутоқиб кетди.

– Зўр мутахассис деганингиз ўша Болтабойнинг боласини? Масалан, мен бундай мишиқларни бир тийинга ҳам олмайман.

– Ихтиёрингиз, – бош шифокор вақти зиқлигига ишора қилгандай қўл соатига кўз ташлаб кўйди, – хуллас, янгам яна уч кунча бизда ёта туради, кейин уйга кетишига рухсат берамиз, шу орада ўзингиз бирор қарорга келарсиз, ака.

– Хўп, бугуноқ масалага киришаман.

Қаюм Очилович иддао билан ўрnidан турди-да, эшик томон юрди.

Ўша Болтабой деганлари аслида Қаюм Очилович Идрисовга она томондан қандайдир томирлари туташган, узоқ қариндош ҳисобида эди. У бутун оиласи билан Калтақир этагидаги боғда ишлайди, ўша ердаги бир парча томорқани тирноқлаб амал-тақал тирикчилик қилади. Қишин-ёзин эгнidan оҳорсиз, олача тўн тушмайди, қари эшагини қичаб боққа бориб-келиб юради. Бу аслида бадавлат одам, қурумсоқлигидан юпун-ювош юради, деб кулишади кўплар. Ҳазил-мазах билан унинг исмига атай “бой” кўшиб “Болтабой” деб аташади. Шунинг учун ҳам бутун уруғ-аймоғи билан ўқимишли, баланд курсилардан тушмаган Идрисовлар Болта аканинг қариндошлигини тан олиш нари турсин, кўрганда терс қараб ўтишга ҳаракат қилади. Аммо қари боғбон аҳён-аҳён боғнинг мева-чева-ларидан, томорқанинг сабзавотларидан кўтариб, қийшайибгина дарвоздан кириб келади. Кенг-мўл ҳовлидаги чорпоёга омонатгина кет кўйиб, узундан-узоқ дуо қилади, ундан-бундан суҳбатлашган бўлади. У ҳар гал қоп қўлтиқлаб уй ёнида қора берганида Қаюм Очиловичнинг афти буришади, ҳойнаҳой, бирор юмуш билан келган бўлса керак, деган ўй хаёлидан ўтади. Аммо Болта ака бу узоқ қариндошидан шу пайтгача ҳеч қандай илтимос қилган эмас. Андак ўтиргач, индамайгина ортига қайтиб кетади. Шу қурумсоқ чолнинг кенжа ўғли тиббиёт институтига ўқишга кирибди, деган хабар бир замонлар Қаюм Очиловичнинг ҳам қулоғига етгандай бўлган эди. Аммо унчалик эътибор бермади. Бузоқнинг югургани сомонхонагача, деб димоғида кулибгина кўйди. Во ажаб, ўша бола бугун машҳур, ҳозиқ шифокор бўлиб кетган эмиш!

“Йўқ, мен бундай фирибгарларга ишонмайман, – дея хаёлидан ўтказди Қаюм ака баттар тажанглашиб. – У шохида юрса, мен баргида юраман”.

Ён-атроф кеч кузнинг сарғиш-қизғиш бўёғига беланиб ётар, куни кеча шаррос куйиб ўтган ёмғирда ивиган дов-дарахтлар дийдирабгина турарди.

Қаюм Очилович шифохона эшигидан чиқиши биланоқ пойтахтда яшайдиган ўғлига қўнғироқ қилди.

– Хуршиджон, – деди у узун-қисқа саломалиқдан сўнг, – масалан, Германиягами, Исроилгами, зудлик билан учишга тўғри келяпти.

– Тинчликми, дада?

– Биласан-ку, онангнинг юрагида дард бор, масалан, кеча шу яна хуруж қилиб қолди. Ҳозир туман шифохонасида ётибди.

– Ахволлари яхшими? – Хуршиднинг товуши титраб эшитилди.

– Ташвишланма, ҳозирча тузук. Ўғлим, онангни хорижда даволатиб келсак, дегандим, масалан.

– Яхши бўларди, дада! Энг зўр кардиологлар Германияда деб эшитганман.

– Балли, болам. Ўша ёққа учадиган самолётга билет-милет топиб қўйгин.

– Дада, деб кулди Хуршид, у ёққа тўсатдан бориб бўлмайди.

– Нега? Масалан, нима қилиш керак?

– Мен аввал интернет орқали бизга керакли манзилни топиб, хат жўнатай, мурод-мақсадимизни тушунтирай, сўнг уларнинг жавобига қараб иш тутамиз.

Компьютер, аудио-видео, интернет деган замонавий дахмазалар аксарият катта авлод вакиллари каби Қаюм аканинг ҳам энсасини қотириб, ғашини кўзғар эди. Шу боисдан ҳам ўғли ҳозиргина тилга олган юмушлар ўта мураккаб, бош оғриқли масаладек туюлди.

– Хуршид, – деди у бўшашиб, – сен айтган ишлар қанча вақтни олади, масалан... уни ким бажаради?

Отасининг довдирашини сезиб турган Хуршид завқ билан кулди

– Дада, қўрқманг, бу кўп вақтни олмайди, нари борса, икки кун ичида ўша манзилларни топиб, хат жўнатаман, ҳаммасини ўзим бажараман.

– Ўзинг бажарасан?! Сен... сен, масалан, улар билан қандай тиллашасан?

– Дада, мен немис тилини яхши ўрганиб олганман. Улар билан ўзим гаплашаман.

Эшитганларидан Қаюм аканинг бутун вужуди яйраб кетди.

“Мана, ҳақиқий ўқмишли бола! – хаёлидан чақмоқдай чақиб ўтди унинг. – Аллақандай кетмончилардан эмас, Идирисовлар зурриётидан! Худди шундай фарзандлардан умид қилса бўлади. Институтни битирган йили русча, туркчани қойиллатарди, мана, ишга кирар-кирмас, немис тилини ҳам ўрганиб олибди, баракалла, ота ўғил, баркалла!”

– Дада, нега индамайси, дада?

Хуршиднинг хавотирли товушидан хушёр тортган Қаюм ака телефонни лаб-даханига босиб, хушхандон қичқирди:

– Эшитаяпман, ўғлим, эшитаяпман, гапиравер.

– Хатимнинг жавоби ўн кунлар ичида маълум бўлса керак

– Яхши, ўша пайт ёнингга бораман.

– Овора бўлиб юрманг, дада, телефонда гаплашиб қўя қоламиз.

– Э-э-э... боравераман, масалан, сени, неварачамни соғиндим.

– Ҳа-а... унда ўзингиз биласиз.

Қаюм Очилович, чиндан ҳам, ўз билганидан қолмади.. Ўн кун кутишга сабри чидамай, ҳафта охирида пойтахтга кириб борди.

Улкан шаҳар минг-милилон чироқлар ёғдусида яшнаб, ярқираб ётарди. Кенг, равон кўчаларни тўлдириб, чинқирганча елиб ўтаётган авто-уловлар оқимидан бош айланади.

– Ҳали жавоб келмадимми? – деб сўради у ўғлини кучиб, алқаб, эркалаб бўлгач. – Бу немисларингни қистаб турмасанг, қимирлашмайди-ёв..

– Кеча қараганимда жавобга кўзим тушмади, мана, ҳозир яна кўрамиз.

Хуршид шинамгина хона бурчагидаги компьютер тугмаларини босди. Қаюм ака унинг ҳар бир хатти-ҳаракатини завқ билан кузатиб турар, кўнглида мамнуният, ғурур мавжланар эди.

Шу орада дастурхон ёйиб, қанд-курс келтирган келин норизо бош чайқади.

– Дадам йўлда чарчаб келганлар, кейинроқ ковлайсиз шу матоҳингизни.

– Келинжон, майли, халақит берманг, би-ир қараб кўрсин-чи, – деди Қаюм ака ёстиққа ёнбошлаб.

– Дада! – ногоҳ қичқириб юборди бир пайт Хуршид. – Ана, жавоб келибди!

Қаюм Очилович ўтирган жойидан ўрмалаб компьютерга яқинроқ борди.

– Қани?! Қани, кўр-чи, нималар ёзибди, масалан...

Хуршид мониторда пайдо бўлган немисча матнни ҳижжалаб ўқишга тутинди. Отаси гоҳ унга, гоҳ экранга бетоқат кўз ташлаб турарди.

– Нималар ёзибди, тезроқ айтсанг-чи?

Анчадан сўнг Хуршид отасига таажжуб аралаш хаёлчан тикилди.

– Гапира қолсанг-чи, масалан, нега сўнарасан? – деди Қаюм ака баттар бетоқатланиб.

– Бир йил аввал бизда малака ошириб кетган тошкентлик профессор Мойлиевга учрашинглар, у барча муаммоларингизни ҳал қилиб беради, дейишибди.

– Нима?! – Қаюм Очилович бир сапчиб тушди, – Мойлиевга?! Анови Болтабойнинг боласигами?!

Хуршид ҳануз хаёлчан, бош ирғиди.

– Ҳа, Эрназар Болтаевич Мойлиевга, ана, ишонмасангиз, ўзингиз қаранг, аниқ-тиниқ манзиллари билан ёзиб қўйилган. Марказий Осиёдан бизга мурожаат қилган барча беморларни ўша профессорга йўллайпмиз, Эрназар Болтаевич етук мутахассис, деб ёзишибди.

Қаюм Очилович ҳеч нарсага тушунмаса-да, ўғли ишора қилган, экран ёруғидан ёғдуланиб турган битикларга бир зум анграйиб қаради.

– Бундан чиқди... бундан чиқди, масалан... унга ҳатто немислар ҳам тан берган экан-да, а, – деди аранг ғудраниб.

– Ҳа, шунга ўхшайди.

Шу пайт хонтахта устида ётган Қаюм аканинг қўл телефони жиринглаб қолди. Аммо ўз хаёллари билан андармон ота уни пайқамасди. Хуршид узатиб, телефонни қўлига олди.

– Дада, онам кўнғироқ қиялпти, гаглашасизми?

Қаюм Очилович ҳардамхаёллик билан телефонни қўлига тутди.

– Ал-ё.

– Ассалому алайкум, яхши етиб олдингизми, дадаси?

– Ҳа, яхши.



– Хуршиджон, келиним, неварам қалай? Ўйнаб-кулиб ўтиришган эканми?

– Ҳа, ҳаммалари тузук, сенга кўпдан-кўп салом айтишяпти.

– Саломат бўлишсин, ило-ё, ҳалиги... – деб бир зум жим қолди она, – ҳалиги, Хуршиджоннинг хатига жавоб келибдими?

– Ҳа, келибди, онаси, келибди. Германияга овора бўп юрманглар, масалан, Тошкентда жуда зўр дўхтур бор, ўшанга учрашинглар, масалан, унга биз ҳам тан берганмиз, деб ёзишибди.

– Ким экан ўша дўхтур, дадаси?

– Профессор Мойлиев!

– Ия?! Анови Болтабойнинг боласими?

Қаюм Очилович виқор билан томоқ қириб олди.

– Са-ал ўйлаброқ гапирсинлар, Болтабой эмас, Болтабой тоға денг, ахир. Масалан, у бизнинг она уруғдан-а... Палаги тоза кишилар...

# Овчи қисмати

Ҳикоя



Охири, қоя устига тирмашиб чиқиб олдик. Оёқ-қўлимизда мажол қуриганди. Сийрак ўт-ўланлар устига ҳарсиллаб чўзилдик. Бир неча кундан бери жағи-жағига тегмай, ҳайвонот дунёси ҳақидаги ўзининг илмий назариялари билан гаранг қилган ҳамроҳим – пойтахтлик профессорнинг ҳам аллақачон саси ўчганди. У кирчил, кенг айвонли шляпасини гоҳ кийиб, гоҳ қўлига олиб елгинар, бир инқиллаб, бир “уф-ф” тортиб белларини, оёқларини уқалар эди. Мен коржомамнинг чўнтагидан сигарет олиб тутатдим. Ютоқиб-ютоқиб бир-икки дуд тортгач, баданларимдаги зирқираш андак босилиб, чарчоғим кувилгандек бўлди.

Биз сулайиб ётган ердан теварак-атроф яққол кўриниб турарди. Бир-бирига елка тутган тоғлар, қоялар, чувалашиб кетган сийрак арчазорлар, кенг, тор даралар шундоққина қўл узатсак етадигандек эди. Кун ботар томондаги ялангликда жимир-жимир оқиб ётган сой, сой бўйидаги тоғ овулининг пастқам, тошқолоқ уйлари элас-элас кўзга ташланади.

Мени мудроқ боса бошлади. Баҳор кўёшининг илиқ тафти баданларимизга мойдек ёқиб, тобора ланжлигим ошиб борарди. Профессор қўлларини ёстиқ қилиб, шляпасини кўзига қоплаган кўйи чинакамига пинакка кетганди. Бир пайт шундоққина биқинимизда тошларнинг шақир-шуқуридан икковимиз ҳам баробар чўчиб ўгирилдик.

Ўн-ўн беш қадам нарида новча бўйли, ўсиқ сочлари тўзғин, йигирма беш ёшлар чамасидаги бир йигит қадалиб тикилиб турарди. Унинг эгнидаги эски пахталик камзул, белини сириб турган аскарча камар, елкасида қўшоғиз милтик, беихтиёр хув, кинолардаги партизанларни эслатиб юборар эди.

– Кимсизлар? – деб сўради у аллақандай дағал овозда.

– Партизанлар, – дедим ансам қотиб.

Йигит қўпол кирза этигини судраб босганча биз томон юрди. Шундоққина тепамизга келгач, яна қоққан қозиқдек туриб қолди. Профессор, диққати ошиб, аччиғнамо оҳангда:

– Муборак қўлингизни би-ир ушлаб қўйсақ, – деди-да нозик, лўппи қўлларини тепасидаги “қозик” томон узатди.

Йигит саломлашиш эндигина эсига тушиб қолгандай, шоша-пиша биз билан қўл бериб кўришишга тушди. Мен унинг рагидадек, дағал кафтига кафт босар эканман, мулозамат юзасидан илжайиб қўйдим. Лекин нотаниш йигит илжаймади. Милтигини елкасидан қўлига сидириб олиб, ёнимиздаги ғадир-будир харсангга орқасини кўяркан, гоҳ менга, гоҳ профессорга қадалиб-қадалиб тикилишда давом этди. Очиқ гап, унинг ўткир нигоҳларига тоб бериш қийин эди. Шунинг учун ҳам биз беихтиёр кўзимизни дуч келган томонга оғқочардик. Энг ғалатиси, икковимиз ҳам узатилган оёқларимизни аллақачон йиғиштириб, ҳурматли бир зот ҳузурида ўтиргандек ювош тортиб қолгандик.

– Мен вилоят ўрмон хўжалиги бошқармасининг масъул ходими, – дедим гўё шафқат сўраётган тутқундай, – бу киши эса... катта олим, пойтахтдан келган.

Нотаниш йигит андак мулоимлашган қиёфада “маъқул” дегандек бош ирғаб қўйди. Бироқ, назаримда, “ўрмон хўжалиги”дан бошқа ҳеч вақога тушунмади, шу сабаб менга синовчан тикилиб:

– Меҳмонмисизлар? – деб сўради.

Мен қандай жавоб берсам бу турки совуққа ёқишни ўйлаб пича чайнаиб қолдим.

– Йўқ, – дедим, охири чинини айтишга бел боғлаб, – катталар махсус топшириқ билан юборишган. Шу атроф катта қўриқхона бўлади, биз шарт-шароитни ўргангани келдик.

Шўрим қисди-ёв, йигит бир зум илгаригидан баттар чақчайиб тикилиб қолди, сўнг:

– Қўриқхона... – деди димоғидан масхараомуз кулиб. – Кимдан нимани қўриқлайсизлар?

Мен “ҳаммаси тушунарли-ку”, деган маънода елка учуриб, мулоим табассум қилдим.

– Мен овчиман, – деди йигит, сўнг яланглик томон ияги билан ишора қилиб қўйди, – мана, шу овулда яшайман...

Биз ҳали овулда бўлмаган эдик. Бироқ:

– Жа-а, зўр жойлар экан, – дея профессор гапни илиб кетди. – Одамлари ҳам оққўнги, меҳмондўст...

Орага пича вақт ўнғайсизлик ўрнашди.

– Сизлар шаҳарликсизлар-а? – деб сўраб қолди ногоҳ овчи йигит, алланечук сергакланиб. Биз эҳтиёткорона бош ирғаб қўйдик. Овчи йигит ерга ўйчан тикилди, назаримда, унинг ўткир кўзлари маъюс тортиб қолгандай бўлди.

– Отамни шаҳарликлар ўлдирган, – деди у пичирлаб.

– Йўғ-е, қандай қилиб, – сўрадим астойдил ажабланиб.

Профессор ҳам кўзларини айбдорона пиргиратганча овчига юзланди:

– Йўғ-е, қандай қилиб?

Овчи йигит қўл силтаб:

– Э, бу узун дoston, – деб қўйди. Бироқ ўша “узун” дoston”ни гапириб бергиси келаётгани юз-кўзидан сезилиб турарди. Профессор овчи йигитнинг кайфиятини дарров илғади, шекилли, яқинроқ сурилиб:

– Агар малол келмаса... айтиб беринг, – деб мингирлади.

Овчи йигит хўрсиниб бош қашлади. Сўнг негадир бизга эмас, гоҳ осмонга, гоҳ оёғи остидаги тошларга термилиб, ўзига ўзи сўзлагандай ўша “узун дoston”ни бошлади...

\* \* \*

Отам бўйи икки қулоч, қўрғошиндан қуюлгандай қорувли, қизғиш соқоли ярашиқли, серғайрат овчи одам эди. У учиб бораётган қушнинг кўзидан ура оладиган мерган бўлган, десам балким ишонмасиз. Лекин овулимизда ҳамма бунга иқрор. Отамнинг ўткир кўзларига ташланиб қолмаслик учун менман деган йиртқич жондорлар ҳам қочиб-писиб юрарди. Хувв, кунчиқарга қаранг, тўшида булутлар чодирдай тўшалиб ётган оқ қалпоқли чўққиларни кўряписизми, отамнинг пойи-қадами ҳатто ўша ерларга ҳам етган, ўша одам бормас қояларда ҳам ўктам овози жаранлаган, энди бу теваракни қўя берасиз...

Мен беш қиз ичида ёлғиз ўғил эдим. Бироқ отам ҳеч қачон эркаламас, керак бўлса, тез-тез калтаклаб таъзимни бериб турарди. Лекин барибир отамни жуда яхши кўрардим. Эсимни таниб, сонга кирган ёшимдан бошлаб отам мени ҳам тез-тез овга эргаштириб чиқадиган бўлиб қолди.

Кунлар шу зайл ором ўтиб борарди. Кутилмаганда бошимизга мусибат тушди. Адашмасам, ўша кезлар ўн саккизни қоралаб қолгандим. Қорли, бўронли баҳор кунларининг бирида хонадонимизга кўрғилик дориди. Вақт пешиндан оққан маҳал эди. Мен ҳовлида терлаб қор кураб ётардим. Бир пайт оғил тарафда боғлиқ ётган итимиз ирғишлаб вовуллай кетди. Сергакланиб, ярим очиқ дарвоза томон ўгирилдим. У ерда икки нотаниш – бири ўрта яшар одам, бири менга тенгқур ўспирин қунишибгина турарди. Уст-бошларидаги қимматбаҳо, пўрим кийимлари уларнинг шаҳарлик эканидан дарак берарди.

Шу орада боғ тарафдан отам чиқиб келиб, улар билан кўришди, уйга таклиф қилди. Меҳмон амаки отам ортидан уй томон юра туриб мен билан ҳам ипақдек эшилиб саломлашди. Сўнг қўлтиғидаги қўппайган халтасини қўлимга тутқизди-да: “Буни ичкарига олиб кириб, жиян”, деб шигшиди. Ҳар хил ширинликлар, бир-икки қатлам аёлларбоп мато бўй кўрсатиб турган бу халта уларнинг совға-саломни эканлигини пайқадим. Аммо халта қўлимдан сирғалиб тушиб кетишига оз қолди. Ахир анови меҳмон болага беихтиёр анграйиб қолгандим-да. Ранги оппоқ, озгин, қизларникидек шахло, қоп-қора кўзлари чуқур-чуқур ботган, юпқа лаб, дўнгпешона бу оғайни, ҳойнаҳой, касал эди. Калласи ўз ҳолича тинмай тебраниб турарди. Орадан кўп ўтмай, меҳмонлар билан гурунг чоғи уларнинг ота-болалиги, йигитчанинг чиндан-да дардмандлиги, ҳатто тилдан қолганлиги ойдай ойдин бўлди.

Ўша кеч кўноқ учун бир эчки сўйилиб, қозонга солинди, чоғроққина меҳмонхонамизга қалин кўрпалар тўшалиб, кўпдан бери олов кўрмаган печига арча ўтин ёқилди, ишқилиб, узоқ шаҳардан кеп қолган меҳмонларнинг иззати жойига қўйилди.

Ҳа, шу оқшом уйимизга чинакам бир бегона рух, бегона об-ҳаво кириб келганди. Меҳмонхонамиз ота-боладан анқиётган, бизнинг димоғларга ҳали ёт бўлган, аллақандай ўткир атир ҳидига бўкиб кетди. Мен чой қуйиб узатиб ўтирарканман, меҳмонларни зимдан кузатиб-кузатиб олардим. Улар тошқолоқ деворлари ғадир-будир, пастаккина уйимизга, бурчакда осиглик қора чироқнинг хира ёруғига кўни-колмай, бесаранжом ўтиришарди. Касал бола хумдай калласи тебранган кўйи гоҳ чирсиллаб ёнаётган оловни, гоҳ чироқ шуъласида аксланаётган сояларимизни анграйиб-анграйиб кузатар, онда-сонда отамнинг юзидаги, бир пайтлар айиқ билан олишувдан қолган чандиққа кўрқа-писа кўз ташлаб оларди. Отаси эса, гўё тинчлантирмоқчидай, тез-тез унинг нозик, оппоқ қўлларини силаб-силаб қўярди. Назаримда, шундай кезлар меҳмон амакининг оқ оралаган сийрак сочлари баттар оқариб, салқи қош-қобоқлари, лаб-лунжи тагин осилиб кетгандай туюлди. У гоҳ ёнбошлаб, гоҳ чордона куриб, отам билан суҳбатлашар, ўзини далли-ғулли кўрсатишга тиришар, аммо хаёллари паришон эди. Мен унинг узундан узоқ гап-сўзларидан катта бир идоранинг хўжайини эканини, бир ташвиш сабаб тоғу тош-

ларга қадам босганини аранг англадим. Улар аввал овулимизни, сўнгра уйимизни топгунча хўб қийналишибди. Машиналари бу ёқларга юролмай, уни овулдан ўн чақирим наридаги геологлар қўналғасида қолдиришганмиш. Бир оқсоқ чўпоннинг кўмаги билан бизникини аранг топиб келишибди.

Отам, насиб этса, баҳорда қизларга сеп йиққан шаҳарга бориш тараддудида эканлигини айтганди, меҳмон амакига жон кирди. У “Тўппа-тўғри бизникига бораверинг, ўзим ҳамма хизматингизни битираман”, деб чиройли костюми чўнтагидан кафтдеккина қоғоз, тилларанг, ғалати бир ручка чиқарди. Сўнг қоғозни тиззасига қўйиб, тез-тез алланималарни ёзди-да, “Мана, менинг адресим”, дея отамга узатди. Отам мамнун бош ирғай-ирғай қоғозни олиб, уни ўзича узоқ кўздан кечирди, кейин эски, яғир телпагининг қатланган жойига қистириб қўйди. Отамнинг қилиқларини, ҳойнаҳой, кузатиб турган бўлса керак, мен касал боланинг юпқа, қонсиз лаблари қоқсуяк чаккалари томон чармдай чўзилиб кетганини кўрдим. “Ай, шаҳарлик-а, биз тоғликларнинг гўрлигидан куласан-а”, деб ҳазиллашган бўлди отам, шекилли, у ҳам касал боланинг илжайганини пайқаб қолганди. Шу баҳона бўлди-ю, меҳмон амаки узуқ-юлуқ қилиб, ўғлининг дарди ҳақида гап кўзғади.

Шаҳарлик боланинг бундай чалажон бўлиб қолганига ҳам роппа-роса уч йил тўлибди. Қиш кунларининг бирида мактабда аллақандай касалликка қарши эмлашибди-ю, орадан чорак соат ўтар-ўтмас, бола тилдан қолиб, калласини тутиб туролмайдиган аҳволга тушибди. Бу кўргиликнинг сабабини ҳеч ким аниқ айтиб беролмаганмиш. Биров ўша эм дори меъёридан ортиб кетган деса, яна аллаким бола қаттиқ кўрққан, игна нозик асаб тўқималарини зарарлантирган, дея тусмол қилибди.

– Даво истаб бормаган жойимиз қолмади, – деди меҳмон амаки қоп-қора дераза томон хомуш тикилиб. – Не-не профессорларнинг, аъзайимхон табибларнинг оstonасига бош урдик, афсус... ҳеч наф йўқ. Яқинда бир табибга учрашиб ичимиз сал ёришди, овчи тоға. У кишининг гапига қараганда, бундай касалларнинг беш-олтовини ҳеч кўрмагандай тузатиб юборган экан. “Кўрқманглар, айтганларимни оқизмай-томизмай бажарсаларинг, болангиз булбулдай сайраб кетади”, деяпти у...

Боланинг касалига худди айбдордай бош эгиб, қобоқ уюб ўтирган отамга жон кирди.

– Хўш-хўш... – деди у, – нима қилиш керак экан?

Меҳмон амаки пича жим қолди. Нозик, ингичка бармоқлари билан сийрак сочларини тароқлай-тароқлай, отамга жавдираб тикилди.

– Энди... бу ёғи сизга ҳам боғлиқ, овчи тоға, – унинг товуши тобора титраб чиқарди. – Болага тирик бўрининг иссиқ қонидан ичириш, терисини шилиб, устига ёғинтириш керак экан... – у шундай дея дағ-дағ қалтираётган қўлларини отам томон илтижолу чўзиб, тагин ҳирқиради, – “Йўқ” деманг, жон овчи тоға, довруғингизни эшитиб, атай сизни излаб келдик, ўла-ўлгунча хизматингизда бўламан...

Отам оғир сўлиш олиб, хиёл қаддини тиклади. Хонага оғир жимлик чўкди. Бурчакда милтирабгина турган чироқ баттар хира тортгандай бўлди. Бу орада меҳмон бола ёстиққа ёнбошлаб пинакка кетганди.

– Бўрини тирик тутиш қийин, – деди отам паст, хотиржам овозда.

– Ярадори ҳам бўлаверади, – деб шоша-пиша гапга қўш солди меҳмон амаки. – Табибдан сўраганман, ярадори ҳам бўлаверади, ишқилиб, жони чиқмаган, қони иссиқ бўлса, бас...

– Ярадор қилиш ҳам қийин, – деди отам тобора тундлашиб. – Бўри жуда зийрак ҳайвон.

Меҳмон тагин ялинишга зўр берди:

– Энди, бир илож қилинг, жо-оң, овчи тоға, ноумид қайтарманг, хизмат ҳаққи хоҳлаганингиздай бўлади.

Отам қаншаридаги чандиғини қашиб анча пайт мум тишлаб ўтирди.

– Яхши, – деди ниҳоят. – Қани, тонг отсин-чи, у ёғига ҳам худо пошшо... бир гап бўлар. – Сўнг менга юзланди: – Меҳмонларга ўрин-тўшак қилиб бер, болам.

Эрталаб чўчиб уйғонганимда кун хийла ёришган, дераза ортида чумчуқлар чирқиллашаётган эди. Қунишиб ташқари чиқдим. Отам ов анжомлари сақланадиган омборхонада куймаланиб ётарди.

– Уйғондингми, – деди менга кўзи тушгач, – Қашқақоядаги бўри уяси эсингдами, сахар бориб текшириб кўрдим, қанжиқ бўри овга чиққан, қайтишида уриб олсак бўлади, шошилиш керак, болам.

Отам сўнгги сўзларини айтаётганда кўзларида алланечук учқунлар порлаб, бурун катаклари овчилик илҳомидан титраб кетди.

Биз шошилишч йўлга отландик. Меҳмон ота-болани эшакка миндириб, ўзимиз яёв жўнадик. Ён-атроф оппоқ, қалин қор билан қопланган.

Ҳаво очиқ. Тоғлар ортидан чарақлаб бўй кўрса-таётган баҳор қуёши нуридан қор юзаси сим-сим зардек товланади, қадалиб қараган кўзларни қамаштиради. Биз сийрак арчазорларни оралаб ўтган сўқмоқ бўйлаб дам сайин юқорилаб борардик. Мен меҳмонларга, айниқса, анови касал болага тез-тез кўз ташлаб кўярдим. Калласидаги қусурини айтмаса, у сира дардмандга ўхшамасди. Кўзлари чақнаганча теваракка ютоқиб термулар, эшак устидан узалган кўйи қорга беланган арча барглари тортқилаб-тортқилаб ўйноқлар, ўзича мамнун илжаяр, ишқилиб, димоғи чоғ эди. Афтидан, у қаёққа кетаётганимизни билмас, тўғрироғи, бунга аҳамият бермасди.

Охири, бир соатдан кўпроқ қичаб йўл юргач, кўзланган манзилга, Қашқақоя этагига етиб келдик. Биздан хийла илгарилаб кетган отам чимрилган кўйи бетоқат кутиб турарди. “Бу ёғига ҳаммамиз яёв борамиз”, деди у. Мен эшакни панароқ бир арча шохига боғлаб келдим. Улкан-улкан арчалар, харсанг тошлар оралаб тагин жўнадик. Орадан яна чорак соатлар вақт ўтди. Биздан беш-олти қадам илгари кетаётган отам бирдан ёнбошлаб, ўзини харсанг панасига олди, бизга ҳам “пусинглар” ишорасини қилди. Негадир унинг ранги бўзариб, кўзларига ўйчанлик соя ташлади. “Об-бо, кечикдик, – деб бош чайқади отам, биз пусиб унга яқинлашгач. Қанжиқ бўри овдан қайтибди”. Мен ўзим аввалдан яхши биладиган, бўри уя қурган қиялик томон пойлаб кўз югуртдим. Ҳа, биздан юз-юз эллик қадам нарида, чоғроққина кунгай ялангликда кулранг бўри тумшуғини оёқларига қўйиб, хотиржам чўзилиб ётар, теварагида митти-митти тўрт боласи бир-бирини тортқилаб ўйноқларди. Мен ҳам овчиликдан унча-мунча хабардорлигимдан қалтис вазиятга йўлиққанимизни англадим. Бўрига айна маҳал ҳеч бир тарафдан яқин бориб бўлмасди! Мунча масофадан туриб аниқ нишонга олиш, амри маҳол эди. Устига устак, ёнида болалари... Бундай пайт менман деган овчи ҳам ўқ узишга ботинолмайди. Ичи-ташим музлаб отамга ўгирилдим. Отам қаншаридаги чандиғини қашлаб буткул ўйга чўмганди. Бу орада меҳмон амаки ҳам мўралаб бўриларни илғади, сўнг ҳеч вақога тушунмай, гоҳ бизга, гоҳ теваракка қизиксиниб аланглаб турган ўғлига имо-ишора билан, “Ана, у ёққа қара”, деб шипшиди. Касал бола ҳам бизга тақлидан, ҳаммамизни ташвишлантириб қўйган томон писиб мўралади.

Бироқ унинг ориқ, оппоқ юзига бизникидек ўйчанлик инмади, қайтам, кўзлари порлаб, илжайган кўйи томошага берилиб кетди. Ҳатто ирғишлаб ўрнидан туриб кетишига оз қолди, отаси уни аранг панага тортди, имо-ишора билан пўтписалар қилди, бу қилиғи яхши эмаслигини уқтирди.

Отам қўлидаги милтиғини обдон кўздан кечирди, белидаги узун тигли пичоғини пайпаслаб кўйдди, ов хуржунини мен томон сурди, Унинг қандайдир қатъий қарорга келганини тушундим. “Кўрқма, ўғлим, ҳали ҳеч қачон уятга қолмаганмиз”, деб қулоғимга шигшиди отам, сўнг олға эмаклаб кетди. Биз уни ҳаяжон билан кузата бошладик. Отам тагин йигирма-йигирма беш қадамлар оралиққа тошлар оралаб пусганча ўрмалаб борди. Кейин “лип” этиб ўрнидан турди-да, тўппа-тўғри бўрилар томон юрди! У милтиғини орқасига яширишга тиришарди. Отам беш-олти қадам кўяр-кўймас, қанжиқ бўри бошини шахд билан кўтариб ўгирилди. Ҳатто биз ҳам унинг отамга қаҳрли тикилган кўзларини, диккайганча пирпираётган қулоқларини яққол кўрдик. Бўричалар эса хуркиб, онасининг пинжига суқилди. Отам бўриларни ногоҳ учратиб қолгандек, бир зум қотди-да, ўнг томондаги арча-зорга ўзича қоча бошлади. Она бўри у томон қуюндай кўзгалди. Бақувват, узун оёқлари остидан қор сачратиб уч-тўрт сакрашдаёқ отамга яқинлашди. Шу пайт отам илкис орқага бурилди. Бурилди-ю, бирдан ўқ овози гумбирлади. Биз жон ҳолатда кўкка бир сапчиб қулаётган бўрининг сержун бўғзидан тирқираб қон отилиб кетганини яққол кўрдик. Кулранг жондор шундоққина отамнинг кирза этиклари ёнида қор тўзғитганча чирпирак тўлғониб қолди. Отам эҳтиёткорлик билан ўзини четга тортиб қичқирди:

– Идишни опке-е-ел!

Мен хуржундан сопол косани олиб, жону жаҳд билан олға отилдим-у, кўз очиб юмгунча отам олдида пайдо бўлдим. Шу пайт... шу пайт тоғу дараларни аччиқ бир қичқирдиқ тутиб кетди. “А-а, а-а!”

Биз “ялт” этиб овоз келган ёққа қарадик. Қарадиг-у, кўзларимизга ишонмадик. Ахир, бу товуш, бу аччиқ қичқирдиқ ўша шаҳарлик боланики эди!

“А-а-а-а!” – у шундай чинқириқ билан қоқила-сурилганча биз томон югургилади. Отам иккимиз анграйиб қолдик. Меҳмон амаки бир зум каловланиб турди-да, шодон қийқириб ўйноқлай кетди: “Тилгинангдан, овозингдан болам...”.

Шаҳарлик бола пихиллаб-хириллаб жон бераётган она бўрига гандираклаган кўйи яқин

келди. Унинг калласи аввалгидек тебранмас, қоп-қора кўзлари чақчайиб боқар, юпқа, қонсиз лаблари яна бир қичқирдиққа ҳозирлангандай пир-пир учарди. Бола чалажон жондорга, ўқ овози гумбурлагандаёқ бўри болалари тирқираб қочган уя томон бир зум ола-кула боқиб тургач, шахд билан отамга юзланди. Юзланди-ю, мутлоқ соғлом бир товушда ваҳимали шанғиллай кетди:

– Нега отдингиз, нега? Энди болалари нима бўлади?

Шу орада қувончдан энтикканча етиб келган отаси ўғлини кучоқлаб, “тилингдан, тилингдан...” дея ўпишга уриниб кетди. Бироқ бола, гўё тузалганидан пушаймондек, отасининг қўлларини силтаб ташлаб, гоҳ чалажон бўрига, гоҳ отамга чақчайганча қараб турарди. Меҳмон амак эса ҳовури босилмай, ҳансираган кўйи, пўрим пўстинининг ички чўнтагидан бир даста пул чиқариб, қийқириганча отамнинг бошидан сочиб юборди. Яна бир дастанни гоят чаққонлик билан менинг серямоқ чўнтагимга тиқиб юборди.

Шу пайт отамнинг қоп-қора терга ботган кўйи дағ-дағ титрашга тушганини ногоҳ сезиб қолдим! Милтиқ, ҳалигина мен узатган сопол коса аллақачон ерпарчин бўлиб қорга қоришиб ётарди. “Ота-а!” – дея беихтиёр қичқириб юбордим, бирдан ичу ташим музлаб. Аммо отам жавоб бермади, гоҳ оёқлари остида сўнгги нафасини олаётган она бўрига, гоҳ шаҳарлик болага жавдирай-жавдирай қон сачраган қор устига беҳол ўтириб қолди. Мен илкис олға отилиб, унинг елкаларидан кучдим. “Ота-а, бизни кўрқитманг, ота!” У қалин-қалин лабларини қимтиб-қимтиб гапирмоқчи бўлди, бироқ уддалай олмай қўл силтаб кўйдди. Мен шунда... шунда аччиқ бир ҳақиқатни англадим: отам тилдан қолганди!

Шаҳарлик бола кўзлари баттар олайиб, беихтиёр орқага тисарилди. Сўнг бир инграниб, ваҳима билан овул томон чопта кетди.

Меҳмон амаки ҳамон ўша қувонч қалқиб турган товушда: “Ия-ия, овчи тоға, сизга нима бўлди? Ҳазиллашманг-ей”, деб отамга парвона бўла бошлади.

Мен кўз олдим қоронғилашиб унга қичқирдим: “Йўқо-о-ол, отамни едиларинг!”. Беихтиёр пайпасланиб ердан милтиқни олдим. Меҳмон амаки, “ия, жиян, ўзингизни босинг, одам отишининг жавобгарлиги бор-а?!” дея гудраниб, қалт-қалт титраганча орқага тисарилди, сўнг, ўнглиниб ўғли ортидан йўрғалаб қолди.



Мен буткул ўзимни йўқотиб, эсанкираб қолгандим. Отам овулга қайтишни истамасди. Ёлвориб етакламоққа чоғлансам, қўлларимни силтаб ташлаб, “ўзинг кетавер” дегандай имошора қилар, харсангларнинг бирига омонатгина чўнқайиб, узоқ-узоқларга жавдираб термулар эди. Ваҳима босиб йиғлаб юбордим. Бир пайт орқамдан қадам товушлари эшитилгандай бўлди. Қарасам, уч-тўрт овулдош ҳовлиқиб келишяпти. Таниш одамларни кўриб, негадир, баралла хўнграб юбордим.

Улар овул оралаб ғалати-ғалати қиёфада орқа-олдига қарамай ўтиб бораётган ота-болани кўриб қолишган экан. Ажабланиб, сўраб-суриштиргач, бизнинг меҳмонлар эканини билишибди. Сўнг, овулдошлар, “Бу ерда бир сир бор-ов”, деган шубҳа билан тўппа-тўғри уйимизга боришганмиш. Энам бизнинг меҳмонларни бошлаб Қашқақояга чиқиб кетганимизни, ҳамон қайтмаганимизни, ўзи ҳам юраги хижил тортиб хавотирланаётганини айтибди. Овулдошлар ўзаро маъноли кўз уриштириб, дарҳол Қашқақоя томон жўнашибди.

Ўша кун кечга яқин чалажон отамни бир амаллаб уйга орқаладик. Мен йўл-йўлакай узуқ-юлуқ қилиб уларга бўлган воқеани айтиб бердим. Овулдошларни ҳам алланечук ваҳима босди. Улардан бири “Овчини қон тутган”, деса, яна бири “ўша шаҳарлик боланинг касали юққан” лигига шаъма қилди.

Отам бир пайтлар чин овчилар ё қоядан учиб, ё йиртқишлар билан олишиб ўлим топишини менга уқтирар, ҳатто бу ҳақида қизиқ-қизиқ чўпчаклар айтиб берар, бир кун келиб, ўзи ҳам шундай ажалга йўлиқишига ишониб ғурурланар эди. Отам ўша тундаёқ қўл-оёғи тарашадек қотиб, кўрпа-тўшакка миҳланиб қолди. Орадан бир ҳафта ўтгач, жон берди. Мен ўшанда отамнинг гўё қисматидан, ўлимидан розидай, юз-кўзида алланечук табассум қотиб қолганини кўрдим...

\* \* \*

Овчи йигит “энди тамом”, дегандай бирдан жимиб қолди.

– Ҳа, ҳаёт шунақа аччиқ, – деди оғир бир сўлиш олиб профессор, гўё азадордан кўнгил сўрагандай. – Хафа бўлманг, ука...

Мен ҳам ўзимча, “Ҳа, тақдир-да, тақдир”, деб минғирлаб қўйдим. Лекин кўнглимнинг бир чети хирагина ёришиб турарди: чунки “узун дoston” мен кўрқиб кутгандан бошқача хотима топди. Боя овчи йигит, “Отамни шаҳарликлар ўлдирган”, дегани учун “узун дoston” давомида

муқаррар бир пичоқбозликни, отишмани кутгандим. Йўқ, худога шукр, ундай бемаза бўлиб чиқмади. Шу сабаб овчи йигитнинг кўзини шамғалат қилиб, шерикка шипшидим:

– Бу ўлимда шаҳарликлар “ни причём-ку”...

Гагим ёқмади, шекилли, профессор бир чимирилиб қўйди. Сўнг қўл соатига кўз ташлаб, “кечикяпмиз” ишорасини қилди.

– Энди ука, бизга рухсат, – дедим сипоғарчиликни қўлдан бермай. – Ҳувв, сой бўйида шериклар, машина кутиб қолди.

Овчи йигит ўз хаёлларига шунчалар берилиб кетган эканки, беихтиёр чўчиб тушди. Икковимизга уйқусираётгандай бир-бир қараб чиқди...

– Кетасизларми?

Биз бош ирғаб, ўрнимиздан кўзгалдик. Қўл-оёқлари, бели худди меникидек ҳамон зирқираб ётган бўлса керак, профессор юзларини аянчли буриштириб, ихраб юборди.

– Ҳалиги, – деди овчи йигит ўрнидан кўзғаларкан бир менга, бир шеригимга кўз ташлаб, – кўриқхона қуришларинг чинми?

Мен тагин қандай жавоб овчига ёқишини билмай чайналиб қолдим. Профессор, ҳар қалай профессор-да, дарров мўлжални тўғри олди:

– Э, ҳаммаси хом гап, ука, – деди у ўзича бепарво қўл силтаб, – ҳеч ташвиш тортманг.

Овчи йигит чиппа-чин ишонди, шекилли, юз-кўзида шодлик шарпалари кезинди.

Биз хайр-хўшлашиб, эҳтиёткор қадамлар билан пастга – ялангликка туша бошладик.

– Ғалати одамлар экан-а, – дедим хиринглаб.

Профессор чақир тошлар, сертикан ўт-ўланлар билан қопланган сўқмоқчадан кўз узмай, “ҳим-м” деб қўйди.

Ниҳоят, ялангликка эндик. Мен кўрқа-писа бундан чорак соат аввал ўтирган томонимизга – қоя чўққисига кўз ташладим. Кўз ташладим-у, “Ановини қаранг!” деб юбордим, беихтиёр шеригимни турткилаб. Хаёлчан кетаётган профессор бир чўчиб, мен ишора қилган ёққа аланглади.

Қоя чўққисининг тик қирғоғида, туртиб чиқиб турган харсанг устида овчи йигит мағрур қад кериб турарди.

– Нима бало ўзини ташламоқчимиз у? – дедим чинакамига хавотирланиб. Чунки унинг овчилар қандай ўлим топиши ҳақида айтганлари ҳамон қулоғим остида жаранглаб турарди.

– Йў-ўқ, – деди профессор ўйчан, – овчи бизни кузатиб қўйяпти. То манзилга етгунимизча шундай тураверади у.

Биз хотиржам бурилиб йўлда давом этдик...



## Шоирлар


Алишер Навоий  
(1441–1501),  
575 йил, Ўзбекистон.

Жан де Лафонтен (1621–1695),  
395 йил, Франция.

Уильям Коллинз  
(1721–1759),  
295 йил, Англия.

Нодира (1791–1842),  
225 йил, Ўзбекистон

Карел Яромир Эрбен  
(1811–1870),  
205 йил, Чехия.



Шарль Бодлер (1821–1867),  
195 йил, Франция.

Николай Некрасов  
(1821–1878),  
195 йил, Россия.

Абдурауф Фитрат  
(1886–1938),  
130 йил, Ўзбекистон.

Мирзо Турсунзода  
(1911–1977),  
105 йил, Тожикистон.

Иброҳим Раҳим  
(1916–2002),  
100 йил, Ўзбекистон.

Бойниёз Каюпназаров  
(1916),  
100 йил, Ўзбекистон


Истеъдодли ижодкорнинг умри фақат яшаган йиллари билан ўлчанмайди. Токи асарларини ўқувчилар севиб ўқир экан, муаллиф ҳам барҳаётдир. 2015 йили ана шундай истеъдод эгаси, севимли шоирамиз Зулфияхонимнинг 100 йиллиги мамлакатимиз бўйлаб кенг нишонланди. Бетақрор асарлари билан асрлар оша яшаётган кўглаб адибларнинг юбилей саналари 2016 йилга тўғри келмоқда. Қуйида уларнинг айримларини эътиборингизга ҳавола қиляпмиз. Шубҳасиз, рўйхатни ўзбек халқининг маънавий пири, дунё адабиётининг тенгсиз намоёнчаси ҳазрат Алишер Навоий бошлаб беради.

## Ёзувчилар

Вальтер Скотт  
(1771–1832),  
245 йил, Англия.

Теофиль Готье  
(1811–1872),  
205 йил, Франция.

Шарлотта Бронте  
(1816–1855),  
Англия – 200 йил;



Гюстав Флобер  
(1821–1880),  
195 йил, Франция.

Фёдор Достоевский  
(1821–1881),  
195 йил, Россия.

Ҳерберт Уэллс  
(1866–1946),  
150 йил, Англия.

Марсель Пруст  
(1871–1922),  
145 йил, Франция.

Теодор Драйзер  
(1871–1945),  
145 йил, АҚШ.

Макс Фриш  
(1911–1991),  
105 йил,  
Швейцария.

## Асрларни қаритган адиблар

Ҳейнрих Манн  
(1871–1950),  
145 йил, Германия.

Стефан Цвейг  
(1881–1942),  
135 йил, Австрия.

Жек Лондон  
(1876–1916),  
140 йил, АҚШ.

Михаил Булгаков  
(1891–1940),  
125 йил, Россия.




# Пиримқул Қодиров довони


Одам ўз ҳаёт йўлидан фақат бир марта ўтади. Кўйилган ҳар бир қадам – қайтиб келмайдиган кунлар ва дақиқалар билан бирга кетади. Нима қолади? Тўқувчилар ҳар бир энлик гиламларига бирорта чиройли гул соладилар. Богбонлар ўз ерларининг ҳар бир қаричига яхши дарахт экадилар. Демак, одам ўз умрининг ҳар бир кунини, ҳар бир йилини яхши мазмун билан тўлдиролса, фақат ўзи учун эмас, жамият учун, халқ учун ҳам неки ишлар қила олса, гиламдаги гулдек, богдаги чинордай бўлиб ана шу қолади.

Адиб кундалигидан

Мен Пиримқул ака талабалик йилларида ёзган “Студентлар” деган илк ҳикоясидан тортиб “Авлодлар довои” романларигача кўпини қўлзмалигидаёқ ўқиганман. 1972 йилдаги “Кундаликлар”имда кичик бир қайд ёзган эканман: “Пиримқул Қодировнинг Бобур тақдирига бағишланган “Юлдузли тунлар” романи қўлзмасини ўқиб чиқдим. Машина ёзувида 550 бет. Балойи азим. Унинг бутун ёзувчилик кучи, қувваи ҳофизаси, тарихчи, файласуф ва санъаткор эканлиги бу романда яққол кўринган. Пиримқул Қодиров Бобур фожеасини, ўша замон тақозосини, оддий халқ ҳаётини, жангу жадаллар, саргузаштлар тарихини, шахс ва омма муносабатларини жуда кўп ҳаётий лавҳаларда очиб боради. Воқеалар, образлар ривожини ҳамма ерда мантиқий ниҳоясига етказди. Бутун китоб бўйлаб Бобурнинг жозибали, реал сиймоси ўқувчига йўлдош бўлади. Қойил! “Навоий” романидан сўнг иккинчи шундай тарихий асар ўқишим. Бу китоб ўз муносиб ўрни ва баҳосини топажак”.

Жуманиёз Жабборов,  
Ўзбекистон халқ шоири





Рафиқаси ва қизи Саодат билан. 1953 й.

26 ёшида диссертация ёқлаб, фан кандидати бўлганини билиб унга ҳавасим келди ва студентлик пайтларимда уни кузатганларим, у ҳақида эшитган-билганларим қайта тикланди...

**Матёқуб Қўшжонов,**  
академик



Матёқуб Қўшжонов билан. 1975 й.



**Чингиз Айтматов**

Ўзбекистонда Одил Ёқубов билан Пириқул Қодиров ижодини ўзгача меҳр билан кузатиб бораман. Ўз асарлари орқали Пириқул кўнлаб тарихий сиймоларни жонлантириб бераётган бўлса, Одил давр руҳини юксак маҳорат билан акс эттирмоқда.



...дунёнинг энг катта бойлиги ҳар бир кишида бор. Бу бойлик – вақт. Ўтаётган ҳар бир дақиқа – ҳали ҳеч нарса ёзилмаган оппоқ қозоғ, ҳали экин экилмаган дала, ҳали тўқилмаган гилам гули. Бир соатда олтмиш дақиқа бор. Қунимизда йигирма тўрт соат бор. Бир йилимизда-чи?

**Адиб кундалигидан**



Қибрай туманида. Китобхонлар билан учрашув. Озод Искандаров ва бошқалар билан. 1987 й.

“Қора кўзлар” романи ёзувчи ижодидан янги босқич. У Пириқул Қодировнинг ижодий изланишлари самарали йўлдан кетаётганини кўрсатади. Қолаверса, бу роман бугунги адабий ҳаракатчиликдаги етакчи тенденцияларни ифодаловчи асардир.

**Озод Шарафиддинов,**  
Ўзбекистон Қаҳрамони



Қарши шаҳрида. Китобхонлар билан учрашув. 1968 й.

Тил миллатни, халқни, Ватанни бирлаштириб, жипслаштириб, улуғ мақсадлар йўлида элни янада хайрихоҳ ва ҳамнафас қилади. Пириқул Қодировнинг “Тил ва эл” китоби бу борада барчамиз учун муҳим манба бўлиб, қадри баланд асарларимиз қаторидан ўрин олишига ишонамиз.

**Саид Аҳмад,**  
Ўзбекистон Қаҳрамони



Пиримкулга!

Адаб аҳли қаламга чин вафони Сиздан ўргансин,  
Ажаб толе – билимни, бу жафони Сиздан ўргансин...

**Зулфия,**

Ўзбекистон халқ шоири

Пиримкул Қодиров “Уч илди” романи билан олтинчи йиллар ўзбек адабиётига янги руҳ олиб келди. Романнинг тили равон, қаҳрамонлари ёрқин образлар бўлиб кўз ўнгингда гавдаланиб туради...

**Абдулла Қаҳҳор**



Пиримкул Қодиров адабиётга замондош – тенгдошлари ҳаётдан олиб ёзган асарлари билан кириб келган.

**Умарали Норматов,**

филология фанлари доктори, профессор

Пиримкул Қодиров концепциясига кўра “Темур тузуклари” туркий тил моҳияти, ўзлигини очувчи калит. Бу асар Темур, унинг мураккаб салтанати, сулоласи ҳақидаги чин маълумотлар манбаидир.

**Абдуғафур Расулов,**  
филология фанлари доктори,  
профессор



Улуғ адиб Чингиз Айтматов билан қачонки юз кўришмайлик, биринчи галда Пиримкул Қодировни сўраб-суриштирарди. Уни ўз туғишганидек яхши кўрарди. Дўстимнинг тарихий мавзудаги романларига юксак баҳо берганди...

**Одил Ёқубов,**

Ўзбекистон халқ ёзувчиси



Пиримкул Қодиров ўтган 100 йиллик адабиётнинг йирик вакиллари, жумладан, Чингиз Айтматовдек дунё таниган адиблар билан дўст тутинди ва ўзи ҳам улар билан бўйсирга ижод қилди. Атоқли адибимиз ижодининг халқимиз доверугини жаҳонга таратишида тутган ўрни юксакдир.

**Абдулла Орипов,**  
Ўзбекистон Қаҳрамони



Ўзбек адабиётининг юксак чўққиларга кўтарилишида устоз Ойбек ва Абдулла Қаҳҳордан сўнг ўзининг салмоқли романлари билан ёрқин из қолдирган забардаст адиб Пиримкул Қодировнинг маънавий меросини теран нигоҳ билан ўрганиш ёш қаламкашларга катта ижодий мактаб бўлади.

**Эркин Воҳидов,**  
Ўзбекистон Қаҳрамони

**Тўлқин Эшбек тайёрлади.**

## Тилак

Қорбобо, совгалар олиб кел,  
Менга юракқопинг тўлдириб.  
Энг гўзал янги йил совга қил,  
Яшайин дунёни кўндириб.

Бир имкон совга қил кулмоққа,  
Ҳамда йиғламоққа бир имкон,  
Ишонмоққа орзу, қайтмоққа  
Хотир бергин, этгувчи комрон.

Совга қил бир битмас жароҳат  
Ва нафаси ўтли хўрсиниқ.  
Муҳаббат совга қил, муҳаббат –  
Титроқли, сўроқли бир ёниқ.

Ва яна совга қил, меҳрибон,  
Онам меҳрин нишонасини.  
Ўпиб кўйгин исмим битилган  
Дунёнинг шўр пешонасини.

Қорбобо, совқотдим, тавба-ё,  
Совқотдим ўтларга топиниб.  
Менга Дил совга қил, қорбобо,  
Исинай мен уни ёпиниб.

ойдиннисо





**Жаҳондаги фикр ва ахборотларни элаб, саралаб олиш ёшларнинг ўз қўлида. Бу эркинлик, инсонни бундай мустақилликка ўргатиш яхши, лекин ёшларнинг адашиши ҳам бор.**

Ёш бўлиш яхши. Аммо бу ҳам қийин. Айниқса, ёш ёзувчи бўлиш қийин. Чунки ҳам ўзингни, ҳам бировларни тарбиялашинг керак. Ёш бўлиш қийин. Ҳамма сенга насиҳат беравергани учунгина эмас, ёш бўлиш аввало шунинг учун қийинки, ёшликнинг иши, масъулияти оғир бўлади: ўқиш, устозлардан ўрганиш керак, олдинги авлодлар яратган ҳамма билим ва маҳоратни эгаллаш керак, энг муҳими – устозларни қувиб етишгина эмас, ўтиб кетиш, улар яратган хазинага нимадир қўшиш керак. Акс ҳолда, тараққиёт бўлмайди. Баъзан шогирд устоздан ўтипти деб ҳайрон бўлишади, бу – нотўғри. Устоздан ўтмаса, шогирд бўлишнинг нима моҳияти бор?! Шогирдлар устозлардан ўтмаса, тараққиёт тўхтаб қолади-ку, ахир? Авлодлардан авлодларга

## Асқад Мухтор

# Ёш ёзувчи бўлиш қийин

Ўтишнинг маъноси бўлмай қолади. Агар бирор оқсоқол ёшларга: “Сен биздан олдинга интилма, ўз жойингни бил!” деб таълим берса, бу мутлақо хато бўларди. Абдулла Қаҳҳор “Талант – халқ мулкидир” деган мақоласида бу масалада баъзи оқсоқолларнигина эмас, эски удумни догмага айлантириб, ўз журъатини тийиб юрган баъзи ҳуркович ёшларни ҳам танқид қилади. “Ҳурмат билан саломингни бер-да, ишинг зарур бўлса, ўтиб кетавер”, дейди Абдулла ака.

Бахтимизга, оқсоқолларимизнинг деярли ҳаммаси ёшларнинг дадил интилишларидан, кексалар қилиб улгуролмаган ишларни бажаришга уринишларидан доим хурсанд. Устозларимиз ҳам, Ёзувчилар уюшмаси ҳам ёшларнинг барча ижодий синовларини, журъатли интилишларини, адабиётимизга қўшмоқчи бўлган янгликларини жон-дилдан қўллаб-қувватлайди.

\* \* \*

Адабиёт ҳавасга кириладиган шон-шухрат боғчаси ёки шунчаки, кўп қатори бажариб юриладиган касб эмас. Адабиётга одам бир умр ёнгани киради. Ҳар бир асарда бир ловиллаб ёнмаса, ёзувчининг бўлмагани маъқул. Ёзувчилик, менинг назаримда, энг қизиқ, энг эҳтиросли ҳаёт. Бунда фаолият натижаси – асарнинг ўзигина эмас, жараён, изланиш жараёни, излаб топиш, излаб яшашнинг ўзи қизиқ. Ҳар сафар ўзингга ҳам, китобхонга ҳам янги бир олам очишинг керак. Адабиёт жараёни узлуксиз; қанча ёзувчи бўлса шунча усул; ҳаёт мураккабликларининг маъзини ҳамма ўзича излайди, ҳамма ўз юрагида қайнатади, ўз илҳомини, ўз эҳтиросини тақдим этади. Озгина сўз айтиш учун у жуда кўп билиши, жуда кўп кўриши, воқеаларни, биографияларни, фактларни, ҳисларни, ўйларни, психологияни билиши керак. Муҳандис ёки академик билиши шарт бўлмаган соҳалар бор. Ёзувчида эса бундай соҳа йўқ. Ёзувчининг ҳаёт тажрибаси, биографияси – олтин фонд. Уни ҳозирдан ярата бошлаши керак.

Йигитликда йиг илминг  
маҳзани,  
Қарилик чоғи харж қилгил  
ани!

Ҳазрат Навоий буни бе-  
жиз айтмаган. Ишни кейинга  
қолдириш керак эмас. Қарига-  
нида одам юмшоқроқда ётги-  
си, ўнғайроқ ўтиргиси, фақат  
машинада юргиси кела бош-  
лайди, дарё кечиш, тоғ ошиш,  
саҳро кезиш – малол келади.

Ёзувчи таланти бўлиши  
керак – таланти қайдан олиш  
ҳақида маслаҳат беролмайман.  
Ёзувчи билимли, ўқимишли,  
баланд савияли одам бўлиши  
керак. Буни қайдан олишни,  
бир умр ўқиш-ўрганиш керак-  
лигини биласизлар. Мутолаа  
қилиш керак деб, ишни алиф-  
бодан бошлаб ўтиргим кел-  
майди.

Ёзувчи кўпни кўрган, ач-  
чиқ-чучукни татиган, хайру  
бадни таҳлил қила билувчи,  
тажрибали одам бўлиши шарт.  
Мана шунисига келганда би-  
роз тўхталиб ўтиш керак деб  
ўйлайман. Яъни, гап муаллиф  
образи ҳақида. Аминманки,  
ҳар қандай бадиий асарда  
ҳамма нарсани бирлашти-  
рувчи, бутун асарга ранг  
берувчи – “муаллиф образи”-  
дир. Белинский ҳам “Евгений  
Онегин” ҳақида гапириб,  
романда бадиий марказ му-  
аллиф образидир, деган эди.  
Асарнинг савияси муаллиф  
савиясидан ошиқ бўлмайди.  
Муаллифнинг завқи, билими,  
хулқи, қалби, қарашлари, таж-  
рибаси – асарга муҳр бўлиб  
босилади. Китоб бу жиҳатдан  
ниҳоятда субъектив нарса.  
Шунинг учун ёзувчи аввало  
ўзини халқ ҳаётидаги муай-  
ян, зарур ўринга қўя билиши  
керак. Халқ ҳаётининг ҳамма  
томонлари – оғир томонлари

ҳам, гўзал томонлари ҳам яққол кўри-  
надиган жойга қўя билиши керак.

\* \* \*

Талант келиб чиқишидаги кито-  
бийлик халақит берар экан, талант  
ёш вақтида ҳаёт билан боғланолмай  
қийналиши бор гап. Афтидан, турмуш-  
ни кўриш, билиш, мазмундор ҳаёт йўли  
– кифоя эмас. Булар ўзидан-ўзи асарга  
шундоққина кўчиб қўя қолмас экан.  
Оламни кўриш билан бирга, уни ёзувчи  
кўзи билан қабул этиш, идрок қилиш,  
юрақдан ўтказиб қоғозга тушира билиш  
зарур экан. Адабиётнинг ҳаётий моҳи-  
ятини қаттиқ ўзлаштириб олиб, ижодни  
ҳаёт билан боғлай билиш жуда муҳим  
экан.

Мен айтмоқчи эмасманки, китобда  
персонажлар рашк қилмасин, касал  
бўлмасин, меҳмонга бормасин, деб.  
Аксинча, буларнинг ҳаммаси ҳаётий;  
лекин асар қаҳрамони ҳаётида уни  
бизнинг жамиятимиз кишиси сифатида  
улуғловчи мазмундор воқеалар бўлиши  
керак, ахир.

\* \* \*

Классика бундай деб ўргатади: аввал  
тўлишиш керак. Бош фикр ўзи тўлишиб  
келади. Уни севиб қоласиз. Уни айтгин-  
гиз келади.

Шундай безовталиқ, истак, кучли  
эҳтиёж сезмай туриб ёза бошламаслик  
керак.

Ҳар бир чинакам асарнинг ўзига  
яраша фалсафаси бўлади. Бош фалса-  
фий фикр асарни ёза бошлашдан олдин  
ҳам, ёзаётганда ҳам, ёзиб бўлгандан  
кейин ҳам сизни безовта қилиб, қийнаб,  
ўртаб туриши керак. Шусиз ёзилган  
асар дарров эътибордан қолади, асарда  
бош фикр, ҳаёт фалсафаси, чўғ бўлма-  
гандан кейин, китобхон ҳам ёнмайди.

\* \* \*

Кўпгина ўйчан, фалсафий шеърлар  
туркумига ўхшаган поэмаларимиз  
бор. Уларда баъзан ўнлаб лирик че-  
кинишлар қилинади, бундай турлари  
ҳам керак, “Поэма фақат бундай бўли-  
ши зарур”, деб рецепт бериб бўлмайди.  
Аммо инсон характери, жонли қиёфа-

си, исмли-жисмли,  
еб-ичиб, меҳнат қи-  
либ ёнимизда юради-  
ган кишидай конкрет,  
прозадагидай кенг  
яшайдиган одам ха-  
рактерини кўргимиз  
келади.

Давр, тақдир, тарих,  
жамият, шахс, фо-  
жиа, фалсафа, кураш,  
қувонч – барини ўз  
ичига олган одам ҳа-  
ёти тасвирланса эди.  
Бундай лиро-эпик  
характердаги классик  
поэманинг имкони-  
ятлари тугаган эмас.  
Ёшлар шу имконият-  
ларни ўз қўлларига  
олсалар эди. Ички  
монолог типидagi по-  
эманинг имкониятла-  
ри эса, менинг наза-  
римда, тугаб боряпти.  
Бу уларнинг кейинги  
вақтда бир-бирига  
ўхшаб қолаётгани-  
дан ҳам, бу соҳада  
кўп шоирларнинг  
муваффақиятсизли-  
гидан ҳам билинапти.  
Поэманинг кейинги  
тамойили назария-  
чиларнинг фикрига  
муҳтож, танқидчилар  
бу бобдаги тажрибани  
яқунласалар яхши  
бўларди.

Поэмадан бошқа  
жанрларда ёшлар  
поэзияси ажабтовур  
улғайиб келмоқда.  
Унда ўйлар, ёшликнинг  
мавқеи, ҳаёт йўлини  
белгилаб олиши ҳақи-  
даги ташвиш, ички  
бир безовталиқ тобора  
кўпроқ ўрин эгалла-  
япти. Ўй, ҳис, фалсафа  
тантанаворликни қувиб  
чиқармоқда.



Албатта ёш поэзияда  
кўп заифликлар, ҳатто  
латифа қилгулик мисралар,  
мантиқсизликлар  
учрайди. Айтилган  
фикрларни такрорлаш,  
насихатгўйлик,  
тақлидчилик, дидактика,  
мантиқни шакл  
элементларига қурбон  
қилиш, риторика, жўнлик  
каби камчиликларга жуда  
кўп мисоллар келтириш  
мумкин эди.

\* \* \*

Шуни қайд этиш муҳимки, ёшлар ижодининг, шу жумладан, ёш поэзиянинг умумий ғоявий-бадий йўналиши соғлом. Энг ёрқин талантлар тинимсиз излаб, ажойиб образлар топмоқда, нозик ҳис-туйғулар кўзғатмоқда, давр ва инсон ҳақида ўйга солмоқда, юксак ғояларни – халқнинг эзгу тилакларини, интилиш ва курашларини бадий ифодалашга интиломоқда... Булар ҳаётни бутун гўзаллиги, мураккаблиги, бутун ҳақиқати билан, янада чуқур ва кенг қамраб олишни ўрганишлари керак.

Поэзияда ҳикоя қилиш, тасвир этиш, кўрсатиш, ўргатишгина етмайди, поэзия сеҳрлаши керак, ўйлатиши, руҳни кўтариши, куч бағишлаши, ҳар бир образли сўзнинг бутун гўзаллигини очиб ташлаб, ҳайратга солиши керак.

Шу ўринда бир камчиликни айтиб ўтай. Бу – шеърнинг ниҳоятда кўп ёзилаётганлиги. Бемаза қовуннинг уруғи кўп дегандай, қайси таҳририятга, қайси нашриётга, қайси муҳокама кенгашига

борманг – албатта 5-10 папка шеър топишингиз мумкин.

“Яхши шеърни  
ёзиш – осон иш эмас!”

Бу Пушкин сатри.  
Пушкин буни 14 ёшар-  
лигида айтган.

“Яхши шеърга  
ўх – шайди ҳаёт,  
Яхши шеърни ёзиш  
– осон иш эмас!”

Буни Степан Шипачев айтган. 60 ёшида.

Бу фикр ҳамма замонлар учун, ёшлар ва доно кексалар учун, ҳамма учун хос. Бугун уни биз такрорлаймиз. Инсоннинг гўзалликка интилиши чексиз. Шеърда, бадий сўзда гўзаллик имкониятлари бениҳоя. Шунинг учун Лев Толстой буюк эпопеясини етти марта кўчиргани рост.

Шеърнинг кўп ёзилаётганини баъзи газеталар кўптириб мақтайди, айниқса, ёшларнинг шеърларида берилган таҳлилларда. Яъни, ёшларимиз серзавк, меҳнаткашлар бахтиёрлигидан фикрини шеърга солади ва ҳоказо.

Бир “муаллиф” бор. Унинг номини билмаган хатлар бўлими мудири бўлмаса керак. У ўн йилдан бери ҳамма таҳририятга мунтазам равишда кунига бештадан шеър юбориб туради. Ўн йилдан бери бирор шеъри босилиб чиққани йўқ. Уни

таҳририятдагилар дастхатиданоқ танишади. Жавоб ёзмай қўйишди: фойдаси йўқ, “шоир” қофиялагани қофиялаган.

Менимча, бу – бахтиёрликдан эмас. Бу – сўзга ҳурматсизликдан, гўзаллик олдида ҳайратда қола билмасликдан, баъзан эса беорлик ва нодонликдан.

Азизлар, Лермонтов умрида биттагина китоб чиқарган.

Блок кўнгил дафтарига бундай деб ёзган экан: “Шеърни ёзмай қўйсаммикин, деган ўй келди бошимга. Чунки шеър ёзишга жуда уста бўлиб кетмадиммикин деб қўрқаман”.

Шу ўринда адабий танқидчилигимизнинг ёшлар ижодига муносабати масаласига тўхтаб ўтгим келади. Ҳозирча танқидчиларимиз ёшлар ижоди билан махсус шуғулланаётгани йўқ. Ёшларнинг асарлари умумий мақолалардагина, кўпинча салбий мисол тариқасидагина тилга олинмоқда. Бунинг устига, баъзан асарнинг моҳиятини уқмасдан туриб, юзаки назар ташлабгина тилга олинмоқда. Юзаки қараганда эса, Навоий айтганидек, қанд ҳам оқ, туз ҳам.

Ёшларни танқидга соғлом муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш учун аввало танқиднинг ўзи оқилона, самимий ва ишонарли бўлиши керак. Танқидни ҳеч ким яхши кўрмайди, дейишади; лекин самимий, меҳрибон ва талабчан танқидни талантли ёшлар ҳурмат қиладилар. Мен қаердадир бир айтган эдим: фақат қоғоз гул ёмғирдан кўрқади.

\* \* \*

Ёшлар ижодида яна бир муҳим масала шуки, биз ёш адабиётда жанрлар, услублар ранг-баранглигига етарли эътибор бермаяпмиз. Қисса, ҳикоя, шеър – жанрлар ҳозирча шулардангина иборат.

\* \* \*

– Вақтнинг ўтишини қаранг-а! Янги йилни яқиндагина кутмаганмидик? Мана тагин остонага келиб турипти...

Айниқса, янги йил арафасида бу хилдаги гапни кўп эшитасиз. Биров буни шўхлик билан айтади, биров – фалсафий бир ўйчанлик билан. Лекин барибир маъноси битта: умр ўтяпти...

Янги йил байрамими зап ўйлаб чиқаришган-да! Шу байрам бўлмаса, одамлар тўтпланишиб хушчақчақлик қилишмаса борми, ҳар ким ёлғиз қолиб, кўнгилсиз ўйларга толар, эзилиб кетар эди.

*Эски йилнинг сўнги дақиқаларида ҳар қандай одам ҳам бир зум хаёлга берилмай иложи йўқ. Ўтмиш билан келажакнинг чегарасида тургандай бўласиз. Ўтган йиллар, ҳатто ҳозиргина ўтган дақиқалар ҳам қайтиб келмайди, улар жуда узоқ, келажак эса – яқин. Келажак ҳали сенинг қўлингда. Ўтмиш эса...*

Борди-ю, у беҳуда ўтган бўлса-чи? Беҳуда ўтган умрни эслашдан ҳам катта фожеа борми!

Бекор ўтган соатларни-ку унча эсламаймиз, улар унутилади. Аслида улар ҳам ҳар бири кичик бир фожеа. Чунки уларни йиғиб келсангиз, умрнинг ўзи бўлмаса ҳам, унинг маълум бир қисми зое кетганини англайсиз. Умрнинг “маълум қисми”да кимдир илмий иш ёқлайди, кимдир жаҳонни кезиб чиқади, кимдир араб тилини ўрганиб олади, кимдир...

Кимлардир уни тун бўйи магнитофон атрофида “чақчақлашиб”, ёки чарчамаган бўлса ҳам куни билан “мириқиб” ухлаб, чойхонада кечгача лақиллашиб, ёки телевизорга томошабин эмас, унда нима кўрсатса қаторасига бепарво кўраверадиган телекул бўлиб, бекорга ўтказиб юборади.

Ўзининг бой маънавий дунёси, зарур ўйлари бўлмаган одам тез зерикади, ёлғиз қолишдан кўрқади.

У пулини ҳам, вақтини ҳам улфатчиликда баҳам кўришга уринади.

– Бир лақиллашиб келайлик бекорчиликда... – дейди ўзига ўхшаганларга.

Бир қарорга келишади-да, шиша-пиша олиб, вақтни “ўлдиргани” кетишади. Соатлаб фойдасиз гап, нархи-наво ҳақида, кимнингдир хотин қўйиши ҳақида...

Биз улфатчиликка, кўнгил очадиган учрашувларга, бир-бирининг маънавий таъсирига муҳтож одамларнинг самимий ўтиришларига қарши эмасмиз. Аммо вақтини қаёққа қўйишни билмайдиган одамлар борлиги ажаблантиради. Соатларни аямайдиган одамлар умрнинг шу соатлардан ташкил топишини ўйлармикин?

“Э, ўладиган дунёда...” дейиши мумкин баъзилар.


Афлотун отишга ҳукм қилинган куни кечаси билан ўтириб тор чалишни ўрганган эмиш. “Эрталаб ўладиган одам бу хунарни нима қиласиз?” дейишса, “Бунини ўрганиш учун эртага вақтим бўлмайди, ахир”, деб жавоб берган экан.

Умр битта. Одамнинг билладиган, ўрганадиган, кашф этадиган нарсалари эса беҳисоб. Маъноли ўтган умр – бир мўъжизадир. Беҳуда ўтган умр эса... бу ҳақда Алишер Навоийдан ўтказиб айтиш қийин:

*Камол эт касбким, олам  
уйидин  
Сенга фарз ўлмагай гамнок  
чиқмоқ.  
Жаҳондин нотаом ўтмоқ  
бияйниҳ  
Эрур ҳаммомдин нопок  
чиқмоқ...*

**Адибнинг “Ёш дўстларимга” китоби асосида тайёрланди.**





# СУВ

– Ўз оёғи билан жилдирабгина келмаган сув сувлик қилади-ми?! Кетаман бу Саҳройи кабирдан... кетама-ан-н!

Дилшод шундай дея ўрнидан сапчиб турди-ю, деразадан ташқарига термилди. У аввал ҳовлисидаги қовжираб қолган дарахларга, сўнг тик тепалик ёнбағридаги ёлғизоёқ йўлда челакининг оғирлигидан зўрға одимлаётган кўшни болаларга қаради. Шарқираб оқаётган сойнинг тошлоқ соҳили бўйлаб юрган нигоҳи ниҳоят Бештут қишлоғига тушди-ю, тагин дарди янгиланди.

У ўттиз беш йиллик умри кечган Бештутга ҳасад ва надомат аралаш боқар экан, ота ҳовлиси у ёқда қолиб, ўртанча акасининг ўрнига – Яккатепадаги уйга куни қолганидан ўқинар эди. Аслида-ку, Яккатепа ҳам киши ҳавас қилса арзигулик жой эди. Бундан уч йил бурун ҳам сой бошидаги кичик булоқ Бештутга, бироз юқорида жойлашган катта чашманинг суви эса терак бўйи баравар баландликдаги тошариқдан Яккатепагача бемалол борар, ўн-ўн беш чоғли хонадондан ортгани эса у тиклаган молхонанинг ёнгинасидан сойга эниб кетарди. Шунинг учун ҳам отаси Турди полвон уни бу ёққа кўчираман, деганида кўп ҳам дили оғримаган, қайтанга, пул топаман деб шаҳарма-шаҳар, юртма-юрт кезиб кекса ота-онасини ёлғизлатиб кўйганидан уялган ва кўч-кўронини ўз ихтиёри билан кўтариб келганди. Не касофат урдик, у кўчган йили кузакда сел келиб, тепадаги булоқнинг ўзанини ювиб кетди. Энди ёрдан сувнинг шилдираши эшитилади-ю, ўзи кўринмайди, ёмғир тўхташи билан тепа қишлоққа борадиган ариқнинг ўзани тарс-тарс ёрилиб кетади. Шундоқ ҳам лалми ғаллаю баҳорги яйловдан бошқасига ярамайдиган бу кенгликда яккатепаликлар қўл чайишдан тортиб ичимлик сувигача сойдан ташиб, кун кўрадиган бўлиб қолишди.

Дилшод шулар ҳақида ўйлар экан, синфдош жўраси Анварнинг гапи ёдига тушди:



**Боборовшан  
ҒОЗИДДИНОВ**

1988 йили туғилган.  
Ҳикоя ва эсселари  
марказий нашрларда  
эълон қилинган.

– Ўзинг ўйлаб кўр, пастга энган сувнинг йўлини тўсиб бўладими, а? Сен насос ўрнатаман, қишлоққа сув чиқараман, дейсан. Лекин элнинг оғзига элак тутиб бўлармиди?! Минг йил ўтсаям, ҳамсояларинг Ойсифатнинг касофати уриб, насосдан сув ичадиган бўлиб қолгандик, дейди.

Дилшод шам ёруғида бурқсиётган тутунданми ёки Анварнинг сўзларини тушунмаганидами, юзини тириштириб, навбатдаги қадаҳни даст кўтарар экан:

– Тушунмадим, нимага хотинимнинг касофати уради, – деди кўнгли ҳам емакхона каби қоронғилашиб.

– Лекин қойилман сенга! Билиб туриб билмаганга оласан-а?! Ўзингча мардлик қиламан дейсан-да! ...Полвон сени нима учун бадарға қилганини бутун халқ билади-ку!.. Хотининг ҳар икки кунда шаҳарлик бегона эркакнинг машинасида шунча йўлдан ёлғиз келса... Нима, Бештутнинг таксисига ўт тушганми, а? Бир балоси бўлмаса...

Дилшод кейин нима бўлганини эслай олмайди. Аммо эртасига чап қовоғи шишиб, афт-башараси тирналганидан киши танимас қиёфада уйғонди. У ичидаги оловни ўчириш учун совуқ чойни ютоқиб хўтларкан, эшикдан кўриниш берган Ойсифатга қарата кўлидаги чойнакни улоқтирди. Ўша кун кечгача эр-хотиннинг жанжали тинмади. Ахийри Ойсифат: “Қандай қасам ич десангиз, ичайин! Кет, десангиз кетайин, лекин бундай номаъқулчиликни қилмаганман! Неча марта айтай, у узоқ қариндошим бўлади, икки марта олиб келиб қўйди. Шундаям текинга эмас, пулини санаб кўлига берганман!” – деб туриб олди.

У хотинининг бу гапларидан сўнг не қиларини билмай қолди. Аслида, аелидан шу вақтгача кўнгли тўқ эди. Ҳозир ҳам унга жон-жон деб ишонишга тайёр. Аммо анави маломат гаплардан сўнг унинг қаршисида икки йўл бор: ё Ойсифатга ишониб, барига қўл силтаб яшаш ёки ажрашиб, болаларини ўзи билан олиб қолиш! Лекин ҳар икки ҳолда ҳам фарзандларига жабр бўлади. Илло, кун келиб бу миш-мишлар лаънат тамғасидай уларнинг юзига ботса, додини кимга айтади?! Дилшод шулар ҳақида ўйлай-ўйлай, ғийбатлардан қочиб, ҳеч ким танимайдиган, билмайдиган узоқ шаҳарга кўчиб қутулиш керак, деган қарорга келди.

“...Кетаман бу Саҳройи кабирдан... кетаман-ан-н!”

Дилшоднинг сўнгги сўзлари Турди полвонга тошдай оғир ботди. Полвон жуссасини тик тутмоқчидай, орқадаги ёстиққа суянганча бошини кўтариб, ҳамон дераза қаршисида турган ўғлига:

– Берман кел, – деди.

Дилшод истамайгина онасининг ёнига чўккаллади. Сўнг:

– Ота, тўғрисиям шу! Бу ердан кўчмасам бўлмайди, – деди.

Ҳеч бир гапдан хабари бўлмаган полвон ўғлининг бу сўзидан баттар аччиқланиб:

– Шунча одам не бўлса, сен ҳам шу! Сувни бор-сакелмасдан ташисанг ҳам, қишлоқдан бир қадам нари кетмайсан! Бегона элда болаларинг кимнинг кўлига тикилади-а? Топган баҳонанг – сув, сув! Ана, сой тўлиб оқиб ётибди. Бир кунда икки сатил кўтариб чиқсанг, ўлмайсан! Шаҳар кўриб, жуда назиклашиб қолган бўлсанг, энанг иккимиз ташиб берамиз! – деди. Шу билан ота-бола ўртасидаги музокара ниҳоясига етди. Дилшод бошқа бир оғиз ҳам гапирмади. Полвон бунга ўзича тушуниб, кампирини олдига солиб, уйига жўнади. Икки кун ўтар-ўтмас, Дилшод яна ўша пултопар ишини ахтариб, аллақайси шаҳарга равона бўлди. У кетди-ю, ортидан гап болалади: “Дилшод пул йиғаётган эмиш”, “У шаҳардан данғиллама бир ҳовлининг савдосини пишитиб қўйганмиш...”.

Бунга эшитган полвон келинини қистовга олди. Аммо Ойсифат: “Билмадим, аниқмас”дан нарига ўтмади. Чол бундан бироз таскин ҳам топган эди, тагин миш-мишлар баттар авж олди. Ўша ғийбатлар билан аралашиб, келини ҳақидаги гап-сўз ҳам қулоғига етди. Шундан сўнггина полвон Дилшоднинг нега “кўчаман”га тушиб қолганини фаҳмлади. Яккатепаликларнинг: “Бу гаплар рост бўлмаса, шунча йилдан буён оқиб ётган булоғимизни сел олиб кетармиди? Полвоннинг келини келиб, қишлоғимиздан файз кетди”, деган гапи унинг гарданига чилвирдай ботди. Бир кўнгли ўша шаҳарлик таксичи билан келинини хумордан чиққунча қамчиламоқчи ҳам бўлди. Аммо бу туҳмат тошидан бўлак нарса бўлмаса, юзи шувут бўлишидан чўчиб, шаштидан қайтди. Тагин сой бошидаги булоқ ёдига тушиб, тўриғининг бошини ўша томонга бурди.

Турди полвон йилқини ўз ихтиёрига қўйиб кетаркан, ўргимчак тўрига илинган ўлжа янглиғ хотиралар гирдобидида қолган эди. Хув ўшанда, булоқни сел ювиб кетган пайтда полвон яккатепаликларни йиғиб, қишлоққа сувни қай йўсин қайтариш мумкинлиги ҳақида гап ташлаган эди. Бунга ҳар ким ҳар турли сўз айтса-да, гап равиши полвоннинг ўзига бориб тақалган ва сувни қайтариш имконсизлиги алланечук тушкун бир оҳангда айтилган эди. Ўшанда ўғлининг ён кўшниси Рустам: “Ҳа, энди, полвон бобо, сувни пастга қаратиб тортиб кетган бўлсангиз,

ўзингиз қайтариб берасиз-да! Лекин бу бизнинг қўлимиздан келадиган иш эмас. Форнинг чуқурлигини бориб кўрдингизми?” деган эди. Турди полвон эса бу гапларни шунчаки ҳазил билганди. Энди ўйлаб қараса, Рустамнинг ҳар бир сўзида аччиқ киноя, коса тагида ним коса бор экан. Турди полвон ўша гапларни эслар экан: “Элнинг олдида бўларимча бўлган эканман-ку!” дер ва ер ёрилишини кутиб ўтирмаёк, тупроқ тагини макон тутгиси келиб кетарди. Ахир, орияти тоғдан баланд бўлган киши учун бу каби сўзлар ўлим билан баробар эмасми?! Боз устига бир замонлар Эшмат тўқимчи кўшни аёлга ёвқараш қилгани учун уни эл олдида шармисор қилиб, бу ерлардан бош олиб кетишига сабабчи бўлган ҳам Турди полвон эди. Мана энди келини... Ўрни келса тоғни ҳам жилдиришга қурби етадиган полвоннинг қадди бу ғамдан дол бўлди. У бир куннинг ўзида яна етмиш ёшни яшаб ўтди. Йиллар аёвсиз чизиқ тортган юзи ғамдан қорайиб, соч-соқоли бирдан оқаргандек бўлди. У Дилшодни фарзандларини ёлғиз ташлаб, ойлаб, йиллаб йўқолиб кетгани учун бўралаб сўкар, хаёлан ўғлини ҳам, келинини ҳам ўлгудек қилиб дўппосларди. Тагин Ойсифатнинг бундайин телбалик қилишига ишонмас ва шу чоқда яккатепаликларга қарата: “Кўнгилларинг бир ютум сув билан тўладиган бўлса, челақлаб бошларингдан куйганим бўлсин!” дерди. Сирасини айтганда, полвоннинг кўнгли ғийбатпараст ва лоқайд қишлоқдошларидан ҳам, улар нафас олаётган ёруғ очундан ҳам совиб кетганди.

Полвон шунга ўхшаш ўйлар билан булоқ бошига қозиқ қоқиб, хуржундаги узун арқоннинг бир учини унга боғлади. Бошқа томонини эса ғорга ташлаб, арқонга осилганча пастга тушди. Полвон унинг тубига етганда тиззасига уриб оқаётган муздек сувдан бошқасини ҳис этмас, қоронғида кўзига

ҳеч нарса кўринмас эди. Одам бурилиб олиши мушкул бўлган торгина чуқурнинг чор тарафи тош билан ўралган, сувнинг қаердан чиқиб, қай томонга кетаётганини билиш мушкул эди. Умрининг етмишинчи довонидан ошиб ўтган чол совуқдан дирдираганча дам қўли, дам оёғи билан пайпаслашиб, сув оқиб кетаётган жойни ахтарарди. Ниҳоят, аввал сув чиқаётган, сўнг сингиб кетаётган ерни топди. Форнинг тубидан бир қарич тепа жойдан сув қайнаб чиқар, бироқ одамнинг белидай келадиган ёриқ уни ютиб юбораётган эди. Полвон ғор тубидан тош ахтарар экан, яккатепаликларни ҳам, ўғли Дилшодни ҳам койий бошлади. Ахир, сув кетаётган жой унчалик катта эмас экан. Улар бўлса кўрмай туриб: “Сув бундай жойда пастга қараб кетдим, олдини тўсишнинг фойдаси йўқ”, деганди.

– Ё, тавба, – деди полвон Дилшод билан юзма-юз сўзлашаётгандай, – битта тош билан битадиган чуқурни деб шундай ердан кўчиб кетаман, дейсан-а?! Мана, энди уйинг тепасидан бир ариқ сув оқиб турсин-чи, кўчиб қаерга бораркансан!

Турди полвон шунга ўхшаш ўйлар ичра қўлига илашган тош билан сувнинг йўлини тўсди. Аммо тошнинг бўртиғи кўтариб қолдим, тошнинг тагидан сув кетиши тўхтамади. Полвон бироз энгашиб, тошни оёғи билан тепди. Фойдаси бўлмади. Тагин қаттиқроқ бир ҳаракат қилган эди, кўяётган тўсиғи барабар оёғи ҳам чуқурнинг нариги тарафига ўтиб кетиб, сони тош орасида сиқилиб қолди. Турди полвон оёғини тортиб олишга қанчалик уринмасин, мажולי етмас, ёриққа тўсиқ бўлиб қолганидан сув сатҳи кўтарилиб борар эди. Полвон боягидан ҳам баттар дир-дир қалтирар, шу баробарда пешонасидан аччиқ тер куйиларди. Оёғини чиқариб олишга беҳуда уринар, кимдир ичкарига қараб тортаётгандай эди. Ғор тепасида боғлиқ турган от эса хавфни олдиндан пайқагандек, ер тепсиниб, қисқа-қисқа кишнар ва қозиғи атрофида тинимсиз айланарди. Ғор эса сув билан тўлиб борарди. Полвон борган сари ҳолсизланар, ҳамон оёғини тортиб ололмай сарсон эди. Ниҳоят, забонсиз жонивор бор қувватини йиғиб, олд оёқларини ҳавода ўйнатганча силтаб, арқонини узди-да, қишлоқ томонга шиддат билан югуриб кетди. Тўриқнинг шиддати вужудига сиғмасди. Қулоқлари орасидан визиллаб ўтаётган совуқ шамол ва ҳожасининг ғами аралаш кўзёши шашқатор бўлди. Яккатепанинг уч йилдан буён қуруқшаб ётган тошариғида шилдираб сув оқа бошлади.



## Боборавшан Ғозиддиновнинг

### “Сув” ҳикоясини ўқиб...



**Қўчқор Норқобил,**  
ёзувчи:

– Боборавшаннинг ҳикоясини ўқидим. Бошида анчайин майдагаглик қилибди-да, деган фикрга келдим. Ҳе йўқ, бе йўқ, бир элни (ўз қишлоқдошларини) бунчалик бачкана одамларга чиқариш шартмикин-а, деб ўйладим. Нима эмиш, Дилшоднинг хотини шаҳардан таксида келибди. Шунга доим оқиб турган булоқ қурибди, хотиннинг наҳси урибди – хулоса шу-да энди. Мўлжал нотўғри олинган; асосий ғоя, фикрни очиб бериши керак бўлган, “ҳикоя дарахти”ни

гуллаб-яшнададиган, қойил-е, дейишга мажбур қиладиган илдиз мўртроқ. Кейин... Қишлоқ одамлари характери, қаҳрамонлар тақдири айтарли очилмаган.

Ҳикояда чол образи (Турди полвон) оғир, босиқ, вазмин, ориятли, ўзбекнинг оқ-қорани таниган “бово”си сифатида анча жонли гавдаланади. Чолда характер бор! У ишни билиб қилади. Турли шубҳа-гумонлар, майда-чуйда гаплардан баланд турадиган одам. Ахир шундай одамлар бўлмаса, бу дунёни сув олади, деб ўйлайсан. Ижодкор укамиз Боборавшан ҳам мана шу тутумни маҳкам ушлаб олган. Бу яхши, албатта. Чол номусни номуносибдан эмас,

ўз қалбидан топадиган шахс. Шунинг учун ҳам “майда доғдан маддаланган яра”ни – қишлоқда оралаган ғийбатни таг-таги билан қуриштириш учун жонини жабборга беради – кўзига ўз ҳаёти кўринмайди.

Ҳикояда рамзий маънода сув образи поклик, эзгулик тимсолида асосли келтирилган. Боборавшаннинг сўз устида ишлаши сезилади. Тили равон.

Ҳикояда ечим ўрнида. Асар сўнгида ўсиб чиққан “чўққи” ҳикоядаги айрим нуқсонларни ювади. Ҳикояни ўқиса арзийди. Боборавшан ҳали мукамал асарлар ёзиш йўлида.

Бунга эришсин, ишқилиб. Ёруғ йўл тилаймиз-да! Яхшиям, умид бор! Шунисига шукур.



**Дилмурод Холдоров,**  
тадқиқотчи:

Ҳикоя тағматнида тинч-тотув умргузаронлик қилиб келаётган қишлоқ ҳаётига майда гаплар аралашши оқибатида келиб чиққан фожиаларни тасвирлаш мақсад қилиб олингани сезилиб туради.

Ёзувчи “Бир замонлар Турди полвон “Эшмат тўқимчини қўшни аёлга ёвқараш қилди”, деб, унинг қишлоқдан бош олиб кетишига сабабчи бўлган эди. Мана шу кўргиликлар ўзининг бошига ҳам фарзандлари орқали тушди. Дилшод осон бойлик топаман деб юртма-юрт кезиб юрмаганида хотини ҳақида бундай гаплар

бўлмасди. Қишлоқ эркакларининг майдагаглиги бутун фожиаларга сабаб”, демоқчи бўлади. Бироқ ҳикояда ёзувчининг ана шу мақсади сезилмай қолган.

Ижодкор асар ёзишдан аввал ўқувчига айтажак гапини аниқлаштириб олиши лозим. Асарда қўлланган барча воситалар ана шу мақсадни ёритишга қаратилиши керак. Ҳикоя қаҳрамони Дилшоднинг: “Ўз оёғи билан жилди-рабгина келмаган сув сувлик қиладими?! Кетаман бу Саҳройи кабирдан... кетама-ан-н!” деган нидолари гарчи Тўхтамурод Рустамовнинг “Капалаклар ўйини” романи қаҳрамони ҳайқиригига ўхшаб кетса-да, унчалик ишончли эмас. “Сувнинг ўз оёғи билан келиши”, от ҳақидаги “забонсиз жонивор бор қувватини йиғиб, олд оёқларини ҳавода ўйнатганча силтаб, арқонини узди-да, қишлоқ томон югурди” тасвирлари ҳам ўқувчини ишонтирмайди. Аввало, Турди полвон отни боғлагани ҳақида бирор гап йўқ. Иккинчидан, от онгли мавжудотдай ҳаракат қила олмайди.

Адабиётшуносликда гендер психологияси деган тушунча бор. Ижодкор асар қаҳрамонларини ўз табиатига кўра тасвирлаши лозим. “Сув” ҳикояси қаҳрамонлари Рустам, Анвар эр кишилардек сўзламайди. Аксинча, аёлларга ўхшаб майдалашиб кетган.

Боборавшан Ғозиддинов мавзу танлашда адашмаган. Ҳақиқатан, инсониятни ёмонликлар, лоқайдлик таназулга олиб боради. Қаердаки шу иллатлар авж олса, барча кўргиликлар шу жойда рўй беришидан ташвишга тушади. Тафсилотларни шундайлигича эмас, бадиият талаблари доирасида тасвирлашга ҳаракат қилади.

Ҳикоя уч тугун асосига қурилган. Шулардан Турди полвон тасвиригина ниҳоясига етгандай кўринади. Чунки Турди полвондаги мардлик, фарзандлар, қишлоқдошлари олдидаги масъулият, бурч яхши ёритилган. Бироқ Дилшод, Ойсифат образлари тугалланмай қолган.

Боборавшан Ғозиддиновда ният яхши. Фақат ниятни амалга ошириш учун анча меҳнат қилиш талаб этилишини ҳам унутмаслик керак. Ўқувчига ҳавола қиланаётган бадиий асар мукаммал бўлсагина, чинакам санъат асарига айланиши, умрбоқийлик касб этиши мумкин.



**Аслиддин Жарқинов,**

Навоий давлат педагогика институти талабаси, “Истеъдод мактаби” VII республика ёш ижодкорлар семинари иштирокчиси:

– Бадиий асарнинг яхлитлигини, аввало, унинг ифодалаган мазмуни белгилайди. Асарларда акс эттирилган конфликтлар, ҳолатлар, қаҳрамонлар характери ва хатти-ҳаракатлари умумлашиб, ягона ғоя – эзгулик ғоясига мужассамлашади. Зеро, адабиёт жамият маънавиятининг ўзаги ҳисобланмиш одоб-ахлоқ мезонларининг мустаҳкамланишига, кишилар шуури ва руҳиятига сингишига хизмат қилмоғи лозим. “Сув” ҳикоясида ёзувчи кишиларнинг ташналикдан безигани ва улар характеридаги бир-бирига негатив эмоциялар орқали бир инсон фожиасини тасвирлаб беради.

Бештут қишлоғидан Яккатепага “бадарға” қилинган Дилшод уч йил олдин яккатепаликлар бошига тушган ташвишнинг сабабини кузда келган селдан кўриб адашган экан. Қишлоқ аҳли бу кўргиликни унинг хотини Ойсифатнинг қадам олишидан кўриб юради. Воқеа ривожига Дилшоднинг синфдош жўраси Анварнинг очикча таънаси келтирилган лавҳада конфликт туғдиришда шошқалоқликка йўл қўйилгани кўринади. Турмушда қадрдонлардан бундайин калака ва дашномни эшитиш учрамаса керак. Ҳар ҳолда, Анварнинг “яқинлик мавқеи” бироз кўйроқ бўлганда яхши бўлармиди?! Дилшоднинг отаси, ориятли Турди полвонга ҳам иснодни кўтариб юриш мушкул келади. Турди полвон характерига юкланган ғоявий вазифада унинг кўнгли “ғийбат-параст ва лоқайд қишлоқдошларидан ҳам, улар нафас олаётган ёруғ очундан ҳам” совиганига қарамай, ўз номуси учун кураш, ўзи ва насли поклигини исботлаш мақсади ўқ илдиз қилиб олинган. Шундай бўлса-да, композицион қурилиш ва бадиий концепция нуқтаи назаридан

ҳикоянинг бош қаҳрамони ким эканлиги тугал англашилмайди.

Ёзувчи қаҳрамонлар тақдирига ҳам, сюжет динамикасига ҳам кескин аралашмайди. Сиқик жумлалар, қисқа тафсилотлар орқали ўқувчи тасаввурда бутун ҳолат ойдинлашиб бораверади. Аммо қаҳрамонлар характери қирраларида номукаммаллик, ясамалик кўринади. Чунончи, “бир замонлар Эшмат тўқимчи кўшни аёлга ёвқараш (ноўрин мажоз) қилгани учун уни эл олдида шармисор қилиб, бу ерлардан бош олиб кетишига сабабчи бўлган”, номуси баланд Турди полвоннинг эл ичида келини Ойсифат ҳақида юрган гаглар хусусида хабар топганидан кейинги тасвирларда ўқувчи полвондан “қадди ғамдан дол” бўлишини эмас, кескинроқ реакцияни кутади.

Замонавий ўзбек насрида содда, орқаш, мағрур чолларнинг типик образлари яратилган. Турди полвон образини ҳам шу йўлдаги бир уриниш деб қабул қиламиз, Боборавшан Ғозиддиновдан эса келгусида янада пишиқ ҳикоялар кутиб қоламиз.



**Азизбек АНВАР**

1983 йили туғилган.  
Ўзбекистон Миллий  
университетида таҳсил  
олган. “Биринчи китобим”  
руқнида “Яхши кунлар”,  
шеърый тўглами чоп  
этилган. Сўнгра “Сени яхши  
кўраман жуда”, “Осмоннинг  
охири” китоблари нашр  
қилинган.  
“Ўзбекистон белгиси”  
кўкрак нишони билан  
тақдирланган.

## Севгидан яралган қақнус юрагим

*Сен келсанг*

*Зимистон кулбанинг даричасидан  
Кириб келганидек офтобнинг нури,  
Саҳарнинг айнаи шу дақиқасида  
Анлангани каби кўклам сурури,*

*Сен келдинг. Ҳаётдан зериккан хона  
Лаҳзада кўнглимдек кетди ёришиб.  
Туйғулар қуртакдек кўз очди яна,  
Нафасим баҳорий бўйга қоришиб.*

*Не тонгки, сунбула чоғида ҳамал  
Хонамга улашди файзу тароват.  
Кўзларим кўзингга тушигани маҳал  
Қалбимнинг қаърига етди ҳарорат.*

*Нигоҳи сеҳрли, нурли малагим,  
Гулга айланади кафтингда майса.  
Севгидан яралган қақнус юрагим  
Кул бўлади исминг айтмайин қўйса.*

*Таширфинг мен учун шодлик айёми,  
Эй менинг бахтимдан ўтлуғ нишонам.  
Ҳеч қачон тушмасин айрилиқ шом,  
Ёғдуларга тўлсин кўнгил – ишқхонам!*

## Аразинг

*Аразинг тил учида,  
Ёлгон араз урасан.  
Билман-ку, ичингда  
Мени яхши кўрасан.*

*Боринг, дейсан ўпкалаб,  
Қолинг, дейди нигоҳинг –  
Талпинади иккала  
Боладек бегуноҳинг.*

*Қошинг ўсма баргидай,  
Киприкларинг қайрилма.  
Сенгинадан ўргилай,  
Менгинадан айрилма.*

*Кўзларингдаги чўгинг  
Яшириб не этасан.  
Келганида аччигинг,  
Ширин бўлиб кетасан.*

*Қалбинг айладим асир,  
Ким қутқариб олади.  
Қутулсанг ҳам барибир,  
Кўнглинг менда қолади.*

*Қошинг ўсма баргидай,  
Киприкларинг қайрилма.  
Сенгинадан ўргилай,  
Менгинадан айрилма.*



## Энг зерикарли кун

Кўча буткул ҳувиллаб қолди,  
Чиқмагансан бугун уйингдан.  
Борлиқ оғир хаёлга толди –  
Паришондир сенинг ўйингда.

Автобуслар, метро поезде  
Судралади гарангсиз боши.  
Ер бағрини беаёв эзди  
Зерикарлининг зил-замбил тоши.

Дайдиб юрар аёз саргариб,  
Хира тортган қунишиб қуёш.  
Маънос турар дарахтлар гариб,  
Осмон тайёр тўқмоққа кўзёш.

Ҳар бир лаҳза асрларга тенг –  
Калавада қотган тугундай.  
Инсоният тарихида энг  
Зерикарли кун ўтди шундай.

## Азизим

Муҳаббатларидан тўлмайди кўнглим,  
Енгил изҳорлардан зерикканман хўп.  
Гарчи чиройига термулганча жим  
Умрингни совурсанг арзийдиган кўп.

Қанча ёниб суйсам – шунча суюлдим,  
Сийқа такрорларда қайралди тилим.  
Фақат сенга боқиб тўхтаб-тийилдим,  
Билдимки, ёлғиз сен безавол гулим.

Кўнглимни ўзимдан аввалроқ билган –  
Эй латиф мўъжиза, беадоқ сеҳр.  
Дунёни кўзимга чарогон қилган  
Қуёшу ой эмас, сен берган меҳр.

Нелар ушоқлади қайгуларимни,  
Буюк тугёнларим қайларга кетди?  
Бутун ҳисларимни, туйгуларимни  
Синиқ ифодалар чалажон этди.

Муҳаббат маънисиз, ҳаммаси ёлгон –  
Мени шу ҳукмга ундайди ҳаёт.  
Лекин дил узмайман сендан ҳеч қачон  
Азизим, севгилим, эй Адабиёт.

## Қалб

Муқаддас маскан бор қалбнинг тўрида –  
Кавсарга ишора, равзага нишон.  
Тангри тажаллиси қатра нурида,  
Зиёга талпиниб яшайди инсон.

Ҳар қачон саховат айласа қай зот,  
Бир қадам ташлайди ўша маъвога.  
Кўнглини ҳасаддан этолса озод,  
Яқинлашиб борар буюк самога.

Дўстининг айбини кечирса дарров,  
Гина, кин сақламай жисму жонида.  
Ғийбатга гунг бўлса, туҳматга соқов,  
Сўзи равон келар Тангри ёнида.

Муҳтожга қўл тутса, ташналарга сув,  
Манзилга дамодам кетиб боради.  
Рост сўзни айтарда билмаса қўрқув,  
Аналҳақ бахтига етиб боради.

Дуогўй чолларнинг насиҳатидек  
Бу гаплар шунчаки айтишга осон.  
Кўпга насиб этмас ижобати лек,  
Ҳамма йўл бошида шайтон бор, шайтон.

Унинг ҳийлалари – ишрат, сийму зар,  
Бандага мангу бахт ато этгудай.  
Кўксига заррача нафси бўлса гар,  
Ҳатто фаришталар оғиб кетгудай.

...Такрор чорлайверар равзаи ризвон,  
Висоли энг олий саодат демак.  
Қалбининг тўрига етолса инсон,  
Бу дунё жаннатга айланар бешак!



**Севинчой ЁҚУБОВА**

1996 йили туғилган.  
Низомий номидаги  
Тошкент давлат педагогика  
университетининг  
ўзбек тили ва адабиёти  
факультети талабаси.  
Илмий ва бадиий ижод  
билан шуғулланади.  
“Истеъдод мактаби” VII  
республика ёш ижодкорлар  
семинари иштирокчиси.



*Шоир Шоди Отамуроднинг “Биринчи китобим” рукнида чоп этилган “Согинч ранглари” тўпламида жамланган шеърларнинг поэтик жозибаси, ижодкорнинг одам, ижтимоий ҳаёт ва борлиқ ҳақидаги фикр-мушоҳадалари эътиборни тортади. Мутолаа жараёнида муаллиф дарди, қалб кечинмалари, кўнгил талпинишлари, умуман, маънавий-руҳий оламига хос рангин жилвалар қалбимизга кўчади ва бизни ҳам жиддий мушоҳадалар сари ундайди.*

*Шоди Отамуроднинг “Согинч ранглари”даги дастлабки шеърига Абдулла Қаҳҳорнинг “Адабиёт атомдан кучли” деган фикрини эпиграф сифатида танлаши бежиз эмас. Бу жумлада неча минг йиллар оша инсониятга гўзаллик, диёнат, одамийлик, самимиятдан сабоқ бериб келаётган мўътабар Сўзга эргашиш тилаги жо бўлган гўё. Шоир эса соҳир сўздан тикланган муаззам қалъанинг содиқ бир фуқароси бўлишдан гоятда бахтиёр. Лирик қаҳрамон Сўз олдидаги масъулиятни теран ҳис қилади, унга хиёнат қилмасликни дилга тугади:*

Шеърят! Сен ўзинг гўзал диёнат,  
 Майли, сенда яшай каму кўст билан.  
 Шеърят! Мен сенга қилсам хиёнат,  
 Юрагим портлатиб юбор сўз билан.

Шоди Отамурод – ўзига талабчан, шеърятнинг улуг қудратига ишонган шоир. У ёзганлари ҳозирча тўқис эмаслигини-да илгайди, аммо сўзга нисбатан қилинган зигирча хиёнатни кўнгилга, юракка нисбатан диёнатсизлик – жазога маҳқум амал деб билади. Бурчга садоқат, масъуллик туйғулари изҳоридаги ифода кескинлиги ва кескирлиги қаламкаш қалбида етилган қатъиятни яққол намоён этади.

Китобга кирган шеърлар мавзу йўналишига кўра ранг-баранг. Шоир беғубор болалик, мунис она, меҳрибон Ватан, бокира севги, гўзал табиат каби бир-бирини тўлдирувчи ва инсон қалбида уйғунлашиб, унга ўзликдан хабар берувчи тушунчалар ҳақидаги кечинмалар, орзу-армонлардан сўз очади.

Ижодкор фикр, туйғу ва кечинмаларни қозғоғга кўчирибгина қолмай, китобхонга таъсир этиши ҳақида ҳам қайғуриши керак. Абдурауф Фитрат “Шеър ва шоирлик” мақоласида “Шеър надур?” деган саволга жавоб бериб, шеърда жўшқинлик ва ҳарорат, фикр ва туйғуга таъсир этувчи қудрат бўлиши зарурлиги, юрак сезимлари ўз ифодасини топиши муҳимлигини таъкидлайди. “Шеърда, – деб ёзади олим, – кишиларнинг қонини қайнатгучи, сингирларини ўйнатгучи, миясини титраткучи, сезгусини кўзгатгучи бир куч, маънавий бир куч бор. Шундай бир кучи бўлмаган сўз вазн ва қофияси бўлсун, шеър бўла олмайду... Шеър юрак сезгиларини кўрсатмақдир. Вазн ва қофия эса сўзнинг беағидир”<sup>1</sup>. Менимча, Шоди Отамурод шеърлари юқоридаги талабларга дош бера олади.

Устоз Озод Шарафиддинов таъкидлаганидек, “Лирикадаги поэтик образ фикр ва туйғунинг узвий бирикишидан тугилади”. Демак, бундай уйғунлик фазилати бўлмаган тизмаларни тўлақонли шеър деб ҳисоблаш ҳам мумкин эмас. Лирика учун фикр ва туйғу қанчалик зарур бўлса, уларни юзага чиқарувчи поэтик образ ҳам шунчалик муҳимдир.

## ОВОЗИМ

Овозим – энг оғир байроқ,  
 Гўё ерга тўшалган гилам.  
 Мабодо, мен кўтарсам баланд,  
 Симторлардай титрайди олам.

Овозим – бу энг оғир куйдир,  
 Куйдирки, ҳеч йўқдир поёни.  
 Мабодо, мен кўшиқ куйласам,  
 Кўшиқ босиб қолар дунёни.

Шоди Отамурод бир шеърда:

Бир сиқим тупроқдан Ватан яралгай,  
 Бир тоза меҳрдан яралгай Ватан.  
 Шунинг-чун азалдан иссиқ дийдордай  
 Меҳрибон она деб аталгай Ватан, –

деб ёзади. Бутунни қисмда, қисмни бутунда ифодалаш асосидаги маъно кўчиши синекдох дейилади. Бу сўз санъати одатда нисбат бериш орқали юзага чиқади. Шоир бир сиқим тупроқ ва бир тоза меҳр каби моддий ҳамда маънавий тушунчалар замирида Ватан тимсолини кўради. Бу бизга ҳар қанча анъанавий туюлмасин, тупроқ ва меҳр (қисм) орқали (Ватан) бутунни ифода этиши ва унинг бағрида умргузаронлик қилиши меҳрибон она кучоғига менгзаши шоир кечинмалари миллий қадриятлардан униб чиққанини кўрсатади. Бундан ташқари, бу усул фикрнинг ихчам ва лўнда ифодаланишини таъминлаган.

Маиҳур рус шоири Сергей Есенин бир шеърда: “Шоир бўлмоқ – бу-ку тайин гап...”, деб ёзган эди. Шу фикрни давом эттирган Шоди Отамурод:

“Шоир бўлмоқ – бу-ку тайин гап...”  
 Танимоқдир ўзни, ўзликни.  
 Яшашим шарт, телба кўнглимга  
 Багишланган дафтар тузгани, –


деб ёзади. Кечинма ва фикрларини майин ва содда, таъсирчан ва самимий ифодалаш йўлида шоирга собитқадамлик тилаймиз. Токи у тузишга аҳдланган “дафтар” ўзга кўнглиларнинг ҳам дил мулкига айлансин.

1 Абдурауф Фитрат. “Шеър ва шоирлик”. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси. 1995 йил 16 июнь сони.



**Ҳамза  
ИМОМБЕРДИЕВ,**  
болалар шоири

1954 йил туғилган.  
Низомий номидаги  
Тошкент давлат  
университетини  
тамомлаган.  
“Кувноқлар қувончи”,  
“Шоколадхўрлар”,  
“Кулгу шаҳарчаси”,  
“Ғаройиб пуфак”,  
“Ойдаги томоша”,  
“Кутичадаги  
миттича”, “Лофчилар  
алдоқчилар”,  
“Ғаройибкент  
хангомалари”, “Бир  
кунлик мўъжиза”  
каби болаларга  
аталган шеърий  
тўғламлари нашр  
этилган.



Ҳамза Имомбердиев ўзбек болалар адабиётига чақмоқдек ёниб кириб келган шоирлардан эди. Унинг шеърлари 1975 йилдан босила бошлади. Кичкинтойларнинг ўзидай қувноқ, қутилмаган қофиялар билан безалган воқеабанд шеърлари китобхонларнинг

хотирасига михланиб қоларди. Ўта одамшаванда, оқибатли, муаллифларнинг қўлёмаларига нисбатан қаттиққўл, қаҳрамонларидай ростгўй, эркатой укаларимдан бири эди.

**Турсунбой АДАШБОЕВ,**  
болалар шоири

# Ёғар эди оппоқ қор



**Эъзога АЛИМОВА,**

1997 йили туғилган. Гулистон  
1-академик лицейи 2-босқич  
ўқувчиси.



**Дилнавоз НАЖИМОВА,**

Тошкент кимё технологиялари  
институтини қошидаги Чирчиқ академик  
лицейи ўқувчиси

## Ҳайрат

Эрта билан ҳовлига  
Чиқиб, қаради Билло.  
Ёғар эди оппоқ қор,  
Уни кўриб, бўлди лол.

Деди у укасига:  
– Кўчага қара, Акбар,  
Осмондан ёғаяпти  
Тўхтамасдан кўп шакар!..

## Баҳоройнинг саволи

– Ойи, нега исмиمنى  
Қўйгансизлар Баҳорой?  
Қандай маъно бор бунда,  
Оддиймасдир, ҳойнаҳой?

– Нафис, нозик бўлсин деб  
Шундайин ном қўйганмиз.  
Доим қувнаб юрсин деб  
Шу исмни суйганмиз.

Сен туғилдинг баҳорда,  
Исминг қўйдик Баҳорой.  
Унутма, она қизим,  
Бу исминг маънога бой.

– Нега унда, ойижон,  
Сизни дерлар Гулчирой?  
Туғилгансиз-ку ёзда,  
Исмингиз эмас Ёзой?..

## Олмаҳонга


Ёнғоқ чақмай тишингда,  
Бир ўзингга қара сан.  
Бунақада яқинда  
Тиш дўхтирга борасан

## Балиқ

– Нега балиқ ухласа,  
Кўзин очиб олади?  
– Чунки келса балиқчи,  
Зумда қочиб қолади.  
– Яхшику-я қочиши,  
Аммо тушади лаққа:  
Очиқ бўлса ҳам кўзи,  
Илинади қармоққа.

## Ерга таъзим қиламан

– Бинафшахон, бинафша,  
Ўзинг жуда эркасан.  
Лекин нега доимо  
Ерга бошинг эгасан?!  
– Тўғри айтдинг, дугона,  
Эркалигим биламан.  
Ахир, мен онажоним –  
Ерга таъзим қиламан.



# Лев Толстой қоидалари

**Буюк ёзувчи Лев Толстой 22 ёшида ўзи учун ҳаётий тартиб-қоидалар тузади ва унга бутун умр амал қилади. Ирода, фаоллик, хотира ва ақлий қобилиятни ривожлантирадиган бу йўриқлар сизу бизга ҳам катта фойда бериши аниқ.**

Ҳар қандай жисмоний машаққатга чида, қийналганингни бошқаларга билдирма.

Ҳар кун заифроқ биладиган тилингда шеър ёдла.

Қўлингдаги мулкнинг ўндан бирини эҳсон қил.

Ўн баробар бойиб кетсангда, ҳаёт тарзингни ўзгартирма.

Ҳар қандай нарсага ҳар томонлама назар сол – фойдасини ҳам, зарарини ҳам кўр.

Ўзинг билмаган ёки ёқтирмайдиган одамларнинг мақтовини олишга уринма.

Ҳар тонг кунлик режа туз ва уни албатта бажар.

Бошқаларнинг фикрини ўйлаб ўтиргандан кўра ўз устингда кўпроқ ишла.

Шуҳрат учун сарф-харажат қилма.

Ўзинг учун иложи борича кўп машғулот ўйлаб топ.

Бир ўзинг яқунлашинг мумкин бўлган ишга ёрдамчи талаб қилма.

Ҳеч қачон ҳиссиётларингни ошкор қилма.

Яқин кишингни ўзингдай яхши кўр, икки яқин кишингни эса ўзингдан ҳам кўпроқ яхши кўр.

Иложи борича кам ухла.

Ҳар тун кундузи ўрганганларингни такрорла.

Ортиқча нарсангни ўзинг учун эмас, жамият учун ишлат.

Яхшилик қилишга имкон изла.

Яхши бўл ва сенинг яхши эканингни ҳеч ким билмаслигига интил.


Бошқа одамларнинг ҳамиша яхши томонини изла, ёмон томонини эмас.

Ҳаммани бирдай яхши кўр, бу муҳаббатдан ўзинг ҳам четда қолма.

Элнинг муҳаббати учун майда туйғулардан воз кеч.

Шароит қанча ёмон бўлса, ҳаракатни шунча кучайтир.

Бирор ишни бошласанг, охирига етказмай ташлаб кетма.



Бор нарсаларга қаноат қил.

Яқинларингнинг ҳаёти ширин бўлишига ҳисса қўш.

**Ориф Толиб** тайёрлади.



# Қаватма-қават



**Фаррух ЖАББОРОВ**

1985 йили туғилган. 2007 йили Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, 2012 йили Ўзбекистон Миллий университетини тамомлаган. “Мен қайтиб келаман” (Тоғай Мурод замондошлари хотирасида) китоби, “Олтин кўприк” ёш ижодкорлар тўплами, “Ахборот асрида таълим-тарбия” китобини нашрга тайёрлашда иштирок этган. Ҳикоялари матбуотда ва тўпламларда чоп этилган.

**К**ўтқаватли уйнинг пойида турибман. Тепага қарайман: бала-а-анд, осмонга тираб қўйилган устундай, боши булутларга тегай дейди; ўзиям ғалати қурилган, неча қаватлигини билиб бўлмайди. Қачонлардир пуштига бўялгани сезилади; қовурғасимон бўртиқ балконлар тўқроқ рангда, кўзга янада бўртиб кўринади. Бинонинг кунботар тарафидаги ойналарда шом шафағининг ёлқини жилваланади.

Сўраб-сўраб тоғиб келгунча бўларим бўлди. Яна, аксига олиб, лифт ишламаётган экан. Балки, умуман ишламас. Оғир қадамлар билан бир-бир босиб, зинадан кўтарилиб бораман. Қўлимдаги қоғозга манзил ёзилган: мўлжал, уй ва хонадон рақами... Худди ёрдам берадигандек тез-тез қараб қўяман. Нечанчи қаватга чиққанганимни чалкаштириб юбораман. Тўхтаб, нафас ростлайман. Зина ҳам ғайриоддий тушган: ўртада эмас, ёнбошда. Деразалардан шаҳар манзараси кўзга ташланади: куюш тоғлар ортига бекинмоқда, тилла баркаши сония сайин кичрайиб-кичрайиб, охири кўздан ғойиб бўлади; берироқда эса аллақандай иншооту иморатлар, кўчалар ёқалаб экилган дарахтлару қатор-қатор уйлар бижир-бижир чаглашиб кетади. Етимтоғ майда жониворларга енгилган динозаврдай шаҳар ўртасида дўмпайиб турибди, пойида эса куп-қуруқ дарё ўзани... Яқин-орадаги йирикроқ биноларни номма-ном санаш мумкин. Биз танишган жой ҳам кўринадди: ҳув анави почта идораси ва спорт мажмуасининг орқасидаги сарғиш-кулранг иморатнинг нечанчидир қаватида, нимқоронғи йўлакнинг энг охиридаги хонада, эски замондан қолган стол-стулда ўтирганча ҳикояни жон қулоғимиз билан тинглардик.

Орзиқул Қаршибой хонанинг тўрини эгаллаган катта ёзув столига тирсакларини тираб, бошини икки кафти орасига олган кўйи овозини гоҳ баландлатиб, гоҳ пасайтириб ҳикоя ўқимоқда. Орқадаги деразадан тушаётган куюш нурида унинг кенг-мўл кўк кўйлаги ичидан жиккаккина жуссаси ажралиб кўринадди, оқарган сочларининг анчайин сийраклашгани ҳам сезилади. Қоқсуяк ияк-жағи тез-тез кўтарилиб-тушади, лунжи кириб-чиқиб туради. Асарининг ёш қаламкашларга ёқиб-ёқмаётганини билиш учун ҳар-ҳар замон кўй кўзларининг ости билан бизга қараб қўяди. Уч-тўрт ўғил-қиз сел бўлиб эшитамиз. Шоира опанинг шаҳло кўзларида ёш айланади, қаймоғи олинмаган қатикдай сўлқилдоқ юзига милт-милт томади. Ҳамишабаҳор шоира қизалоқнинг ҳам чехраси тунд, “бахт куйчиси” ҳам гам чекар экан-да, дея ҳайратланасан. Афгон уруши, визиллаб учаётган самолётлар, тоғ-тошни ўпириб портлаётган бомбалар, чумолининг унига қайноқ сув қуйгандек жувонмарг бўлаётган йигитлар – тақдирлар... ҳали-ҳамон кўз ўнгимда, қулогим остида, юрагим қаърида.

Шом шафағида самолёт кўринадди, пастлаб тоғлар ортига шўнғиб кетади. Мен нечанчи қаватда турганимни чамалайман. Турфа эшиклардаги рақамларга қарайман. Ҳаммасиям ҳашаматда бир-бирдан ўтаман дейди. Манави қорақўчқил темирқопқага классик услубда жимжимадор нақш урилган. Анави мошранги эса банкларда бўладиган пўлат сейфни эслатади. Ҳа, шундай: бир оиланинг қандай кун кечиришини билиш учун уйининг ичига кириб кўриш шарт эмас, эшигининг ўзиёқ бор сирни сотиб қўяди. Масалан, мана буниси – кўм-кўкка бўялгани – дўхтирхонани ёдга солади ёки сувсозними-ей... Кўшнисиники эса юпқа фанердан, қайси бир ташкилотдан кўпориб келинган чиқар, ҳатто “Бош директор”, “Ҳисобхона” деганга ўхшаш лавҳанинг ўрни бўёқ тагидан сезилди.

Мен “... бўлими бошлиғи” деган лавҳали эшик қаршисида турардим. Илгариги хонадан битта пастки қаватда жойлашган. Ишқилиб, тушликка чиқиб кетмаган бўлсин-да, дея хавотирланаман. Бир дам нафас ростлаб оламан. Ҳаяжонимни босиб, оҳиста тақиллатаман. “Куринг”. Қия очилган эшикдан нимқоронғи йўлакка ёруғлик тушади. Секин ичкари мўралайман. Орзиқул Қаршибой олдингидай деразага орқа ўгириб ўтирибди. Парда кўтариб қўйилган, хонага кўчадаги чинорларнинг қуюқ шох-шаббаси орасидан шуълалар ёғилади. Ёзувчи бир қараида худди нурга йўғрилгандек туюлади. Ҳали мактабни ҳам битирмаган мендек хаваскорни – бир марта кўрган – танимаса керак, деб ўйлагандим. Адашибман. Бир бош ўсдим. Ўша галги суҳбатимизни ҳозир батафсил сўзлаб бера олмайман. Эсимда қолгани – очлик билан даволанаётган экан. “Самолечение”, деганди. Янаям озиб-тўзиб кетган, лекин рангрўйи тиниқлашган. Руҳи ҳам тетик. Ичишни ташлаганини эшитиб хурсанд бўлдим. Лицейни тугатгач, қайси институтга кирмоқчилигимдан сўроқлади.

– Яшашни билган одам мазза қилиб яшайверади. Бунини эпловмаганлар эса ҳаёт машаққатлари ҳақида ёзиб, ахийри ёзувчи бўлади...

– Фолкнер! – деди гапимни шартта кесиб, кўрсаткич бармоғини ҳавога нуқиб.

Тепадан семиз одамнинг қадам товушлари эшитилади. Бор оғирлигини оёғига ташлаб юрганидан зиналар зириллаб кетади. Бўйнимни



букиб, темир тутқичлар орасидан қарайман – аёл киши экан: қоп-қора кийиниб олибди, озгинроқ кўринаман, деб ўйлаган-да. Мана, энди ҳарсиллашлари ҳам эшитилаяпти. Ёнма-ён келганимизда деворга тисарилиб йўл бердим. Димоққа тер ҳиди гупиллаб урилади. Шошганда салом-аликни унутибман. Беш-олти поғона ўтиб тўхтадим, хатомни тўғриладим. Шу баҳонада нечанчи қаватга етганимни сўраб олдим.

– Ва-а алайкум, ҳаҳ... олти ярминчи... ҳаҳ...

Шу хотин ҳам қачонлардир гулдай бўйқиз бўлиб, дўнондай жувон бўлиб кўзларни яшна-тиб юргани ақлингга сиғмайди. Тасаввур этиш қийин...

*Кейинги борганимда мени янаям пастроқ қаватга йўладилар. Аввалги самимий суҳбатлардан эркинсимми, сира тараддудланмай эшикни очдим. Дераза томонда хушбичим жувон ўтирибди. Токчада анвойи гуллар: очилгани қайси-ю, очилмаса-да кўзни қувнатадигани қайси...*

*Орзиқул ака ёзув столига ўнг қўли билан суянганча, қадди сал букилиб, худди энг муҳим сўзларини ҳамсуҳбати эшитмай қоладигандек энгашиб, фикрини уқтирмақда:*

– Агар... – менга кўзи тушиб, чап қўли билан “келавер” дегандек ишора қилди. – Агар Анна Григорьевнам бўлганида, мен Фёдор Достоевский бўлардим. Агар Зарифам бўлганида, мен Ойбек бўлардим...

*Қолган гаплар аҳамиятсиз, мана шу ушалмас орзуга, тўғривоғи, адоқсиз армонга иловалар, холос. Эҳтимол, ҳаётнинг ўзи иловодир.*

Хотин кишининг тўнғиллаши қулоққа чалина бошлади. Яқинлашганинг сайин бу шовқинга сувнинг шар-шури, тоғоранинг тикир-тиқири ҳам қўшилади. Қачонлардир оққа бўялган, йиллар сарғайтириб юборган ёғоч эшик ланг очик. Ваннахонада озгин аёл эгилиб кир ювмоқда. Бошу елкаси кўринмайди. Гулдор кўйлаги хира чироқ нурида мап-малла тус олган. Қўли ҳам, оғзи ҳам тинмайди:

– Сассиқ пайпоқларингизни ювиб умрим ўтаяпти. Кирмошин сотволиш осмондаги ойни узволишдай гап. Манави ўлгур эшик ёзи билан ёпилмайди, каталакдай уй иссиқдан димиқиб кетади. Кондиционерни-ку раҳматли энамнинг олдига борганда...

– Жаннатга тушаман деб ўйляяпсан, шекилли, – Орзиқул ака ўнг қўлдаги хонада, девор



тагида узала тушиб китоб ўқияпти. Оловранг ҳарфлар билан “Қаватимдаги ёт кадрдон” дея ёзилган қоп-қора муқова унинг юзини тўсиб қўйган. – Дўзах бундан ҳам иссиқ...

– Сизни онангиз гапга туққан. Чиройли сўзларингизга учганман-да...

– Худога шукр қил. Мен уйланмаганимда, ким билсин, ҳозир қишлоқда таппи ёпиб юрар-мидинг?!

– Ҳечам-да, – янга менинг кузатиб турганимни пайқамас, ваннага энкайиб кир ювар, эрига паст келгиси келмас, бир гапдан қолай демас эди: – Мен сизга Ойбекдай катта шоир бўлади, шаҳарма-шаҳар олиб юради, Тошкенту Москвани кўрсатади, деб текканман. Эсингиздами, қишлоқда бизни қандай дабдабаю асъаса билан кузатиб қўйишган?! Етиб келган жойимиз мана шу – булбулнинг кетидай шаҳарча бўлди.

Йигирма йилки, мен тугул, ўзингиз ҳам аэропорт нари турсин, э... вокзалнинг остонасидан хатламадингиз-ку!

– Узоқни кўра билмагансан. Косайи давроннинг айланиб кетиши тушингга кирибдими?!

– Қайтанга, Ҳошим иккичига тегсам бўлар экан, хотинини Анталияга обориб келибди. Қишлоқда дув-дув гап.

– Ўйнашлари билан ўн борган жойга хотини билан бир борса, нима қипти?! – Орзиқул ака ҳалиям китобни юзидан олмаган; худдики гапирмаяпти, ўқиб бераяпти. – Анталия дейсанми?

– Ҳа, а...

– Қаерда экан? Дўзахнинг биринчи қаватидами?..

Янга қаддини ростлади. Сочини тепага йиғиштириб туккан, қулоғи атрофида турмакдан бўшаган сочлари бўйнини янаям узун ва ингичка кўрсатади. Зулукдай қоши, қуралай кўзи, қирра бурни... ёшлиқда анча-мунчани доғда қолдирганини айтиб турибди. Мени кўриб қолмасин деб ўзимни эшикнинг панасига олдим. Шу пайтгача пайқабман, чап қўлдаги хона остонасида тўққиз-ўн яшар болакай ўтирган экан. Оғзини хиёл очиб, мунгайиб қаради. Лекин индамади. Унинг кўзлари... тагин бир боқишга ботинолмайсан. Шунча мунгни қаердан олдийкан?!

*Ишхонасига охири борганимда Орзиқул акани янаям қуйи қаватдан топдим. Деразадан ташқарини томоша қилиб турган экан. Ҳамма ёқни оппоқ қор қоплаган, фақат йўл қорайиб қолганди. Кўчанинг нарисидаги қалин арчазор орасига кириб кетган бир жуфт изга кўзим тушди. Спорт*

*мажмуасидан қий-чув кўтариб болакайлар чиқди, қорбўрон ўйнай-ўйнай бекат томон юрдилар. Қаршидан келаётган қора “Ласетти” четлаб, уларга йўл берди. Ҳайтовур, ҳайдовчи инсофли экан, қор-сув аралаш шилта сачрамасин деди...*

*Орзиқул ака қўлидаги сарғиш қоғозга тикилиб:*


*– Бир шеър ёздим, – деди, салом йўқ, алик йўқ, дабдурустдан. Мулозаматимни ҳам кутмай, ҳирқироқ овозда ўқий кетди:*

*...Ҳаёт – армон, ютқизиқ – ҳар он,  
Йиллар ўтар мисоли шарпа.  
Икки ўғлим – Қодирбек, Даврон  
Мендан сенга энг буюк зарба!..*

*Фикрим билан қизиқмади ҳам. Оппоқ оламга термулиб тураверди. Индамай хонадан чиқдим.*

Эшик олдида серрайиб қолдим. Эр-хотиннинг айтишуви тугай демасди. Болакайга кўз қиримни ташлайман. Байроқли футболкасининг йиртиғидан елкаси кўринади. Оёғида эса тиши едирилиб кетган бутси. Шу туришида уйдан қочиб кетишга шайлангандек туюлади. Орзиқул Қаршибой ўз ҳаётини Фолкнернинг гапи устига қурган-ов. Болаларини эса Ҳеменгуэйнинг маслаҳати билан тарбияляптими дейман. Бахтсиз болалик буюк ёзувчиларни яратиши ҳақида айтган-ку!.. Ўқрайган нигоҳга кўзим тушди. Бояги мунг қаёққа йўқолди?! Эшик “ҚАРС” этиб ёпилди. Минғир-минғир гаплар ҳам тинди...

Дўрмон, 2014 йил



# Адабий мукофотлар

## 2015 йили кимларга насиб этди?

Йил сўнгида барча соҳалар бўйича кўрсаткичлар сарҳисоб қилинади. Айтайлик, спорт соҳасини оладиган бўлсак, ким чемпион бўлди, қайси жамоа кубокни қўлга киритди, халқаро совринлар кимга насиб этди... сингари саволларга жавоб топамиз. Худди шундай, дунёда адабиёт йўналишида ҳам турли-туман мукофотлар мавжуд. Хўш, бу танловлар қандай қоидалар асосида ўтказилади? 2015 йилда қайси адиблар бундай нуфузли мукофотлар билан сийланди? Куйида айрим халқаро адабий танловлар ҳақида қисқача тўхталар эканмиз, ушбу саволларга бир қадар жавоб топгандек бўламиз.

Нобель мукофоти (адабиёт йўналиши бўйича) – Нобель фонди томонидан ҳар йили адабиёт соҳасидаги ютуқлар учун бериладиган соврин. Альфред Нобель томонидан 1895 йили таъсис этилган беш совриндан бири. Адабиёт бўйича илк Нобель мукофотини шоир ва эссечи Рене Франсуа Арман Сюлли-Прюдом олган.

Ўтган давр мобайнида 107 та адабий соврин ўз эгаларига топширилди, фақат 7 марта танлов ўтказилмади. Бу 1914, 1918, 1935, 1940 – 1943 йилларга тўғри келади. Тўрт марта – 1904, 1917, 1966 ва 1974 йилларда мукофот икки адибга бўлиб берилган. Голибларнинг ўртача ёши – 65 ёш. Энг ёш совриндор Редъярд Киплинг (42 ёш, 1907 йил), энг кекса совриндор – Дорис Лессинг (88 ёш, 2007 йил). Номзодлар ва бўлажак голибнинг номи энг сўнги дақиқаларгача сир сақланади

\* Нобель мукофотининг адабиёт йўналиши бўйича совринига 2015 йили беларуслик ёзувчи Светлана Алексиевич лойиқ кўрилди.



Букер мукофоти (Booker Prize) – инглиз адабиёти оламидаги энг обрўли мукофотлардан бири. 2013 йилгача мукофот Британия Миллатлар Ҳамдўстлиги давлатлари, Ирландия ёки Зимбабведа яшайдиган ёзувчиларнинг инглиз тилида ёзилган романлари учун берилган. 2014 йилдан буён муаллифнинг қайси давлат фуқароси эканидан қатъи назар, мазкур тилда битилган

энг яхши роман учун берилмоқда. Голиб 50 минг фунт стерлинг билан тақдирланади. Илк мукофот 1969 йили топширилган. 2002 йилдан бошлаб Букер мукофотида “Man Group” компанияси ҳомийлик қилмоқда, шу боис мукофотнинг тўлиқ расмий номи – “The Man Booker Prize”.

\* 2015 йили мазкур мукофотга ямайкалик ёзувчи Марлон Жеймс “Етти қотилликнинг мухтасар баёни” асари билан сазовор бўлди.



Гонкур мукофоти (Prix Goncourt) – ака-ука Гонкурлар шарафига таъсис этилган, энг яхши роман учун бериладиган Франциянинг энг юксак мукофоти. Ғолиб Гонкур академияси аъзолари томонидан “Друан” ресторанида ташкил этиладиган махсус базм пайтида овоз бериш йўли билан аниқланади. Мукофот 1903 йилдан буён ҳар йили ўз эгасига топширилади.

Мукофот миқдори рамзий кўринишга эга (айни пайтда 10 доллардан иборат), бироқ, одатга кўра, мукофотга эришгач, романнинг савдоси чаққонлашиб кетади ва муаллиф Франциянинг пешқадам ёзувчилари сафидан жой олади.

Низомга кўра, Гонкур мукофоти ёзувчига фақат бир марта берилади. Ягона истисно – ёзувчи Ромен Гари бўлган. У илк бор 1956 йили ушбу мукофотни қўлга киритган бўлиб, 19 йилдан сўнг Эмил Ажар номи билан иккинчи марта Гонкур мукофотини қозонади. Гарининг адабий уддабуронлиги ғолиблик эълон қилингандан сўнг маълум бўлади.

\* 2015 йил ушбу мукофот билан ёзувчи Матъяс Энар “Компас” (“Boussole”) романи учун тақдирланди.

## PRIX GONCOURT




бошлади. Мукофот пули миқдори айна пайтда 40 минг еврои ташкил қилади.

\* 2015 йили ушбу соврин ёзувчи Райналд Гётцга насиб этди.

Георг Бюхнер мукофоти (Georg Büchner Preis) – Германиянинг йирик адабий соврини. 1923 йили Гессен федерал маъмурияти томонидан Георг Бюхнер шарафига таъсис этилган бўлиб, ҳар йили адабиёт ва санъатнинг икки ёрқин вакилига берилади. 1933 йилдан 1944 йилгача соврин ҳеч кимга берилмаган. 1947 йили уни Анна Зегерс қўлга киритган.

1951 йилдан мукофот соф адабий совринга айланиб, Дармштадтдаги Немис тили ва шеърини академияси томонидан ўз ижодининг обр-раз кучи орқали немис тили ва маданиятига катта ҳисса қўшаётган адибларга берилди.



Нафақат эълон қилинган асарлар, балки қўл-ёзма ҳам кўриб чиқилади. Тақдим этилган асарлар ўтган йили ёки шу йилнинг 28 февралигача, яъни қабул жараёни тугагунча эълон қилинган бўлиши лозим.

\* “Катта китоб” мукофотининг 2014-2015 йил мавсуми бош соврини “Зулайхо кўзини очмоқда” романи учун ёш ёзувчи Гўзал Яхинага топширилди.

**Санжар ЖАВЛОН** тайёрлади

Финландия мукофоти (Finlandia-palkinto) – Финландиянинг бадиий адабиёт соҳасидаги нуфузли мукофоти, 1984 йилдан буён Финландия китоб фонди томонидан тақдирланади. Соврин пули миқдори 100 минг финландия маркаси (26 минг евро) деб белгиланган бўлиб, 2008 йилдан бошлаб 30 минг еврои ташкил қилмоқда.

Қоидага кўра, фақат Финландия фуқароси бўлган ёзувчиларгина танловда иштирок этиши мумкин. Фақат 2010 йили бу қоидага амал қилинмаган: ўша йили Словакия фуқароси бўлган ёзувчи Александра Салмел фин тилидаги “27 Eli kuolema tekee taiteilijan” романи учун тақдирланган эди. Фин ёзувчиси Бу Карпелан эса ушбу мукофотни икки марта (1993 ва 2005 йиллар) олган ягона адиб саналади.

\* 2015 йили бу мукофот Лаура Линдстедтга “Онейрон” романи учун берилди.



“Катта китоб” (Большая книга) – Россия миллий адабиёт соврини. Россиядаги энг катта адабий мукофот, мукофот пули миқдори бўйича

Нобель мукофотининг адабиёт совринидан кейинги ўринда туради (умумий сумма – 6,1 миллион рубль). Танловга прозанинг барча жанрларига оид асарлар, жумладан, ёдномалар ва бошқа ҳужжатли асарлар ҳам қабул қилинади.

# Тоғ қизи



**Редъярд КИПЛИНГ**

(1865-1936)

Машхур англиз ёзувчиси ва шоири. Ҳиндистонда туғилиб ўсган, кейинчалик

Англияда таълим олган ва умрининг охиригача Британияда яшаган. “Департамант кўшиқлари”, “Тоғ ҳақида оддий хикоялар”, “Уч аскар”, “Мингинчи инсон” сингари асарлари машхур. “Мауглининг биродарлари” қиссаси билан шуҳрат қозонди.



**У**тоғлик эр-хотин Соно ва Жаденинг қизи эди. Бир йили деҳқончиликда уларнинг омади чопмади, Котгар яқинидаги Сатле водийсида экилган озгина экинни ҳам айиқлар пайҳон қилиб кетди.

Тоғлик эр-хотин бундай талофатни ўз худоларининг марҳаматсизлигига йўйишдими, бошқа сабабданми, ўша йили қишда улар масиҳийлик динини қабул қилишди ва қизларини Котгарга, насронийлар қишлоғига чўқинтиргани олиб боришди. Котгар роҳиби қизга насронийча Элизабет исмини берди. Қабиладагилар эса қизни Лисбет дея талаффуз этиб чақира бошладилар.

Кўп ўтмай Котгар водийсига вабо тарқалди. Машъум ўлат Соно ва Жадени олиб кетди. Қизча эса руҳонийнинг қарамоғида қолди. Котгар роҳибининг аёли уни ўзига хизматкор, жория қилиб олганди. Лисбет руҳоний хонадонида шу тариқа улғая бошлади.

**Рустам Жабборов**  
таржимаси

Ўз қабиласининг маъбудалари қизни аввалдан сийлашганмиди ёхуд насронийлик унинг чиройини очдимиди, Лисбет ҳақиқий соҳибжамол бўлиб бораётганди. У ҳар куни сайр қилгани чиқар, шунчаки атрофнинг гўзаллигидан баҳра олиш учун эллик мил чамаси йўл босарди. Унинг юзларидек жозибадор чеҳрани одатда фақат сувратларда, камдан-кам ҳолларда ҳаётда учратиш мумкин эди. Қизнинг бутун вужуди фил суягидек оппоқ рангда эди. У ўз қабиладошларига қараганда анча баланд бўйли, кўзлари эса ҳайратланарли даражада чиройли эди. Агар сиз уни тоғ кўйида танҳо учратиб қолсангиз, маъбуда Диананинг ўзи ов қилгани чиқибдимикин, деган хаёлга борардингиз.

Лисбет насронийлик эътиқодига осонгина кўникди. У бошқа қизларга ўхшаб улғайиб, эсини танигач, ўз динига ўтиб кетмади. Қабиладошлари шунинг учун ҳам уни жуда ёмон кўришарди.

Бу пайтда роҳибнинг хотини қиз билан қандай муомала қилишини билмай қолганди. Ахир, бундай хушсурат, бокира фариштага идиш-товоқ ювишни буюришга ким ҳам ботина оларди. Шунинг учун ҳам Лисбет роҳибнинг болалари билан эмин-эркин ўйнаб юрар, якшанбалик мактабга қатнар, уйда қанақа китоб бўлмасин, барчасини қизиқиш билан ўқиб чиқарди. Роҳибнинг хотини қизни Симлага юбориб, унга муносиброқ иш топиб бериш ҳақида кўп гапирарди. Лисбет ўзига бошқа жой қидиришни хаёлига ҳам келтирмасди. У Котгардан кетишни умуман истамасди.

Бир сафар Котгарга сайёҳлар келишди. Улар бу томонларга камдан-кам ташриф бўйришарди. Лисбет эса улар мени Симлага ёки шунга ўхшаган нотаниш томонларга олиб кетиб қолишади, деб ўйлаган, шу боис хонасидан ташқари чиқишга ҳам кўрқиб қолганди.

Ўшанда у ўн етти ёш бўсағасида эди. Кунларнинг бирида сайр қилгани тоққа жўнади. Қиз ярим мил пиёда юриб ортига фойтунда қайтадиган инглиз хонимларига ўхшамасди, албатта.

У ўзининг “қисқагина” саёҳати давомида Котгар атрофини тўлиқ айланиб чиқар, 20-30 милча йўл босар, ҳатто Наркундагача бориб келарди. Нафаси оғзига тиқилиб, юкнинг оғирлигидан бурни ерга теккудек ҳолатда уйига кириб келганида, роҳибнинг хотини меҳмонхонада ухлаб ётарди. Қиз елкасидаги “юк”ни диван устига қўяркан, очиқчасига гап бошлади:

– Бу менинг эрим. Мен уни Багига борадиган йўлдан топиб олдим. У қоядан қулаб тушганга ўхшайди. Биз уни даволаймиз. У тузалиб кетса, роҳиб бизни никоҳлаб қўяди.

Шу пайтга қадар Лисбетни бундай вазиятда кўрмаган роҳибнинг хотини бирдан даҳшатга тушди. Бироқ ҳозир биринчи навбатда диван устида беҳуш ётган йигит ҳақида ўйлаш лозим эди. Бошидан жароҳат олган ёшгина инглиз йигити ҳамон диван устида хушсиз ётар, билинар-билинемас нафас оларди, холос.

Уни тўшакка ётқизишди. Тиб илмидан озмоз хабардор роҳиб беҳуш йигитнинг ярасига малҳам қўйиб боғлади. Лисбет эса эшик олдида ҳар қандай топшириққа шай бўлиб турарди. Қиз роҳибга ҳам ўз қарорини билдирди. Роҳиб ҳам, хотини ҳам қизни намойишкорона андишасизликда айблади. Уни инсофга чақирмоқчи бўлишди. Лисбет эса уларни жимгина тинглаб, бояги гапини такрорлади. У тушунмасди: ахир қандай қилиб кўнглингдагидек йигитни учратганинда ҳам у ҳақда ҳеч кимга оғиз очмай юравериш мумкин! Шу сабабли аҳдида қатъий туриб олди. Йигит оёққа тургач, у билан турмуш қуради.

Қиз йигитнинг оёққа туриши, уйланадиган даражада куч-қувват йиғиши учун ҳар қандай ишга тайёр турарди.

Икки ҳафтада йигитнинг бошидаги жароҳатлар битиб кетди. У бундай меҳрибонлик учун роҳибга, унинг хотинига, ҳаммадан кўпроқ Лисбетга миннатдорлик билдирди. У Шарққа (ўша пайтларда бу томонларга саёҳат қилиш у қадар оммавий тус олмаганди) саёҳат қилиш умидида келганини, Дера-Дундан тоғларида турли хил гиёҳлар ва капалаклар йиғиш учун чиққанини айтди. Шу сабабли Симлада уни ҳеч ким танимас экан. Ўзининг айтишича, баланд қояда ўсган аллақандай гиёҳни узмоқчи бўлиб чиққанда мувозанатни йўқотиб, пастга қулабди. У соғайиб кетиши билан Симлага қайтишини айтди. Энди тоғлар уни ўзига мафтун этмасди.

У қишлоқни тезроқ тарк этишни истар, бироқ ҳали бунинг учун етарлича мадор тўплай олмаганди. Лисбет эса ҳеч кимнинг гапига қулоқ солишни истамасди. Шунинг учун роҳибнинг хотини Лисбетнинг миясида қанақа бемаза хаёллар чарх ураётганини йигитга айтиб берди. Йигит қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди ва бу шунчаки соддагина Ҳимолай қизининг ўзига ўхшаш содда ва беғубор хаёлотни эканини таъкидлаб ўтди. Унинг айтишича, Ватанида

қаллиғи кутаётганмиш. Шундай бўлса-да, йигит ўзини ўта хушмуомала қилиб кўрсатарди.

У қиз билан суҳбатлашишни, бирга саёҳат қилишни, ширин сўзлар билан эркалаб кўнглини кўтаришни шунчаки кўнгилхушлик деб билар, аслида эса қиз билан бир умрга хайрлашиб, юртига қайтиш учун куч йиғаётганди. Бу суҳбатлару сайр-саёҳатлар йигит учун ҳеч қандай маъно касб этмас, қиз учун эса катта аҳамиятга эга эди. У севиши мумкин бўлган одамни топганидан бахтиёр сезарди ўзини.

Ёввойитабиат қизнинг ўз хиссиётларини бошқара олмаслиги инглизнинг кулгусини қистатарди. Йигит қайтишга отланганида, олам кўзига қоронғи бўлиб кетган Лисбет уни Наркундагача кузатиб борди. Қиз йўл-йўлакай йигитдан албатта қайтиб келиб унга уйланишга ваъда беришини қайта-қайта илтимос қилди.

– Кўраяпсизми, у шунақа тентак, тарбиясиз қизки, нима деяётганини ўзи ҳам билмайди, – деди уларга ҳамроҳлик қилиб бораётган роҳибнинг хотини.

Йигит кета-кетгунча қизнинг нозик белидан оҳиста қучиб борди. Қайтиб келишига ва у билан никоҳдан ўтишига қизни ишонтирди. Улар Наркундага кираверишда айрилдилар. Қиз йиғлаб юборди. Мутианига буриладиган жойда кўздан йўқолгунча инглизнинг ортидан термулиб қолди.

Қиз алам билан кўз ёшларини артди. Улар яна Котгарга киришаётганда Лисбет роҳибнинг хотинига юзланди.

– У қайтиб келади. Кейин менга уйланади. У қариндошларини шу гапдан огоҳ қилиш учун кетди.

Аёл Лисбетни тинчлантирган бўлди:

– Ҳа, у албатта қайтади, қизим!

Икки ой ўтар-ўтмас, Лисбет хавотирга туша бошлади. Унга йигитнинг денгиз ортига, Англияга жўнаб кетганини айтишганди. Қиз Англия қаерда жойлашганини билар, бу ҳақда мактаб дарсликларидан ўқиганди. Бироқ тоғлар орасида ўсган қиз денгиз нималигини қаердан билсин? Уйда алмисоқдан қолган дунёнинг сиёсий харитаси бўларди. Қиз кечалари ўша харитадан Англияни қидирар, севгилисининг бармоқ билан босса кўринмай кетадиган ҳудудда эканини ҳис этиб, аччиқ кўз ёш тўқарди. У орадаги масофа, пароходлар ҳақида ҳеч қандай тасаввурга эга эмас, унинг тушунчалари ҳақиқатдан анча йироқ эди. Қолаверса, инглиз йигити тоғлик қизга уйланиши учун Котгарга қайтишини хаёлига ҳам келтирмаслигини билмас эди у. Йигит Ассамда капалак қувиб юрганидаёқ қизни унутиб юборганди. У охир-оқибат Шарқдаги саёҳатлари ҳақида китоб ёзди. Бироқ унда Лисбет тилга ҳам олинмаганди.



Учинчи ой ҳам интиҳосига етгач, Лисбет тез-тез Наркундага қатнайди одат чиқарди. У ҳар гал ўша ерда инглиз йигитнинг қайтишини кутиб ўтирарди. Айнан шу одатгина унга таскин берарди. Роҳибнинг хотини қизни илгаригидан шодонроқ кайфиятда кўриб, ёввойи эркаликларидан халос бўлаётир, деган хаёлга борди.

Кўп ўтмай бундай қатновлар ҳам Лисбетга ёрдам бермай қўйди ва у яна аввалги жаззакчилигига қайтди. Бекаси, ниҳоят, бор ҳақиқатни очик-ойдин баён этди. Инглиз шунчаки қизни тинчлантириш учун уйланишга ваъда берганини, аслида бу ишни умуман қилмаслигини, Лисбетнинг “олий ирқ” вакилига турмушга чиқишни орзу қилиши ҳам гуноҳ, уятсизлик эканини ва ниҳоят у ўзи тарафидан бир инглиз қизи билан оила қурганини тушунтирди. Лисбет эса бунинг ақлга зид экани, йигит уни муҳаббатига ишонтиргани, ҳатто бекасининг ўзи ҳам йигитнинг қайтишига ишонтирганини эслатди.

– Наҳотки, сиз ҳам мени алдаган бўлсангиз, – сўради у андуҳ билан.

– Қизим, сени фақат юпатиш учунгина шундай дегандим, холос.

– Демак, ёлғон гапирибсиз-да, – тўлқинланиб кетди қиз, – икковингиз ҳам мени алдабсиз.

Аёл шунчаки бош ирғаб қўя қолди. Лисбет ҳам анчагина жим турди-да, шаҳд билан югуриб насронийлар қишлоғидан чиқиб кетди ва кўп ўтмай Ҳимолай аёлларининг кийимида кириб келди. У тоғлик аёлларга хос тарзда бир томонга туширилган кокилларини қора ип билан боғлаб олганди. Фақатгина бурнига булоқа тақмаган эди, холос.

– Мен яна ўз эътиқодимга, халқим ёнига қайтаман, – деди у. – Энди Лисбет йўқ. Фақат қария Жаде ва қишлоқи Сононинг қизи қолди, холос. Сиз инглизлар ҳаммангиз ёлғончисиз! Сизларни кўргани кўзим йўқ.

Роҳибнинг хотини эс-ҳушини бир жойга тўп-лаб олганида, Лисбет аллақачон унинг ҳузуридан ғойиб бўлганди. У айтганини қилди: яна ўз қабиладолари, ўз аждодларининг маъбудалари қошига қайтди, масихийлар қишлоғига бошқа қадам қўймади.

У ўз халқини чин қалбдан севарди, унинг ана шу муҳаббати алдоқчи инглизга бўлган ёввойи интилишларидан устун чиқди. У тез орада бир пайтлар қизни роса савалаган ўтинчи йигитга турмушга чиқди ва қариб-чиригунча бахтиёр ҳаёт кечирди.

## Амал қилган ЯХШИ

Тил топишолмайдиган одамлар даврасида юрманг.

Биринчи бўлиб салом беринг, аммо қўл беришда шошилманг, сизга қўл узатилгандагина сиз ҳам узатинг.

Одамларнинг исмига эътиборли бўлинг ва кўришганда исмини айтиб муружаат қилинг.

Атрофингиздагиларнинг бажарган ишларига фикрингизни билдириг. Аниқ ва равон тарзда...

Кўп савдолашманг.

Гапирганингизда суҳбатдошингизнинг кўзига қаранг.

Зиёфатларда ва бошқа давраларда ҳам ҳеч қачон бировнинг ҳаётини муҳокама қилманг.

Ўзгаларнинг орзу ва режаларига кулманг.

Сизга савол беришса жавоб беришдан олдин озгина вақт ўказинг, гарчи жавоб тайёр бўлса ҳам. Сизни озгина кутишсин.

Ўзингиз ҳақингизда гапирманг. Фақат сўрашгандагина жавоб беринг.

Ҳамма гапга кулаверманг. Айниқса, баланд товушда.

Унутманг! Буюк одамлар ғоялар ҳақида, ўртамиёна одамлар воқеалар ҳақида, нодонлар эса одамлар ҳақида мушоҳада юритади.

Баҳона ёки сабаб эмас, имконият қидиринг.

“Эртага қиламан” деган гапни унутинг. У сизни дангасага айлантиради. Эртанги куннинг ўз режалари бўлади. Сиз учун энг қимматли фурсат бу – БУГУН.



## SMS



Азим БАҲОДИР

1985 йили туғилган. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетини тамомлаган. Бадий таржима билан шуғулланади. Таржима ва мақолалари марказий нашрларда эълон қилинган.

Кўрмаганнинг кўргани курсин.

Баҳор кунларининг бири эди. Холмат туснинг тўнғичи отасига сўнги русумдаги мобил телефон совға қилди. Отанинг кўнгли тоғ-дек кўтарилди. Фарзандини умрингга умр, тоғганингга барака берсин, деб ичида дуо қилди. Суюнганини яширди. Сиртига чиқармади.

– Ўзимнинг эским ҳам бўлаверарди, – деди у, – бекорга харж қилибсан-да!

– Ҳозир ҳамма шунисидан тутаяпти, – деди ўғли отасининг раъйини англамай.

Замоннинг зайлига қаранг! Икки-уч йил аввал ҳаммани ҳайратга солган матаҳ бугун ҳеч кимга зарил эмас. Икковининг ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Пул учун одамлар нималарни ўйлаб топишмайди-я! Э-э, қойил! Мановиси экранидан бошқариларкан. Эрта-индин айтар гапингни тушунадигани ҳам ишлаб чиқилса, ажабмас. Холмат тус ёнғоқ япроғидек келадиган телефонни биринчи марта қўлига олганда шундай ўйлади.

У ҳафтанинг нари-берисида янги телефондан қўнғироқ қилиш, жавоб бериш ва SMS ёзишни ўрганиб олди. Ўғлидан қайта-қайта сўраб, мусиқа тинглашни-да билди. Айниқса, телефон хотираси лол қолдирди. Шапалоқдай қутига бир сандиқ кассетада жам бўлган ашула сифганини кўриб, ўзига ишонмади. Замонавий телефон телевизор айтганидай ёмон эмас экан. Уни ўйлаб топган одамга қойил қолиш керак!

Чўпонлар отарини тоққа ҳайдаган кунни Холмат тус саҳармардонлаб боғига келди. Рўмолчага ўралган телефонини чўнтагидан чиқариб, ангор ўртасидаги дарахт шохига илди. Ашула қўйди. Дилга ёқар мусиқа янгради.

Эрта турган бир кун ютади, дейди. Ҳақ гап. Тонг ёришиб, тоғ ортидан куёшнинг юзи кўрингунча, Холмат тус тўққиз болорли хонанинг ўрничка келадиган ерни ағдариб улгурди. Ҳали нами қуримаган тупроқ ҳиди одамнинг димоғига хуш ёқарди. Дунёда бир-биридан муаттар ҳид кўп. Аммо тупроқнинг иси бўлакча. Одамнинг ғайратига ғайрат қўшади. Балки инсон тупроқдан яралгани учун шундайдир. Телефондан таралаётган ашулани қўшилиб айтаверганидан, ҳадеганда кетмон дастасини қаҳ-туф деб ушлайверганидан Холмат туснинг оғзи қуруқшади. Томоғини ҳўллаб олиш учун қайрағоч остидаги супа ёнига борди. Ўчоқ бошидаги офтобадан пиёлага сув қуйиб, сипқориб ичди. Чанқоғи босилмади, шекилли, пиёлага яна сув қуйди. Бу сафар ичишга улгурмади. Азондан бери чакаги ёпилмаган телефон бирдан жимиб, қисқа-қисқа товуш эшитилди: тиринг-тиринг.

Пиёладаги сувни ерга сепиб, пешонасидаги терни қўли билан сидириб-сидириб, Холмат тус телефон турган ерга югуриб келди. Олисроқдан кузатган одам у чопганда тустовуқдай лапанглашини сезади. “Гугуртга кетиб” фильмидаги Ихалайненнинг худди ўзи. Балки Холмат исмига қўшилиб қолган “Тус” лақаби ҳам шундан.

Дарахт олдига келгач, у шохга илинган телефонни ушлаш-ушламасликни билмай иккилан-

ди. Кафтларига боқди. Улар қоп-қора, кир-чир. Кафтларини бир-бирига уриб-уриб чангини қоқди. Яна қўлларини олдинга чўзиб, кафтларига қаради. Барибир кўнгли тўлмамай, кафтини қорнига ишқаб-ишқаб, қайтадан тозаллаган бўлди. Бу орада телефон яна жиринглади: тиринг-тиринг.

У телефонни авайлаб қўлига олди. Экранда ҳеч қандай рақам-пақам кўринмайди. Ё, тавба, деди ўзига. Аппаратнинг икки-учта тугмасини ўзича босиб кўрди. Уни икки-уч марта ўчириб ёқди. Фойдаси бўлмади. Шу пайт тугун кўтарган аёли келди. Эрининг авзои норасолигини кўриб, индамай супага дастурхон ёзди. Олиб келганларини қўйди. Термосдаги чойни чойнакка ағдариб, эрига қаради. Холмат тус телефондан бошини кўтарай демайди. Хотини овоз берди: ҳов, отаси, чойга келинг! Эри телефондан кўзини узмай, оёғи остидаги кесакларга қоқилиб-қоқилиб келди. Қўлини ювмай дастурхон ёнига чўкди.

– Ҳа, тинчликми? – деди аёли қовоғидан қор ёғай деб турган эрига. – Сўфи азон айтмай тимрайиб олибсиз?

Аёл сўнги гапини кесатиброқ айтди.

– Манови баччағар ҳалидан бери тиринг-тиринг қилади, – деди Холмат Тус икки кўзини телефондан узмай. – На номер кўринади, на бошқа белги!

– Шунга ота гўри қозихонами? – деди хотини энди анча дадилланиб. – Мен бирор ерга ўт кетдим, деб ўйлабман. Олинг, чойингизни ичинг, совиб қолди.

Нонуштадан сўнг Холмат туснинг қўли ишга бормади. Кўнглига қил сифмади. Боғнинг у бошидан бу бошига бориб, кунни кеч қилди. Қуёш ботай-ботай деб турган маҳал йўлдан ўтиб кетаётган Рўзи анжомнинг ўғлига кўзи тушди.

– Ҳов бола, менга қара! – деди у. – Отинг нимади? Рўзининг ўғлимисан?

– Менман бова, – деди мўйлови сабза урган йигитча салом бериб. – Чориман.

У супага келиб ўтирди.

– Мановига тушунасанми, болам? – деб Холмат тус қўлидаги телефонни кўрсатди.

– Нима қилди? – деди йигит ҳайрон бўлиб. – Оқлигини айтмаса худди меникини ўзи.

– Пешиндан бери тиринг-тиринг қилади, – деди Холмат тус хўрсиниб. – Энди ўзиям, овозиям ўчди.

Рўзи анжомнинг ўғли телефонни қўлига олиб, ёқиб ўчирди.

– Бова, блокка тушиб қопти-ку, – деди у аппаратга имо қилиб. – Устасига кўрсатиш керак!

Холмат тус унинг гапини маънисига бормади. Йигит чолнинг аҳволини фаҳмлаб, им нотўғри киритилгани боис блокка тушганини ўзича тушунтирди. Компьютерда махсус дастур ёрдамида сошлаш мумкин, дея қўшиб ҳам қўйди.

Иккови қишлоққа кириб келганда оқшом чўкиб бўлганди.

Рўзи анжомнинг ўғли эртасига пешинга яқин келди. Холмат тус бу пайт хас-хазонга тўлиб-тошган қулоқбошидаги ўқариқни тозлаётган эди. У Чорини кўриб, қўлидаги кетмонни ўша ерга ташлаб, супа ёнига келди.

– Касалини топдингми? – деб сўради Холмат тус чойнакдаги совуқ чойдан иккита пиёлага қуйиб. – Ишқилиб, тузалдимми?

– Устасига нима деган иш, – деди йигит дунёни кутқариб қолган қаҳрамондай гердайиб. – Имини буткул ўчириб ташладим.

Рўзи анжомнинг ўғли аппаратни ёқди. Экранда аввалига сув тўлқинига ўхшаш тасвир кўриниб, сўнгра сана ва вақтни тўғриланг, деган эслатма пайдо бўлди. Таажжубки, бу орада телефон яна тириг-тириглади.

– Ана-ана, кўрдингми? – деди Холмат тус ҳовлиқиб. – Яна эски қилиғини бошлади.

Ҳовлиқманг бова, ҳовлиқманг! – деди Чори. – SMS келди.

– SMS? Қандай? Қаердан? Кимдан? – деди Холмат Тус доводи раб.

– Ҳозир, – деб Чори экранни кўрсаткич бармоғи билан нуқиди. – Эҳ-ҳе, SMS компаниядан келибди!

– Ўқи-чи, – деди Холмат тус. – Нима деб ёзибди? Яна об-ҳаво маълумотими?

– Йўғ-а! – деди Чорибой. – Танишишни хоҳлайсизми? Қизлар билан танишиш учун “К” ҳарфини, йигитлар билан танишиш учун эса “Й” ҳарфини 0670 рақамига юборинг, деб ёзибди.

– Гапни айланторма – деди Холмат тус. – Ҳазиллашма, чинингни айт, бола! Салкам бованг тенггиман-а!

Унинг гапи йигитга оғир ботди. Холмат туснинг ёшини ҳисобга олди чоғи, Чори ортиқ сўз демади. Ўзингиз ўқиб кўринг, деб телефонни эгасига берди. Холмат тус SMSни ўқиди. Кўзига ишонмай, қайта-қайта ўқиди. Воҳ, ажаб! Ҳақиқатан шундай!

Телефон тагин тириглади. Бу сафар Холмат тус уни овоз чиқариб ўқиди: “LOVE ёки SEVGI

бош сўзини қисқа 6365 рақамига юбориб, ҳар кунлик севги латифалари, севги тостлари ва изҳорларини бир ҳафта ичида бепул олинг!”

Орадан уч кун ўтди. Ўша SMS воқеаси Холмат тусга ҳеч тинчлик бермасди. Бўлмағур хаёллардан чалғиш ниятида боғига одатдагидан эрта-роқ келарди. Бугун ҳам у тонг ёришмай келди. Кечадан чала қолган ишини давом эттириб, озгина ерни шудгор қилди. Ишга ҳафсаласи бўлавермагач, телефонни қўлига олиб, ўша кунги SMSларни яна бир марта ўқиди. Ҳамма, одамлар ўзгариб кетган, деб ўйлайди. Бўлмаган гап. Аслида, замон ўзгарган! Бизнинг даврларда қизлар билан танишиш учун қанча қир ошар-дик, сой кечардик. SMS билан ҳам севиб бўларканми? Эшитганим бор, бир газетда кимдир эр, биров хотин излаб, эълон берар экан. Тавба, энди бу ҳам модадан қолибди-да, деб ўйлади.

Кейин қайрағоч остидаги супага тўшак ёзиб, ёнбошлади. Ростдан ҳам шундаймикин? Қизларнинг қадри шу бўлиб қолибдимикин? Менга нима! Ё, SMS юбориб синаб кўрсаммикин? Йўғ-э, эшитган қулоққа яхшимас. Биров билса, эл орасида қандай бош кўтариб юраман. Ўғил-қизимга нима дейман! Онасининг олдида нима деган одам бўламан! Холмат тус бир ўнги-га, бир сўлига ағдарилиб ўйлади. Чалқанча ётиб ўйлади. Бу ишлар унга тўғри келмайди. Бўлди, ҳаммасини унутади, вассалом!

Холмат тус хаёлига келган фикрдан уялиб, мийиғида кулиб-кулиб, яна ер чопа бошлади. Доимгидек телефондан муסיқа янграб турибди. Тонгги шабада тоғдан турли гиёҳларнинг ҳидини димоққа келтириб уради. У ишга берилиб кетиб ҳаммасини унутди. Кутилмаганда ашула бирдан тўхтаб, телефон яна тириглади.

Холмат туснинг шумлиги тутди. Таваккал қилди. SMS ёзди. Ҳадеганда ҳеч қандай жавоб келавермагач, ҳаммаси шунчаки ўйин, деган хаёлга борди. Ишидан уялди. Офтоб урган терида яноғи қизаргани сезилмади. Кетмонини қўлига энди олиши билан яна телефон тириглади. SMS келибди, шоша-пиша ўқиди: “Бизнинг танишув хизматимиздан фойдаланганиз учун ташаккур! Марҳамат қилиб, жинсингизни кўрсатинг! 1 эркак. 2 аёл.”

Холмат тус бир рақамини ёзиб жўнатди.

Тириг-тириг.

“Икки хонали сон билан ёшингизни теринг!”

Холмат тус каловланди. Ёшини ростини ҳам, ёлғонини ҳам ёзишни билмади. Бир фурсат иккиланиб, дуч келган иккита рақамни босди.

“Кимни излаяптсиз? 1 эркак. 2 аёл”

“2”

“1 севги. 2 оила қуриш учун. 3 дўстлик. 4 мулоқот.

“1”

“Вилоятни кўрсатинг.”

“1 Анд. 2 Нам. 3 Фар. 4 Тош. 5 Қаш. 6 Сур. 7 Бошқа”

“5”

“Исми қайси ҳарф билан бошланувчи қизлар билан танишмоқчисиз?”

“А ёки Б”

“Марҳамат қилиб фақат биттасини тангланг!”

“Б”

Тиринг-тиринг.

“Рўйхатдан ўтиш учун сизга хабар юборилди.”

Тиринг-тиринг.

“8100 рақамга pick танлаб, уни ёзиб юборинг. Иккита нуқта қўйиш ҳам ёдингиздан чиқмасин.”

Холмат тус худди SMSда ёзилганидек қилди.

Тиринг-тиринг.

“Баракалла! Мана шундай олға юришда давом этинг! Омад ёр бўлсин!”

Охирги хабарни ўқигач, Холмат Туснинг оғзи қулоғига етди. Қувонганидан қўлларини бир-бирига ишқаб, турган ерида сакраб-сакраб олди. Белининг қуввати ҳали яхшилигидан мийиғида кулиб қўйди. Бироқ навбатдаги SMS келавермаганидан кўнгли андак хижил бўлди. Вақт гўё тўхтаб қолгандек эди. Сония сайин хуноби тошиб борарди. Не қиларини билмай, боғ теварагини икки-уч марта айланиб чиқди. Кутиш азоб, илҳақлик машаққат. Унинг тоқати тоқ бўлди. Аламини нимадан олишни билмасди. Қўлидаги аппаратни бармоқлари билан қаттиқ қисимлади. Кафтдан ғичир деган овоз эшитилди. Кейин телефонини синдириб қўйишидан чўчиб, ҳозирги ишим аҳмоқликдан бошқа нарса эмас, деб ўйлади. Барибир ҳовури босилмади. Ён-верига аланглаб, оёғи остида ўралашиб юрган итини кўриб, унинг оч биқинига боглаб тепди. У ғингшиб-ғингшиб нари кетди.

Тиринг-тиринг!!!

Холмат туснинг чиройи очилди. Зум ўтмай SMSни очиб ўқиди.

“Салом”

“Ва алайкум”

“Мен Барноман. Исмингиз нима?”

“Холмат”

“Холли йигит экансиз-да!”

“Ҳа, энди, шунақароқ”

“Холиз қаерда?”

Холмат тус нима деб жавоб ёзишни билмади. Воҳ, дариг! Қурмағур минилмаган тойга ўхшайди-ку, деб ўйлади. Бўлмаса, ҳали танимаган-билмаган одамга шундай савол берадимми, аёл дегани.

Тиринг-тиринг.

“Ҳазиллашдим. Хафа буманг.”

– Ҳей, ҳазилинг ҳам қурсин, – деди Холмат тус ўзига гапириб. – Одамнинг капалагини учирдинг-ку!

Тиринг-тиринг.

“Севги борлигига ишонасизма?”

“Ҳа, ўзиз-чи?”

“Ман ишонаман. У ҳақда шеърлар ҳам ёзганман.”

“Йўғ-эй?”

“Ўқиб кўрасизми? Жўнатаман.”

“Майли.”

“Гуллар доим қўлингда бўлсин,

Лекин тикони ботмасин.

Севги доим сени топсин,

Лекин яраламасин.”

“Зўр чиқибди.”

“Яна битта юборайма?”

“Фарқи йўқ.”

“Эрмак қилиб ҳамма қизга гап отгунча, Дўстлар билан тун бўйи гап сотгунча, Ҳар хил тушлар кўрмай тонг отгунча, Иболи бир қиз топиб уйланволинг.”

Афсуски, SMS ёзиш пулли. Тагин долларда ҳисоб-китоб қилинади. Йўқса, ҳамма ишини йиғиштириб, бир-бирига изҳорлар битиш билан машғул бўлармиди? Яна ҳам Яратган билгич! Холмат тус SMS кетидан SMS жўнатавериб, пулини тугатди. Қишлоқдаги пайнетга бориб келишга эринди. Излаган имкон топар, дегани рост экан. Ўйлаб-ўйлаб йўлини топди: Абдуғани пайнетга кўнғироқ қилиб юборинг, деган бепул SMS жўнатди. Орадан икки-уч дақиқа ўтиб, ҳисоб тўлдирилгани ҳақида хабар келди.

Бунинг ҳеч қандай ҳайрон бўладиган ери йўқ, назаримда. Қишлоқда ҳаёт шаҳарниқидан кескин фарқ қилади. Одамларнинг аксариятини қўлига ойлаб пул тушмайди. Бунга дўкандору қассоблар аллақачон кўникиб кетган. Қишлоқдошларига у-бу нарсани қарзга бериб юбораверади. Абдуғани Пайнетнинг Холмат тус телефонига пул ўтказишининг боиси ҳам шу. У не-не одамларнинг телефонига насияга пул ўтказиб бермаган дейсиз?! Қарз қиёматга қолмайди, албатта. Қўли пул кўрганлар ҳисоб-китоб қилиб



кетади, топмаганлар кузда ҳосил кўтарганда, қарз эвазига олма-ёнгоқ беради. Абдуғани пайнет йиғилган маҳсулотни шаҳарга келтириб, бозорда пуллайди. Бундан бир-икки сўм фойда ҳам кўради. Айрим қўли калталар қарзини бермаса ҳам Абдуғани пайнет хафа бўлмайди. Кетса, тўрт-беш сўм пулим қишлоқдошларимга кетибди-да, деб ўйлайди. Эртага яхши-ёмон кунимга шулар ярайди, дейди.

Холмат туснинг рақамига пул тушгунча бир неча марта SMS келди. Кетма-кет жўнатилган шеърларни ўқиб, унинг шоирлиги тутди. Зўр тўртлик ёзиб, анойи эмаслигини билдириб қўймоқчи бўлди. Афсус, ҳеч қандай шеърни ёддан билмас экан. Ёшлигида китобда ўқиганларининг бир-икки қаторини чала-чулпа эслади, холос. Бунинг ўзи етарли эмас. Шунинг учун ҳар куни телефонда эшитадиган қўшиқлардан бирининг тўрт қаторини ёзиб юборишни эп кўрди.

“Қирқ қулоч сочингни ёйдинг торга-ей,  
Кўнгил бердим сендаккина ёрга-ей,  
Кўнгил берсам сендаккина ёрга-ей,  
Сен туриб мен осилайн дорга-ей.”

Холмат тус ўзича ишидан мамнун эди. SMS-нинг жавобини илҳақ бўлиб кутди.

Тиринг-тиринг.

“Бу нима?”

“Шеър”

“Амир Олимхон даврида ёзилганма?”

“Билмадим.”

“Севги ҳақида шеърлариз йўқма?”

Холмат тус халқ термаларидан ёдида қолган энг сара икки сатрни юборди.

“Ошиқ бўлдим арпанинг сомонига,  
Ўлим берсин қизларнинг ёмонига.”

Тиринг-тиринг.

“Ахмоқ қиялпсизма?”

Холмат тус хафа бўлди. Боиси у мақтов эшитишни, шоир бўлиб кетинг, деган гапларни кутганди. Ёшлар шоирларининг китобларини ўқимаганига афсус чекди. Жилла қурса, иккита-учта шеърини ёд олмаганига ўзидан ранжиди. Бугун шоири замондан кўпи бўлмаса! Аммо... Ҳозир ўзидан ўпкалашнинг мавриди эмас эди. Қандай қилиб бўлмасин вазиятдан чиқиш керак. Шу пайт адабиёт ўқитувчисининг ҳар ким ўз қобилиятини кўрсата билиши керак, деган гапини эслади. Ҳамма шеър ёзганда мен ҳам тўрт қатор қораласам, осмон узилиб тушармиди, деди. Кейин ёзганини овоз чиқариб ўқиди. Ўзига манзур бўлди чамаси, SMS қилиб юборди.

“Кунлари севдим деб айтолмасам,  
Аразламанг, жоним аразламанг.

Тунлари ёнингизда ётолмасам,  
Аразламанг, мендан аразламанг!”

Тиринг-тиринг.

“Яшанг! Гап йўқ”

Тушлик олиб келган хотини уйга кетар чоқ кўлига пул бериб, пайнетдан рақамига ўтказиб юборишини буюрди. Дунёда ўзбек аёлларидек яхши хотин топилмаса керак. Эрини салкам пайғамбардек улуғлайди. Айтгани айтган, дегани деган. Холмат туснинг аёли ҳам қишлоққа кириши билан бошқа ишга чалғимай, тўғри пайнет будкасига борди. Абдуғани пайнет қаттиқ муқовали дафтарга ниманидир ёзиб ўтирган экан.

– Ука, пайнетингиз ишлаяптими? – деб сўради аёл салом бериб. – Акангизни номерига пул ташлаб юборинг!

– Ҳозир, янга, – деди Абдуғани пайнет қилаётган ишидан бошини кўтариб. – Кеча пешинда ҳам пул ташлагандим-ку. Дарров тугабдимиз? Нима бало, сиз бу ёқдан, акам у ёқдан телефонда гаплашяптисларма дейман?

Аёл йўл-йўлакай Абдуғани пайнетнинг гапини ўйлади. Кўнглида ғимирлаган шубҳалар ҳақиқатдай туюлди. Охирги пайтда эрининг ўзгача қадам босаётгани сабабини тушунгандай бўлди. Эрининг кеча-кундуз телефонни қучоқлаб юриши бекорга эмас! Эри ойда бир соқолини қиртишламас эди. Ҳозир кунора юзига устара тортади. Тагин одекolon ҳам сепишни қанда қилмайди. Ё тавба, одам ҳам шунчалик тез ўзгариши мумкинми?

Кеча тасодифан эрини тошойна олдида кўриб қолди. У пуфақдек шишган қорнини дам ичига тортиб, дам эркин қўйиб кўрарди. Кейин деярли қора толаси қолмаган сочини бир ўнганга, бир сўлга тараб текислади. Қилган ишидан кўнгли тўлди, шекилли, тошойнага яқинроқ бориб, лунжларини қўли билан тортиб-тортиб, юзига шаппатлади. Аёл уйига етгунча эрининг икки-уч кун ичидаги ана шундай ғалати-ғалати қилиқларини кўз олдида ўтказди. Юракка санчилган алам суяк-суягигача ўтиб кетгандек бўлди. Жаҳли чиқиб, ҳозироқ боққа бориб, эрининг ёқасидан олишни кўзлади. Кейин шайтонга ҳай берди. Бўлиши мумкин эмас, деб ўзини ишонтирди. Чунки шу кунгача эрининг бегона аёлга ҳатто кўз қирини ташлаганини сезгани йўқ. Бўлар-бўлмас хаёлларга борганидан уялиб, ўзини койиди.

Эртасига хотини тушлик келтирганда Холмат тус боғнинг тоғ этагидаги лолақизғалдоққа бурканган адирларни томоша қилаётган эди. Аёлини кўрмади. Аёл қўлидаги нарсаларини чеккага қўйиб, супада қалашиб ётган кўрпачаларни тартибга солди. Эрининг ёстиқ остида

қолиб кетган телефонини олиб, кўринадиган жойга қўйди. Кейин чойнақ-пиёла ювишга ариқ томонга кетди. Шу пайт телефон тиринг-тиринглаб, SMS келди. У на йўлида юришини, на ортга қайтишини билди. Боиси, эрининг нарсасига ҳеч қачон рухсатисиз қўл теккизмаган эди. Қалбида уйғонган ғулғула уни бир умрлик одатини бузишга ундади. SMSни ўқиди. Кўзига ишонмади. Қайта-қайта ўқиди. Баданидан совуқ тер чиқиб, супага ўтириб қолди.

Олисдан аёлини кўрган Холмат тус бир-бир босиб, супа ёнига келди. Хотинининг докадек оқариб кетганини кўриб: “Тинчликми?”, деб сўради. Аёли ҳеч сўз демай, ўрндан туриб, этагини қоқди-да қишлоқ томонга тез-тез юриб кетди. Холмат тус нима бўлаётганига тушунмай ортидан қараб турди. Илкисдан нимадир ёдига тушиб, ҳамма чўнтагини қўли билан пайпаслаб чиқди. Телефони йўқ. Кейин кўрпача устида турган телефонни кўриб, нима бўлганини фаҳмлади.

Холмат тус саратонни боғидаги супада ўтказди. Иссиқ-совуғидан ўғил-қизи хабар олиб турди. Оқшомлари ҳам шу ерда тунаб қолди. Аёли эса ўша кетганча, қайтиб ўликмисан ё тирикмисан, деб сўрамади.

Тоғда биринчи қор ёғди. Ҳаво анча салқинлади. Бу ерда оқшомда тунаб қолиш ўз жонига қасд қилиш билан тенг. Бир кечада совуқдан касаллик орттириб олиш ҳеч гапмас. Дала-даштга отар ҳайдаб кетган чўпонлар аста-аста қишлоққа қайтмоқда эди. Боғларда инсон зотининг қораси кўринмайди. Холмат тус ҳам кўрпа-тўшагини йиғиштириб, асрдан бери уйга кетишга чоғланади. Энди қишлоққа жўнайман деганида, арзимаган нарсани баҳона қилиб, яна шу ерда куймаланади. Кўз олдида аёлининг аразли чехраси жонланиб, кўнгли хижил тортади. Уйга кетай деса, ҳеч оёғи тортмайди. Буёғи, кетмаса ҳам бўлмайди. Ёмғир ана ёғай, мана ёғай, деб турибди.

Холмат тус келганда ҳовлида ҳеч ким йўқ экан. Томоғини қириб, шу ердалигини билдирди. Ичкаридан ўғли чиқиб, қўлидан нарсаларни олди. Кейин биргалашиб уйга киришди. Урчуқ чўзиб ўтирган аёли салом бериб, ишида давом этди. Қизи дастурхон ёзди. Таом сузилди. Буғи чиқиб турган ошга ота энди қўл чўзганди, яна телефон жиринглади: тиринг-тиринг. Холмат тус эътибор бермади. SMSни ўғли аввал ичида, кейин овоз чиқариб ўқиди: “Ғапбох порталида романтик танишувлар! 7007 га қўнғироқ қилинг! Бегул!”

Улар қулиб юборишди...

# “Ёшлик” журналининг йиллик мухтасар мундарижаси

## АДАБИЁТШУНОСЛИК

### Исломжон Ёқубов.

Умуммиллий дардлар залвори. 1, 60-62

**Йўлдош Солижон.** Изланиш бекатлари. 2, 54-55

**Абдулла Улугов.** Кўхна туйғуларнинг янги талқини... 5, 29-33

## АДИБ ХОНАДОНИДА

### Хуршид Дўстмуҳаммад.

Ҳамдардим – адабиёт. 1, 2-6

**Жамила Эргашева.** Маънавият бешиги. 3, 6-9

**Фармон Тошев.** Адабиёт ҳаракатда бўлсин. 5, 2-5

**Сойим Исҳоқ.** Адабиёт сабрни ўргатади. 6, 2-5

## ДИЛКЎПРИК

**Анна Ахматова.** Вақтдан голиб шеърят. 1, 52-54

**Эмили Дикинсон.** Жанубни севади жануб қушлари. 2, 44-46  
Сувнинг ҳаводаги дастхати. 3, 42-44

**Ибройим Юсупов.** Йиллар асов отдай опқочар йироқ. 4, 43-44

**Расул Ҳамзатов.** Сомон йўлдай тоққа осилди сўқмоқ. 5, 42-43

**Собит Мадалиев.** Ҳарсиллаб чопади чўлда бир сўқмоқ. 6, 32-33  
Болгария шеърятидан таржималар. 7, 50-53

## ЖАҲОН ҲИКОЯСИ

**Франц Кафка.** Қишлоқ кўчасидаги болалар. 2, 56-57

**Александр Куприн.** Зумрад от. Ҳикоя. 3, 54-59

**Мария Луиза Кашнитс.** Арвоҳлар. 4, 52-55

**Ҳерманн Ҳессе.**

Илк саргузашт. 6, 56-58

**Дино Буццати.** Ишқий мактуб. 8, 61-63

**Алфонс Доде.** Сўнги сабоқ. 9, 61-63

**Хулио Кортасар.** Биз Глендани шундай яхши кўрардик. 10, 58-63

**Василий Шукшин.** Ёлғиз ўзлари. 11, 43-47

## МУЛОҚОТ

**Дилором Салоҳий.** Икки юлдуз шуъласи. 2, 3-5

**Фахриёр.** Эплаб ёзишдан бошқа мезон йўқ. 3, 2-5

**Маматқул Жўраев.** Халқ ижоди – боқий қадрият. 4, 2-6

**Исажон Султон.** “Адабиёт қалбларни бирлаштиради...”. 8, 5-9

**Баҳодир Ганиев.** Ёшларга таянч бўлиш бахти. 9, 3-7

## МУТОЛАА

**Доно Бекжонова.** Бир китоб шуқуҳи. 2, 60-61

Азалий ҳақиқатнинг замонавий тасвири. 5, 62-63

**Шоҳруҳ Абдурасулов.** Сийрат ва қисмат битиклари. 6, 34-36

## МУШОҶАДА

**Дилафрўз Собирова.** Адабиётда модернизм. 3, 61-63

**Достонбек Шарипов.** Англаш ҳаловати. 6, 42-43

**Неъмат Арслон.**

Ибтидо. 8, 32-35

**Беҳзод Қобул.** Ёшлар ижоди: ўзлик, услуб, маҳорат. 9, 35-39

**Абдурахмон Қодиров.** Ақл ва қалб мувозанати. 9, 59-60

**Абдуғани Сулаймон.**

Муваффақиятнинг асосий шарти. 10, 49-51

## НАЗМ

**Абдулла Орипов.** 1, 7-9.

**Ўроз Ҳайдар.** 1, 33-35.

**Умида Абдусалом қизи.** 1, 58

**Ҳалима Аҳмедова.** 2, 6-8.

**Алишер Назар.** 2, 33-35.

**Гўзал Рўзиева.** 2, 52-53

**Зебо Раҳимова.** 3, 10-12

**Нилуфар Умарова.** 3, 30-31

**Ирода Умарова.** 3, 52-53

**Ҳалима Худойбердиева.** 4, 7-9

**Носиржон Жўраев.** 4, 32-33

**Маҳлиё Умрзоқова.** 4, 36

**Рустам Мирвоҳид.** 4, 48-49

**Ортиқжон Жўраев.** 4, 59

**Шоира Эрназарова.** 4, 61-62

**Одил Ҳотамов.** 5, 6-8

**Ойдиннисо.** 5, 26-28

**Адиба Мейлиева.** 5, 47

**Машғал Хушвақт.** 5, 50-51

**Элёр Мурод.** 5, 56-57

**Жумагул Сувонова.** 6, 6-8

**Ғайрат Маҳид.** 6, 50-51

**Хайрулла Холтўраев.** 6, 54-55

**Шоҳиста Жўраева.** 6, 59

**Зебо Мирзо.** 7, 31-33

**Беҳзод Фазлиддин.** 7, 58-59

**Абдували Қутбиддин.** 8, 10-12

**Жўрабек Жаҳон.** 8, 56-57

**Гулжамол Асқарова.** 9, 12-14

**Сирожиддин Саййид.** 10, 8-10

**Муҳиддин Абдусаммад.** 10, 52-53

**Минҳожиддин Мирзо.** 11, 11-13

**Элбек Эркин.** 11, 48-49

## НАСР

**Луқмон Бўрихон.** Қуёш ҳали ботмаган. Қисса. 1-2, 10-32, 9-32

**Уйғун Рўзиев.** Ялпиз тераётган қизалоқ, Тавба. Ҳикоя. 1, 39-51

**Дилором Абдурахмон.** Туташ йўллар. Ҳикоя. 2, 41-43

**Шаҳодатбону Имомназарова.** Илинж. Ҳикоя. 2, 47-49

**Гўзалой Солиҳ қизи.** Сиз ўшамми? Қисса. 3, 13-29

**Шахло Аҳророва.** Худонинг меҳмони. Дада. Ҳикоя. 3, 36-41

**Холиёр Сафаров.** Оғриқ. Ҳикоя. 3, 45-48

**Абдуқайом Йўлдошев.** “В.Б.” ва бошқалар. Гротеск қисса. 4, 10-31

**Ашурали Жўраев.** Дўпписи йўқ дунё. Туркум ҳикоялар. 4, 37-42  
**Муродбой Низанов.** Ҳаво кемасидаги икковлон. Қисса. 5, 9-25  
**Ғози Раҳмон.** Қўш кабутар чизилган уй. Қарқара мерган. Ҳикоя. 5, 34-40  
**Улугбек Ҳамдам.** Йўл. Фалсафий роман. 6-7, 9-23, 12-30  
**Отаули.** Ҳаво. Ҳикоя. 6, 28-31  
**Меҳринсо Абдураҳмонова.** Қўшнилар. Ҳикоя. 6, 37-41  
**Муталлиб Ҳазратқулов.** Оқ кабутарлар. Ҳикоя. 6, 44-45  
**Дилсора Абдусатторова.** Совға. Ҳикоя. 6, 55  
**Нурилла Чори.** Ташвиши йўқ одамлар. Ҳикоя. 7, 41-45  
**Муҳаммадхон Юсупов.** Қисқа ҳикоялар. 7, 48-49  
**Шодикул Ҳамро.** Қақнус қанотидаги умр. 8-9, 13-29, 15-31  
**Анвар Суюн.** Оқтирноқ. 8, 43-48  
**Байрам Айтмурод.** Қўноқ. Оға. Ҳикоя. 9, 47-55  
**Нормурод Норқобилов.** Энатош. Ҳикоя. 10, 33-39  
**Жасур Кенгбой.** Тирик товон. Ҳикоя. 10, 21-25  
**Матлуба Деҳқон қизи.** Гул сўқмоқлар. Эссе  
**Собир Ўнар.** Отамзамон ҳангомалари. 11, 20-37  
**Шавкат Одилжон.** Истак. 11, 53-55

## НЕВАРАКУЛЧА

**Туроб Юсуф.** Ботир сичқон, шотир тошбақа. 2, 58  
**Дилшод Ражаб.** Бағри куёш, ой бу эл, Яхшиликка бой бу эл. 6, 24-25  
**Нуруллоҳ Достон.** Болалик олисда майин най чалар. 7, 62-63

## НИГОҲ

**Қундузхон Ҳусанбоева.** Миллат руҳининг ифодаси. 1, 36-38  
**Тоғай Мурод:** “Юлдузим мангу ёнади”. 9, 41-43  
 Мактаб яратган мунаққид

## ТААССУРОТ

**Нурилла Чорининг** “Ташвиши йўқ одамлар” ҳикоясини ўқиб... 7, 46-47  
**Анвар Суюннинг** “Оқтирноқ” ҳикоясини ўқиб... 8, 48-50

**Байрам Айтмуродовнинг** “Қўноқ” ва “Оға” ҳикоясини ўқиб... 9, 56-58  
**Жасур Кенгбойнинг** “Тирик товон” ҳикоясини ўқиб... 10, 25-27  
**Шавкат Одилжоннинг** “Истак” ҳикоясини ўқиб ёхуд кичик одам фожиаси. 11, 56-57

## ТАВСИЯ

**Эрнест Ҳемингуэй.** Ёш ёзувчига маслаҳатлар. 8, 58-60.  
**Марк Твен.** Яхши ёзай десангиз. 9, 40.  
**Абдулла Қаҳҳор.** Холис гап китобхоннинг кўнглида бўлади. 10, 28-32.  
**Юрий Казаков.** Оқ қоғоз билан юзма-юз. 11, 58-62.

## ТАДҚИҚОТ

**Абдураҳмон Пиримқулов.** Атторма таъзим. 1, 55-57  
**Жовли Хушбоқ.** Шеър – илоҳий соғинч. 2, 50-51  
**Беҳруз Авазов.** Нилуфардан таралган қўшиқ. 3, 50-51  
**Муҳайё Солиева.** Асарларнинг жонли тили. 4, 60-61  
**Усмон Қобилов.** Жунун шиор кўнги хилвати ва оҳу кўз сеҳри. 5, 44-46  
**Бобур Элмуродов.** Туйғуларнинг геометрик шакли. 5, 52-54  
**Моҳинур Мухторова.** Ҳижрон мотиви шоирлар талқинида. 6, 26-27  
**Адиба Давлатова.** “Ранжком” достонида шоир орзуларининг ёритилиши. 6, 46-47  
**Зоҳида Раҳмонова.** Туркона тил жозибаси. 6, 60-61  
**Шаҳло Облоқулова.** Роберт Бёрнс шеърятга ўзбек тилида. 10, 17-19  
**Манзар Абдулхайров.** “Доғ ботинда ўсади...”. 11, 50-52

## УЧРАШУВ

**Миролим Исажонов.** Само қучоғида ёнар юлдузлар. 1, 63  
**Наргиз Ёқубжон қизи.** Бир умр тиладим дил изҳорингни. 2, 59  
**Зухро Эшонқулова.** Умримга маънилар беради ҳаёт. 3, 49  
**Нодира Назар.** Унутмагин бизлар ўтган шаън йўлларни. 3, 60

**Гулсиной Ўринбоева.** 5, 41  
**Ирода Жумабоева.** 5, 41  
**Муқаддас Мамарасулова.** Ҳасад. Ҳикоя. 5, 48-49  
**Маҳфуз Шамсиматова.** Гул излаган қизлар. Ҳикоя. 5, 55  
**Анвар Алламбергенов.** Зулфинг қилдинг бўйнима дор. 5, 58-  
**Орифжон Одиллов.** Хандонписта. Ҳикоя. 6, 48-49  
**Раҳимжон Али.** Сўзлар оқа бошлади рангин. 6, 61  
**Мурувватхон Ғаффоржонова.** Митти юлдуз милтирар. 8, 31

## ХОТИРА

**Дилмурод Исломов.** Доира зарбидан титрайди юрак. 4, 56-58  
**Рустам Мусурмон.** Вақт рангларининг мусаввири эди. 7, 54-57  
**Оллоёр Бегалиев.** Аъзам Ўктам: Бир йўл кўринур... 8, 51-55  
**Аҳмаджон Мелибоев.** Шоир, тутгил одил йўлни... 10, 54-56

## ҚЎЛЁЗМА

**Муҳаммад Юсуф.** Тавалло. 8, 30  
**Матназар Абдулҳаким.** Соғиниш. 9, 34  
**Тўра Сулаймон.** Ҳикмат. 10, 20  
**Машраб Бобоев.** Дўстим 11, 16

## ҲАЖВИЯ

**Мирзо Аҳад.** Норидин дўхтир ҳангомалари. 1, 64  
**Абдурауф Бахмалий.** Асосий масала-чи? 2, 62-63  
**Турсунбой Адашбоев.** Янги пародиялар. 3, 5, 64  
**Ўктам Мирзаёр.** Холдош. 4, 62-64  
**Рамазон Ашуров.** Чўпоннинг чопони. 6, 63-64  
**Вазира Иброҳимова.** Қайсар қаламкаш. 7, 64  
**Элмурод Нишонов.** Қўжарбоевнинг янги фильми. 8, 64  
**Абу Ҳайрон Жиззакий.** Гадейтопмас Fashion Show. 11, 63-64